

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Фарғона Давлат Университети

Умаров О.Қ.

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ КОМПЛЕКС



Фарғона 2007

УДК
ББК
У

Умаров О.Қ. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув – услубий комплекс.
Фарғона: ФарДУ нашриёти, 2007 йил. 172 бет

Ўз ичига курсни ўрганиш бўйича кўрсатмаларни, унинг дастурини, асосий назарий масалаларни шунингдек фанни ўрганишни чуқурлаштириш учун амалий топшириқларни шунингдек рейтинг учун саволлар ва адабиётлар рўйхатини қамраб олган.

Иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодиёт (касбий таълим) йўналишларининг талабалари, фан ўқитувчилари ҳамда солиқлар ва солиққа тортиш масалалари билан қизиқувчи магистрант ва амалиётчилар учун.

Фарғона Давлат Университети ўқув – услубий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
З.И. Жумақулов
(Фарғона Давлат Университети
“Ижтимоий-иқтисодиёт” факультети
декани)

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
А.А. Болтабоев
(Фарғона Давлат Университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси
мудири)

© Фарғона Давлат Университети, 2007

© О.Қ. Умаров, 2007

Курсни ўрганиш юзасидан тавсиялар.

Солиқлар ва солиққа тортиш” фани иқтисодиёт ва ижтимоий – иқтисодиёт (касбий таълим) йўналишидаги талабаларни тайёрлашда ўтилиши лозим бўлган фанлардан бири бўлиб, бу фан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва солиқ ишини юритиш, Давлат солиқ хизмати идоралари тизими, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишни назарий, илмий ва амалий жиҳатидан ўрганиш ва талабаларда мазкур фан бўйича мустақкам билим кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизими, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва уларни ундириш тартиби, умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги, давлат солиқ хизмати идоралари тизими, солиқ соҳасидаги ишларни юритиш, солиқлар бўйича имтиёзлар, ривожланган хорижий чет эл мамлакатларининг солиқлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатади.

Мазкур ўқув фанининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизими, солиққа тортишни назарий ва амалий жиҳатидан ўрганиш ва талабаларда мазкур фан бўйича мустақкам билим кўникмаларини ҳосил қилиш ҳисобланади.

Курснинг олдида қўйган мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

- иқтисодий ислохотлар шароитида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар турлари, уларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиш;
- Солиқларни тузилиш тизими ва солиққа тортиш ишларини ташкил қилиш услубларини ўргатиш;
- Солиқ қонунчилиги ва солиқ соҳасидаги ишларни юритиш бўйича қўшимчалар, ўзгаришлар.

Мазкур фанни ўқитиш давомида турли хил материаллар, слайдлар, видео техникадан, компьютер технологияларидан ва амалий маълумотлардан, амалий дастурларнинг стандарт пакетларидан, видео маърузалардан, Виртуал кутубхонадан ҳамда “Интернет” тизими маълумотларидан фойдаланилади.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанини ўқитиш, Университетда таълим олаётган иқтисодиёт ва ижтимоий – иқтисодиёт (касбий таълим) йўналишидаги таълим йўналиши 2-курс талабалари учун режалаштирилган.

“Солиқлар ва солиққа тортиш» фанини иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга 2-курснинг 4-семестрида ўқитилади.

Барча турдаги ўқув машғулотларини олиб бориш жараёнида наъмунавий ўқув дастурида келтирилган адабиётлар рўйхатидан ташқари, солиқ қонунчилиги ҳақида барча янги адабиётлар, Республикада чоп этилаётган рўзнома, журналлардан ва айниқса “Солиқ тўловчилар журнали”, “Солиқ ва божхона хабари рўзномасида келтирилган янгиликлардан фойдаланилади.

Фанни ўрганиш адабиётларни ўқиш, рефератлар ва давра суҳбатлари уюштириш билан мустақкамланади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўрганиш учун ўқув режаси бўйича маъруза машғулотлари 36 соат, амалий машғулотлар 18 соатни ташкил этади, мустақил таълим учун 27 соат ажратилган.

Ўқув юкламасининг мавзулар ва машғулот турлари бўйича таксимоти.

т/р	Мавзу номи	Аудитория соатлари		Мустақил иш
		Маъруза	Амалиёт	
1	“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари	2	1	2
2	Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва таркиби	2	1	2
3	Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ	2	1	2
4	Кўшилган қиймат солиғи	2	1	3
5	Акциз солиғи	2	1	2
6	Юридик шахсларнинг молк-мулк солиғи	2	1	2
7	Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи	2	1	2
8	Юридик шахсларнинг ер солиғи	2	1	2
9	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2	1	2
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2	1	2
11	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш	2	1	2
12	Жисмоний шахслар даромад солиғи	2	1	2
13	Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш	2	1	2
14	Жисмоний шахслар молк-мулк солиғи	2	1	2
15	Жисмоний шахслар ер солиғи	2	1	2
16	Бошқа маҳаллий солиқлар, йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.	2	1	2
17	Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва давлат солиқ хизмати идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	2	1	2
18	Давлат солиқ хизмати идоралар тизими	2	1	2
	Жами:	36	18	37

Курснинг ишчи дастури

1 – мавзу . “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари. Фанни ўрганишнинг зарурлиги, манбалари, унинг асоси ва бошқа фанлар билан муносабати. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг солиқ хизмати ва солиқ соҳасидаги мутахассис ходимларни тайёрлашдаги тутган ўрни ва аҳамияти. Фаннинг назарий ва амалий асослари.

2 – мавзу. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркиби. Солиқлар тизими. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни, ундириш тартиби. Юридик шахслардан олинадиган солиқлар. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар. Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар. Давлат даромадлари. Давлат бюджети. Республика бюджети. Маҳаллий бюджетлар. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими тузилмаси. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳамда уларнинг фарқи. Хукумат идораларининг Республика хукумати ва маҳаллий хокимиятларга бўлиниш хусусиятлари. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар.

3– мавзу. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи.

Юридик шахслар тушунчаси ва улар тўлайдиган солиқларнинг таркиби. Юридик шахслар солиқларини бюджет даромадларини шакллантириш ва пул муомаласини мустаҳкамлашдаги аҳамияти. Юридик шахслар солиқларини бюджетга тўлаш тартиби. Даромадга (фойдага) солиқ тушунчаси ва солиқ тўловчилар. Даромадга (фойдага) солиқ объекти ва солиққа тортиладиган даромадларни ҳисоблаш тартиби. Юридик шахсларнинг даромад (фойда)га солиқ ставкалари ва солиқни бюджетга тўлаш тартиби. Даромадга (фойдага) солиқдан тўлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари. Даромад (фойда)га солиқдан вақтинчалик озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари. Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадини камайтирилиши. Даромад (фойда) солиғининг ҳисоблаб чиқилиши (солиқ ҳисоби), солиқ идораларига тақдим этиш ва тўланиши. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларининг даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш.

Даромад(фойда)дан солиқ тўловчи-норезидент чет эл юридик шахслари. Чет эл юридик шахсларнинг доимий муассасаларини Давлат Солиқ идораларида ҳисобга олиш. Ўзбекистон ҳудудида олинган чет эл юридик шахснинг солиққа тортиладиган базасини ҳисоблаш тартиби. Чет эл юридик шахснинг доимий муассасини даромад (фойда) солиғи ҳисоби ва тўлов муддати. Манбаи Ўзбекистон Республикасида бўлган доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган чет эл юридик шахсларини даромади (фойдаси)ни солиққа

тортиш.

4– мавзу. Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи тушунчаси ва амалиётда уни ҳисоблаш усуллари қўшилган қиймат солиғини тўловчилари ва солиқ солиш объекти. Солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби.

5– мавзу. Қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси.

Қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси. Ҳисобварақ – фактуралар. Қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар турлари. Бюджетга тўланадиган ва ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи.

6 – мавзу. Акциз солиғи

Акциз солиғи тушунчаси ва солиқ тўловчиларни гуруҳлаш. Акциз солиғини солиққа тортиш объекти ва ҳисоблаш тартиби. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқ тўлаш муддатлари. Акциз солиғини ҳисобга олиш Республикага олиб келинадиган ва чиқариб кетиладиган товарларга акциз солиғи тўлаш тартиби.

7 – мавзу. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи

Юридик шахслар мол-мулк солиғини тўловчилар ва солиққа тортиш объекти. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси ва солиқдаги имтиёзлар. Мол-мулк солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш.

8– мавзу. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни ягона ер солиғига тортиш

Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишнинг аҳамияти. Ягона солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва ставкалари. Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Солиқларни ихчамлаштириш ва ягона ер солиғи тўловчилар, солиқ объекти ва солиқ ставкалари. Ягона ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

9 – мавзу. Юридик шахсларнинг ер солиғи

Ер солиғи тўловчилар ва солиққа тортиш объекти. Ер солиғи ставкалари ва юридик шахсларга ер солиғи солишда имтиёзлар. Ер солиғидан озод этилувчи юридик шахслар. Юридик шахслар томонидан ер солиғини ҳисоблаш тартиби. Юридик шахслар томонидан ер солиғини тўлаш ва уни ҳисобга олиш тартиби.

10– мавзу. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

“Ер ости” тушунчаси, солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объекти. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, солиқдан имтиёзлар. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобини тузиш ва тўлаш тартиби.

11– мавзу. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи тўловчилар, солиқ объекти ва ставкаси. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғидан имтиёзлар. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

12 – мавзу. Жисмоний шахслар даромад солиғи

Жисмоний шахслар солиқларининг таркиби ва тузилмаси. Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жисмоний шахслар даромад солиғини тўловчилар, солиқ объекти ва жами даромад таркиби. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби. Жисмоний шахслар даромад солиқ ставкалари. Жисмоний шахслар даромад солиқдан имтиёзлар. Чет эллик жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ ҳисоблаш тартиби, ҳисоблашлар, ҳисоб-китоблар ва декларациялар тақдим этиш. Жисмоний шахслар даромадидан солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби. Жисмоний шахслар даромадидан солиқни тўлаш тартиби.

13 – мавзу. Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

Жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Белгиланган қатъий солиқни жорий этилиши, солиқ тўловчилар ва солиқ объекти. Белгиланган қатъий солиқ ставкаси, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони амалга ошириш Якка тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва буюм бозорларида амалга ошириш тартиби.

14 – мавзу. Жисмоний шахсларнинг молк-мулк солиғи

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчилар. Солиққа тортиш объекти ва солиқ ставкалари. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқдан имтиёзлар. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

15– мавзу. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи

Ер солиғи тўловчилар ва жисмоний шахслар учун ер солиғи объекти. Ер солиғи ставкалари ва ер солиғидан жисмоний шахслар учун имтиёзлар.

Жисмоний шахслар ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

16-мавзу: Бошқа маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва нобюджет жамғармаларга тўловлар

Инфраструктурани ривожлантириш солиғи. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини тўловчилар. Солиқ солиш объекти. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Солиқ ставкаси. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини тўлаш муддатлари. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун дизел ёқилғиси, бензин ва газ истеъмоли солиғи. Солиқ тўловчилар. Солиқ солиш объекти. Солиқ ставкаси ва ҳисоблаш тартиби. Солиқ ҳисобини юритиш тартиби ва уни тўлаш муддатлари. Тўловчилар жавобгарлиги ва давлат солиқ хизмати органларининг назорати. Йиғимлар таркиби ва давлат солиқ хизмати органларининг назорати. Йиғимлар ва уларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Савдо ҳуқуқи учун лицензион йиғим. Ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. Пенсия, йўл, ривожлантириш жамғармаларга тўловлар.

17 – мавзу. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва солиқ ишини юритиш

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги тушунчаси ва асосий вазифалари. Солиқ қонунчилигининг асосий тамойиллари. Солиқ қонунчилиги ва унинг манбалари. Солиқ қонунчилигининг давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётида туганган ўрни. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги воситасида солиқ соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш. Солиқларга хос бўлган барча хусусиятлар солиқ қонунчилигида ўз ифодасини топиши. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги манбалари гуруҳлари. Солиқ қонунчилиги манбалари саналувчи ҳуқуқий ҳужжатларга хос бўлган умумий хусусиятлар. Солиқ қонунларини қабул қилиниш тартиби ва амалиётда қўлланиши.

18 – мавзу. Давлат солиқ хизмати идоралар тизими

Давлат солиқ хизмати идоралари тизими ва уларнинг ҳуқуқий мақоми. Солиқ идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Давлат солиқ хизмати идораларининг ҳуқуқлари. Давлат солиқ хизмати идораларининг мажбуриятлари. Солиқ назорати. Солиқ назорати турлари. Солиқ хизмати идоралари тизими. Давлат солиқ хизмати идоралари бўғинлари таркиби. Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар. Давлат солиқ хизмати идораларининг мансабдор шахсларига қонунда белгиланган тартибда бериладиган махсус унвонлар. Махсус унвонларни бериш ва улардан махрум қилиш тартиби.

Замонавий педагогик технологияларни қўллаш

1. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи мавзусини ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.
2. Қўшилган қиймат солиғи мавзусини ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.
3. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи мавзусини ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., 1992 йил
2. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”, Тошкент – 2006 й.
3. Ўзбекистон Республикаси "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни, Т, “Ўзбекистон”, 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. №244. 2005 йил 27 декабрь
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги фармони Халқ сўзи 1998 йил 10 апрел
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнидаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори Халқ сўзи 2005 йил 16 июн сони.
7. Қосим Яҳёев “Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти”. Дарслик (қайта ишланган) Тошкент 2003 й.
8. Д.И. Шаулов, У.Т. Кан. “Солиқ қонунчилиги асослари”. Ўқув қўлланма. 2-қисм. Тўлдирилган ва қайта ишланган 2-нашри. Тошкент. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2000 йил – 256 бет
9. Собиров Х.Р. Фаттахонов А.А, Иминов О.О “Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан” Т, Молия, 2000 год.
 1. Барулин СВ, Макрутин АВ "Налоговые льготы как элемент налогообложения и инструмент налоговой политики" М, 2002 г.
 2. Идрисова А.К "Налоговое регулирование предпринимательской деятельности в сфере малого и среднего бизнеса" Алматы, 1999 год.
 3. О.Қ. Умаров “Услубий қўлланма”, 2006 йил
 4. “Солиқ тўловчилар журнали”, 2005-2006 йилги сонлари
 5. “СОЛИҚ ва божхона хабарлари» рўзмомаси

Қўшимча адабиётлар:

1. "Финансы". Учебник под ред. проф. Литовченко М, Дашкова К, М, 2005 год.
2. "Финансы, денежное обращение и кредит." Учебник. Под ред. ТБ Поляка, М, ЮНИТИ-Дана 2005 год.
3. "Финансы и кредит" Учебник под ред. М.В. Романовского, В.К. Белоглазовой М, Высшее образование, 2005 год.
4. "Налоговые системы зарубежных стран" Учебник, М, 2004 год.
5. Родионова В.М. "Финансы" Учебно-методический комплекс, М, 2004 год.

Йўриқнома ва Низомлар.

1. Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома
2. Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Низом
3. Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома
4. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома
5. Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича

кўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома

6. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома

7. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома

8. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома

9. Ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома

10. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома

11. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома

12. Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва таксимлаш тўғрисидаги Низом

13. Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом

14. ЎзР МВ ҳузуридаги Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида

Информацион техник воситалар:

Фанни ўрганиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш, амалий ўйинлар билан шуғулланиш, масалалар ечиш, дастурлар тузиш, наъмунавий қўлланмалар, аудио – видеотехника ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш.

Интернет маълумотлари:

1. [http// www.nalog. ru.](http://www.nalog.ru)
2. [http//www. soliq. Uz](http://www.soliq.Uz)

Рейтинг назорати саволлари

Жорий назорат учун.

- 1) Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг қисқача тавсифи.
- 2) Махсус солиқ режимлари.
- 3) Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари.
- 4) Солиқ тўловчилар.
- 5) Даромад (фойда) солиғи.
- 6) Юридик шахсларининг даромад(фойдаси)ига солинадиган солиқ ставкалари.
- 7) Норезидентларнинг даромадга (фойдасига) тўлов манбаида солинадиган солиқ ставкалари.
- 8) Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар.
- 9) Солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайтирилиши.
- 10) Даромад (фойда) солиғининг ҳисоблаб чиқарилиши.
- 11) Қўшилган қиймат солиғи
- 12) Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар
- 13) 0 даражали ставка бўйича солиқ солиш.
- 14) Акциз солиғи.
- 15) Акциз солиғи бўйича имтиёзлар.
- 16) Ер солиғи.
- 17) Ер солиғи бўйича имтиёзлар.
- 18) Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ.
- 19) Савдо ва умумий оқатланиш корхоналарини солиққа тортиш.
- 20) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи.
- 21) Ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар.
- 22) Ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби.
- 23) Қатъий белгиланган солиқни тўловчилари.
- 24) Ягона ижтимоий тўлов ставкалари.
- 25) Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ.
- 26) Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкалари.
- 27) Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.
- 28) Жисмоний шахслар томонидан даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби.
- 29) Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан даромад солиғи тўланишининг ўзига ҳос хусусиятлари.
- 30) Солиқларни бухгалтерияда акс эттириш.

Оралиқ назорат саволлари

1. Даромад (фойда) солиғи базасини ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг.
2. Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни тушунтириб беринг.
3. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий мазмунини тушунтириб беринг.
4. Қўшилган қиймат солиғи базасини ҳисоблаш тартибини тушунтиринг

5. ҚҚС бўйича “0” ставка қўллаш тартибини тушунтириб беринг.
6. ҚҚС бўйича ҳисобварақ – фактурага қўйиладиган талаблар.
7. ҚҚС дан имтиёзларни санаб беринг.
8. Маҳсулот (иш, хизматлар) импорти бўйича ҚҚС ҳисоблашни тушунтиринг.
9. Акциз солиғининг моҳияти.
10. Импорт ва ички акцизланадиган товарларга солиқ ҳисоблаш хусусиятлари
11. Мол-мулк солиғи базасини ҳисоблаш тартиби.
12. Экспортчи корхоналар учун мол-мулк солиғидан чегирмалар.
13. Юридик шахслар ер солиғини ҳисоблаш тартиби.
14. Қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти етиштирувчилар учун ягона ер солиғи.
15. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни объекти ва базаси.
16. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.
17. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш.
18. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ҳисоблаш тартиби.
19. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиғи.
20. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ягона солиқ.

Яқуний назорат саволлари.

1. Солиқларнинг моҳияти, тузилиши (мажбурийлиги) ва зарурати.
2. солиқ тизими ва солиқ маъмурчилиги.
3. Давлат солиқ хизмати органларининг бурч ва ҳуқуқлари.
4. Текширишларни мувофиқлаштириш ва солиқ назоратини ташкил этиш.
5. Умумдавлат солиқларининг маҳаллий бюджетларни тартибга солишдаги ўрни.
6. Маҳаллий солиқлар ва уларни ҳисоблаш тартиби.
7. Солиқ ҳисоб-китоби, солиқ ҳисоботи, солиқ тўловлари ва уларни бюджетга тўлаш муддатлари.
8. Даромад (фойда) солиғининг объекти, субъекти, солиқ базаси ва солиқни ҳисоблаш тартиби.
9. Жисмоний шахсларнинг даромадлари таркиби ва уларни солиққа тортиш амалиёти.
10. Қўшилган қиймат солиғининг объекти, субъекти ва базасини ҳисоблаш.
11. Акциз солиғини объекти, субъекти ва солиқ ҳисоблаш тартиби.
12. Юридик шахслар ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Фарғона Давлат Университети Рейтинг тизимига кўра талабалар билимини баҳолаш турларини ўтказиш жадвали .

Фаннинг номи: Солиқ ва солиққа тортиш	Фан 4- семестр учун
Мутахассислик: “Иқтисодиёт”	Ажратилган соат жами – 91
Максимал балл –100	Ш.Ж.: маъруза – 36
Саралаш балл - 55	Амалиёт – 18
	Мустақил таълим – 37

Баҳолаш тури	Балл улуши	Машғулот буйича умумий балл	Х А Ф Т А Л А Р																	
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
ЖБ	30	амалий машғулот					10					10						10		
	25	мустақил таълим					5					10						10		
ОБ	30	маъруза									15								15	
ЯБ	15																			15

Талабанинг фанни ўзлаштириш рейтингини баҳолаш МЕЪЗОНЛАРИ.

Солиқлар ва солиққа тортиш фани талабалар томонидан 91 соат мобайнида ўзлаштирилади. Шундан: маърузалар 36 соат, амалий машғулотлар 18 соат ва мустақил таълим 37 соат.

Мустақил таълим ҳажмини ҳар бир фан бўйича аниқлашда талабанинг ҳафталик ўқиш-ўрганиш вақти (54 соат) дан келиб чиқилади. Бунда ҳафталик аудитория машғулотлари ҳажми 32 соатлиги эътиборга олиниб ($54-32=22$ соат) талабанинг мустақил таълим олиш вақти (22 соат) аниқланади. $54 = 100$ фоиз деб олсак, аудитория машғулотлари вақти 32 соат = 59,26 фоизни, мустақил таълим ($100-59,26 = 40,74$) ҳажми 40,74 фоизни ташкил этишини аниқлаб олинади. ($39 : 54 * 100 = 59,26$ ва $100 - 059,26 = 40,74$)

Фан бўйича аудитория машғулотлари 54 соат (36 соат маъруза +18 соат семинар). Бу (54 соат) 59,26 фоизни ташкил этади. Мустақил таълим (40,74 фоиз) нинг ҳажмини аниқлаш учун ($54:59,26* 40,74 = 37,12$ соат) аудитория соатлари ҳажмини (54 соат) ҳафталик ўзлаштириш вақтидаги улуши (59,26 фоиз) га бўлиб, мустақил таълим ҳажми (37,12 соат) 37 соатни ташкил этади.

Талабанинг фанни ўзлаштириш рейтингини қуйидаги меъзонлар бўйича аниқланади. Жорий баҳолаш (ЖБ) – амалиёт машғулотларида ўтказилади.

Ўтилган дарс мавзулари бўйича аудиторияда савол-жавоб, доскада мисол ишлаб кўрсатиш, олинган конспектлар мазмунини сўзлаб бериш, солиқлардан бирининг тавсифини ёзиб баҳолашга топшириш. Бешта жорий назоратнинг ҳар бирига 6 баллдан жами 30 балл, мустақил таълим бўйича 5 та топшириқни бажаргани учун 25 балл қўйилади. “ЖБ” бўйича 55 балл тўпанади.

Оралиқ баҳолаш (“ОБ”) 1). Жисмоний шахсларининг даромадларидан солиқ бўйича 3 та саволларга жавоб ёзиш ёки шу мавзулар бўйича тузилган тестлар (20 та) ни ечиш орқали амалга оширилади -15 балл. 2) Юридик шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича 3 та саволларга жавоб ёзиш ёки шу мавзулар бўйича тузилган (20 та) тестларни ечиш орқали -15 баллгача жами бўлиб 30 баллгача баҳолаб рейтинг аниқланади.

Якуний баҳолаш (“ЯБ”) ўтилган барча мавзулар бўйича тузилган саволлар ичидан тузилган вариантлардан биридаги 3 та саволга жавоб ёзиш билан амалга оширилади.

Талабанинг фанни ўзлаштириш рейтинги 100 баллгача бўлган баҳо билан аниқланади. Бунда ўтиш (ўзлаштириш) бали 55 га тенг бўлади.

Талабанинг ўзлаштириш рейтингини ҳисоблаб чиқаришда машғулотларга қатнашишга катта эътибор берилади. Қолдирилган ҳар бир дарс учун умумий балдан чегириб ташланадиган минус 2 жарима бали белгиланади.

Талаба „Ж Б” дан (15 ва 12) 27 балл, “ОБ” дан (13+12) 25 балл, жами 52 балл билан “Я Б” га қўйилиб 9 балл олган ҳолда 61 балл тўплаган тақдирда гуруҳ журналидаги 5 та йўқ (“й”) белгиси учун 10 балл жарима чегирилиб, рейтинги 51 белгиланади. Шу талаба 5та “й” белгиси қўйилган кунлардаги мавзу (машғулот) ларни ўз дафтарига ёзиб, ўқитувчига суҳбат топшириб, қайта ўзлаштирди (“ҚЎ”) белгиси ва имзосини қўйдирган бўлса, жарима олиб ташланган ҳисобланади ва 61 балл (ёки ундан камроқ балл) қайдномага ёзиб имзоланади.

Мустақил таълим

Талаба етарли билим олиш ва керакли кўмакларга эга бўлиши учун ҳар ҳафтада 22 соат мустақил ишлаши – дарс тайёрлаши талаб қилинади. Ҳафтасига аудиторияда 32 соат ва мустақил равишда 22 соат шуғулланилган тақдирда талабанинг ҳафталик иш вақти 54 соатга тенг бўлади. Шундан: 59,26 фоизи (32 соат) аудиторияда ва 40,76 фоизи (22 соат) мустақил таълим.

Солиқлар ва солиққа тортиш фанидан аудитория соатлари 54 соат (36соат маъруза ва 18 соат амалий). Мустақил таълим (54 : 59,26 x 40,76) 37соатга тенг.

Мустақил таълимга ажратилган 37 соат вақт давомида қуйидаги мавзулар мустаҳкамланади ва мустақил ўзлаштирилиб, конспект олинади: давлат божлари; текширишларни мувофиқлаштириш; Солиқ Кодексининг 135 – моддаси бўйича молиявий жазо чоралри; солиқни тўловчининг мулкига қаратиш; эгасиз мулкни баҳолаш, сотиш ва қийматини бюджетга тўлаш.

Конспект асосида талаба билан мустақил ўзлаштирилган мавзулар бўйича суҳбат ўтказилади. Конспект мазмуни ва суҳбатлар натижаларига кўра мустақил таълим бўйича рейтинг баллари қўйиб баҳолаб борилади.

Ўзини текшириш учун тестлар

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети

а) иқтисодий ислохатлар шароитида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ва тўловлар, уларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади

б) солиқларни тузилиши, солиқ маъмурчилиги ва солиққа тортиш ишларини таҳлил қилиш ишларини ўрганади

в) солиқ қонунчилиги ва ундан келиб чиқадиган бурч ва маъсулият масалаларини резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқан ўрганиш

г) барча жавоблар тўғри.

2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг вазифалари:

а) бўлажак солиқ тўловчи жисмоний шахс ҳамда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг бўлажак раҳбарларини Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати билан яқиндан таништиради

б) Транспортда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатади.

в) Ишлаб чиқаришда хавфсизлик технологиясини ўргатади.

г) ҳамма жавоб тўғри

3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси.

а) медицина ва санитария қоидаларига оид фанлар билан алоқадор.

б) маданият ва спортга оид фанлар билан алоқадор.

в) иқтисодиёт назарияси, тармоқлар иқтисодиёти, молия, бухгалтерия ҳисоби, солиқ назарияси, халқаро солиқ муносабатлари фанлари билан алоқадор.

г) барча жавоблар нотўғри.

4. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти

а) Юридик ва жисмоний шахслар даромадининг бир қисмини давлат бюджетига олишдан иборат.

б) Юридик ва жисмоний шахсларга хўжалик юритишда ёрдам беришдан иборат.

в) Давлат бюджетига олинган даромадларни тақсимлашдан иборат.

г) Корхона ихтиёрида қоладиган амортизация ажратмасининг бир қисмини бюджетга ундириб олишдан иборат.

5. Солиқларнинг объектив зарурлиги

а) С. Фишернинг фикрича, солиқлар – бу фуқароларнинг цивилизация учун тўловидир.

б) Ж. Сисмондининг фикрича Фуқоролар солиқларга давлат томонидан уларнинг мулкларини ва ўзларини ҳимоялаш орқали кўрсатиб келаётган хизмат учун тўланган мукофот деб қарашлари керак.

в) Ф. Нитти: Жамоадан ажратиб бўлмайдиган, ижтимоий қимматбаҳо хизматларга алоҳида бож ундиришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, бундай харажатларни қоплаш учун солиқлар ундирилади

г) ҳамма жавоблар тўғри.

6. *Солиқ бу ...*

а) давлат бюджетидан амалга ошириладиган харажатларни маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаидир.

б) корхонага (тадбиркор, фуқарога) фойда кўриб ишлаши учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги учун олинган даромаднинг қонунда кўрсатилган қисмини, белгиланган муддатда ва тартибда давлат ихтиёрига, қайтариб берилмаслик шарти билан олишдир

в) мажбурий тусдаги тўловлардир.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

7. *Солиқларни жорий қилиш қимнинг ваколатига киради?*

а) Маҳаллий хокимият органлари ваколатига.

б) Олий Мажлис маҳаллий ваколатига.

в) Жойлардаги бошқарув органлари ваколатига

г) ҳамма жавоб тўғри.

8. *Солиққа тортиш субъекти қимлар?*

а) жисмоний шахслар.

б) юридик шахслар

в) қонун билан солиқлар, йиғимлар ва тўловларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар

г) ҳамма жавоб тўғри.

9. *Солиққа тортиш объекти бу ...*

а) юридик ва жисмоний шахслар.

б) солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромад, айланма, мол-мулк ёки табиий ресурс ҳажмидир

в) хўжалик фаолиятининг натижаси (даромад, фойда).

г) ҳамма жавоб тўғри.

10. *Солиқ базаси нима?*

а) солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромад, айланма, мол-мулк ёки табиий ресурс ҳажмидир

б) солиқ ҳисобланадиган базанинг бирлигига тўғри келадиган солиқ меъёри.

в) солиқ солиш объектининг қиймати, жисмий ёки бошқа тавсифи бўлиб, унга асосланиб бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ (тўлов) суммаси аниқланади

г) ҳамма жавоб тўғри.

11. Солиқ ставкаси нима?

а) солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромад, айланма, мол-мулк ёки табиий ресурс ҳажмидир

б) солиқ ҳисобланадиган базанинг бирлигига тўғри келадиган солиқ меъёри.

в) солиқ солиш объектининг қиймати, жисмий ёки бошқа тавсифи бўлиб, унга асосланиб бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ (тўлов) суммаси аниқланади

г) ҳамма жавоб тўғри.

12. Солиқ имтиёзи бу ...

а) солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига Солиқ кодексида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёки кам ҳажмда тўлаш имкониятидан фойдаланиш ҳуқуқидир.

б) солиқ ҳисобланадиган базанинг бирлигига тўғри келадиган солиқ меъёри.

в) солиқ солиш объектининг қиймати, жисмий ёки бошқа тавсифи бўлиб, унга асосланиб бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ (тўлов) суммаси аниқланади

г) ҳамма жавоб тўғри.

13. Бевосита солиқлар...

а) корхона ва ташкилотлар тўласада, аслида солиқ юки истеъмолчилар зиммасига ўтказилган бўлади.

б) солиқ тўловчи томонидан бевосита тўланади.

в) фақат алоҳида солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлардир.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

14. Билвосита солиқлар ...

а) корхона ва ташкилотлар тўласада, аслида солиқ юки истеъмолчилар зиммасига ўтказилган бўлади.

б) солиқ тўловчи томонидан бевосита тўланади.

в) фақатгина жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлардир.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

15. Солиқлар қандай функцияларни бажаради?

а) Фискал, ижтимоий (қайта тақсимлаш), тартибга солиб туриш, назорат ва жамғариш функцияларини бажаради.

б) Фискал, ижтимоий (қайта тақсимлаш), тартибга солиб туриш, назорат, тақсимлаш функцияларини бажаради.

в) Фискал, ижтимоий (қайта тақсимлаш), тартибга солиб туриш, режалаштириш ва жамғариш функцияларини бажаради.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

16. Солиқларнинг қандай тамойилларини биласиз?

а) Адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик, қулайлик, арзонлик тамойиллари

б) Фискал, ижтимоий (қайта тақсимлаш), тартибга солиб туриш, назорат ва жамғариш тамойиллари

в) Адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик, тартибга солиб туриш, назорат ва жамғариш тамойиллари.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

17. “Олинган манфаат” концепциясида ...

а) унда солиқ масаласи давлат харажатлари сиёсатидан мустақил равишда кўрилади.

б) солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар билан давлат томонидан уларга кўрсатиладаган хизматлар мутаносиб бўлиши керак деб қаралади

в) тўғри жавоб йўқ.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

18. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи тўловчилари бу...

а) барча юридик шахслардир.

б) Молия йилида солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслардир.

в) юридик ва жисмоний шахслардир.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

19. Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда ...

а) Ўзбекистон Республикаси резидентлари тушунилади.

б) Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган ҳуқуқий шахслар тушунилади.

в) мулкида, хўжалик юретиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

20. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум деганда:

а) юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар тушунилади.

б) буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар тушунилади.

в) хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган суммалар тушунилади.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

21. Корхона бошқа корхонадан олган дивидендлари даромад (фойда) солигига тортиладими?

а) ҳа.

б) йўқ.

в) буни солиқ тўловчи белгилайди.

г) ҳамма жавоблар нотўғри.

22. Юридик шахсларнинг аукционлардан ва гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишдан олган даромади (фойдаси) га

а) 15 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

б) 25 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

в) 35 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

23. Тижорат банкларининг фойдасига ..

а) 17 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

б) 27 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

в) 37 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

24. Қуйидаги юридик шахслар қайсилари даромад (фойда) солигини тўлашдан озод қилинади:

а) протез-ортопедия буюмлари, инвентарлари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлари - асосий фаолият тури бўйича

б) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари уюшмаси мулки бўлганлари

в) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари

г) ҳамма жавоблар тўғри.

25. Жазони ижро этиш муассасалари даромад (фойда) солиги тўловчилари бўлиб ҳисобланадими?

а) ҳа.

б) йўқ.

в) баъзан.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

26. Нотижорат ташкилотлари даромад (фойда) солиги тўлайдими?

а) Агар бу уларнинг низомида белгиланган бўлса.

б) нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда)

олган тақдирда ушбу фаолиятдан солиқни умумбелгиланган тартибда тўлайди.

в) буни ташкилотнинг маъмурияти белгилаб беради.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

27. *Имтиёзлар тадбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарларининг рўйхатиغا нималар киреди?*

а) Пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари.

б) Табиий газ, электр энергия, қимматбаҳо металллар, рангли металллар, рангли металллар прокати, рангли металллар парчалари ва синиқлари.

в) Қора металллар, қора металллар прокати ва синиқлари.

г) ҳамма жавоблар тўғри.

28. *Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими миқдори қанча?*

а) Энг кам иш ҳақининг 2.5 баробари миқдорида ҳар ой учун

б) Энг кам иш ҳақининг 3.5 баробари миқдорида ҳар ой учун

в) Энг кам иш ҳақининг 5.0 баробари миқдорида ҳар ой учун

г) Энг кам иш ҳақининг 4.0 баробари миқдорида ҳар ой учун

д) Йилига бир марта Э.К.И.Х.нинг 5,0' баровари миқдорида

29. *Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкаси 2007 йилда:*

а) 10 фоиз

б) 31 фоиз

в) 26 фоиз

г) 24 фоиз

д) 20 фоиз

30. *Транспорт воситалари эгалари-жисмоний шахслар транспорт воситалари, узиярар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни қачон тўлайдилар?*

а) Транспорт воситасини сотиб олиш пайтида

б) Ҳар йили, транспорт воситасини техник куриқдан утказиш пайтида

в) Транспорт воситаларига АЁКШ ёки қилги қуйиш пайтида

г) Улар яшайдиган ҳудудни участка солиқ инспектори айланиб юрганида

д) Транспорт воситалари учун солиқ тўланмайди.

31. *Ер солиғи:*

а) Республика бюджетига туланади

б) Вилоят бюджетига туланади

в) 50 % республика бюджетига ва 50 % маҳаллий бюджетга туланади

г) Шаҳар (туман) бюджетига туланади

д) Жойлашган ҳудудидан қатъий назар вилоят бюджетига тўлайди.

32. *Юридик шахс манзилининг ўзгарганлиғи туғрисида маълумотни солиқ органларига 10 кун муддатда хабар қилмаслик:*

- а) Мансабдор шахсларга энг кам иш хакининг 10 баробаридан 15 баробаригача микдорда жарима солинишига сабаб булади
- б) Мансабдор шахсларга энг кам иш хакининг 3 баробаридан 5 баробаригача микдорда жарима солинишига сабаб булади
- в) Корхона мансабдор шахсларини жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб булади
- г) Солик хизмати рахбарининг махсус ёзма рухсатига кадар корхонанинг банкдаги хисобвараги буйича муомалаларни тухтатиб куйилишига сабаб булади
- д) Корхона фаолиятини тухтатиб куйишга сабаб булади.

33. *ККСнинг «Нол даражали ставкаси»:*

- а) Товар, иш ва хизматлар кийматида ККС умуман йуклигиии англатади
- б) Сотиб олинган моддий кийматликлар буйича ККС хисобга утказилмаслигини англатади
- в) Сотиб олинган моддий кийматликлар буйича ККС махсулот таннархига киритилишини англатади

34. *«Кулайлик» тамойилига кура:*

- а) Солиқлар солиқ туловчиларга кулай микдорларда ундирилиши керак
- б) Солиқлар солиқ туловчиларга кулай пайтда ва уларга кулай тарзда ундирилиши керак
- в) Солиқларни тулаш муддатлари ва тулаш тартиблари олдиндан келишиб олинган булиши керак
- г) Солиқларни ундириш давлат учун кулай булиши керак
- д) Солиқларни ундиришда харажатлар кам булиши керак.

35. *Юридик шахслар амортизация ажратмалари микдорини мустакил узгартиришлари мумкинми?*

- а) Солиқ Кодексида белгилангандан ортикча амортизация суммаларини фойда солигига тортиладиган базага кайта кушиш _ шарти билан. узгартиришлари мумкин
- б) Корхона уз хисоб сйёсатида узи танлаган амортизация нормаларини конуний-лаштириш шарти билан, Солиқ Кодексида белгилангандан ортикчасини фойда солигига кайта кушмасдан хам мустакил узгартириши мумкин
- в) Юридик шахслар амортизация нормаларини мустакил узгартириш хукукига эга эмаслар
- г) Юридик шахслар амортизация нормаларини мустакил факат камайтириш тарафига узгар-тиришлари мумкин
- д) 50 фоизгача узгартиришлари мумкин.

36. *Муайян худудда амалда буладиган махаллий солиқлар ва йигимлар ставкалари ким томонидан тасдикланади?*

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан
- б) Шахар (туман) хокимлиги томонидан
- в) Вилоят хокимлиги томонидан

- г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан
- д) ДСК ва молия вазирлиги томонидан.

37. Саноат корхоналари учун ягона йул фондига миқдори 2007 йилда канча килиб белгиланган?

- а) Транспорт воситалари кийматидан 1 фоиз
- б) Сотиш хажмидан 1,5 фоиз
- в) Транспорт воситалари кийматидан 1,5 фоиз
- г) Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан 1,5 фоиз
- д) Транспорт воситалари кийматидан 1,0 фоиз

38. Божхона туловлари буйича тулов муддати канчагача узайтирилиши мумкин?

- а) 5 ойгача
- б) 3 ойгача
- в) 2 ойдан ортик булмаган муддатга
- г) 6 ойдан ортик булмаган муддатга
- д) Узайтирилмайди

39. Хужалик услубида амалга оширилган қурилиш ишлари:

- а) ККСга тортилади
- б) ККСга тортилмайди
- в) ККСга қисман 20 фоизли ставкада тортилади
- г) ККСга «0» даражали ставка буйича тортилади
- д) Қушимча янги киймат солиққа тортилади

40. Солиқ туловчига маъмурий жарима солиши ҳуқуқига эга органлар тугри санаб утилган жавобни топинг

- а) Суд
- б) Солиқ органлари
- в) Прокуратура
- г) Солиқ органлари ва суд
- д) Хужалик суди

41. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 800.0 минг сум, маҳсулот сотишдан даромад 1000.0 минг сум. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси канча?

- а) 16.0 минг сум
- б) 7.2 минг сум
- в) 0.8 минг сум
- г) 15.2 минг сум
- д) 12,0 минг сум

42. Жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқ объектига:

- а) Уй-жойлари, квартиралар, боғ ва дала ховли уйлари, гаражлар, хоналар, қурилмалар ва мосламалар киймати қиради

б) Уй-жойлари, квартиралар, бог ва дала ховли уйлари, гаражлар, хоналар, курилмалар ва мосламалар киймати, автомашиналар, моторли кайик, вертолёт, самолёт, бошка узиюрар машина ва механизмлар двигателини куввати

в) Уй-жойлари, квартиралар, бог ва дала ховли уйлари киймати киради

г) Уй-жойлари ва хусусийлаштирилган квартиралари киймати киради

д) Уй-жойлар, маиший техника, бог ва дала-ховли уйлари, ва барча бошка курилишлар киради

43. Ижарага олинган ер майдонини субижарага бериш мумкинми?

а) Мумкин

б) Мумкин эмас

в) Факат давлат ташкилотларига мумкин

г) Бир кисмини бериш мумкин

д) Фойдаланилмаётган кисмини бериши мумкин

44. Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқнинг 2007 йилдаги ставкаси:

а) Бошлангич кийматига нисбатан 4 фоиз

б) Баланс кийматига нисбатан 5 фоиз

в) Колдик кийматига нисбатан I фоиз

г) Колдик кийматига нисбатан 2 фоиз

д) Уртача йиллик колдик кийматидан 3,5 фоиз

45. Куйида келтирилган жисмоний шахс даромадларидан кай бири даромад манбаида солиққа тортилмайди?

а) Дивидендлар

б) Нодавлат пенсиялари

в) Олинган фоизлар

г) Бошка жисмоний шахсга мулкни ижарага беришдан олинган даромад

д) Мукофот ва совгалар

46. Корхона томонидан туланган туристик путёвка киймати жисмоний шахс даромадидан олинадиган солиққа тортиладими?

а) Тортилади

б) Тортилмайди

в) Кисман тортилади

г) Аввалдан келишиб олинган миқдорда тортилади

д) Энг кам иш хакининг 6 баробари тортилмайди

47. Жисмоний шахсларнинг рационализаторлик таклифлари учун туланадиган такдирлашлар кай тартибда солиққа тортилади?

а) Солиққа тортилмайди

б) Даромад манбаида катхий белгиланган ставкаларда солиққа тортилади

в) 15 фоизли ставка буйича солиққа тортилади

г) Бошка даромадларига кушиб умумий тартибда солиққа тортилади

д) Корхона хисобидан тулаб берилади

48. Ялли даромад солиғи буйича қандай имтиёзлар бор?

- а) Имтиёз йук
- б) Чет элга уз махсулотини экспорт килувчи корхоналарга имтиёз бор
- в) Ходимларининг 50 фоизидан ортик кисмини ногиронлар ташкил килувчи корхоналарга имтиёз бор
- г) Спиртли ичимликлар ва тамаки сотиш айланмасидан ташкари сумма солиқдан озод килиниши мумкин
- д) Махаллий хокимият мол-мулк солиғидан озод килиши мумкин

49. Соддалаштирилган ягона солиқ тизимига мулкчиликнинг қайси шаклидаги корхоналар утиши мумкин?

- а) Факат хусусий корхоналар
- б) Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар
- в) Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги барча корхоналар
- г) Кушма корхоналардан ташкари мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар
- д) Банк ва сугурта компанияларидан ташкари барча корхоналар

50. Илм-фан ва илмий хизмат курсатишига ихтисослашган корхоналар соддалаштирилган ягона солиқ тизимига утишлари учун:

- а) Ходимларининг уртача йиллик сони 10 кишидан ошмаслиги керак;
- б) Ходимларининг уртача йиллик сони 5 кишидан ошмаслиги керак
- в) Ходимларининг уртача йиллик сони 20 кишидан ошмаслиги керак"
- г) Ходимларининг уртача йиллик сони 40 кишидан ошмаслиги керак
- д) Йиллик даромад 1,25 млн. сумдан купрок булиши керак

51. Узбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва акциз маркаси билан маркаланган товарларга сарфланган акциз маркасининг номинал қиймати:

- а) Акциз солиғини ҳисоб китобида ҳисобга олинади
- б) Акциз солиғини ҳисоб китобида ҳисобга олинмайди
- в) Аввал акциз солиғини ҳисоб китобида ҳисобга олинади кейин чегирилади
- г) Акциз солиғини ҳисоб китобида қисман ҳисобга олинади
- д) В ва г жавоблар тугри

52. Юридик шахсни ташкил қилиш ва руйхатга қуйишда солиқ туловчининг асосий мажбурияти бу:

- а) Белгиланган солиқ ва йигимларни уз вақтида ва тулик микдорда тулаб туриш
- б) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб ҳужжатларини қонунчиликка мувофик юритиш
- в) Солиқ органларига қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисоботларни, солиқлар буйича ҳисоб-китобларни ва даромадлар тугрисидаги декларацияларни тақдим этиб туриш
- г) Белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида руйхатга туриш ва юридик манзилгохи узгарганда ва қайта руйхатдан утганда уларга бу ҳақида 10 кун муддатда хабар бериш

д) Махаллий хокимиятга ариза бериш.

53. Солиқлар ва йиғимлар бюджетга қайси тартибда туланади?

а) Аввал асосий қарз суммаси, кейин-хисобланган устама жарима (пеня) ва ундан кейин кулланган санкциялар

б) Аввал устама жарима (пеня), кейин асосий қарз суммаси ва сунгра жарима санкциялари

в) Аввал жарималар, кейин.устама жарима (пеня) ва сунгра асосий қарз суммаси

г) Аввал асосий қарздорлик, кейин жарималар ва сунгра устама жарима (пеня).

д) Қандай кетма-кетликда тулашнинг фарқи йук.

54. Қуйидаги жавоблардан қай бири солиқ мохиятини тугрирок очиб беради?

а) Солиқ - бу товар ишлаб чиқарувчилар ва давлат уртасидаги иктисодий муносабатлардир

б) Солиқ - бу юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунчиликка мувофиқ бюджетга қатъий белгиланган ставкаларда ва муддатларда туланадиган ажратмалардир

в) Солиқ - бу транспорт харажатлари ва уз сарфларини қоплашга бюджетга йиғиладиган туловлар туридир

г) Солиқ - бу юридик ва жисмоний шахслар туловлари ҳисобига давлат ташкил қиладиган қатъий белгиланган жамгармадир

д) А ва б жавоблар тугри

55. «Бож» тушунчасини қайси жавобда тугри таърифланган?

а) Нималарга сарфланиши қатъий белгиланмаган мажбурий туловдир

б) Махсус вақолатли шахслар томонидан амалга ошириладиган муайян харажатлар учун юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим

д) Амалдаги қонунчилик ердамида ҳал этилади

56. Қишлоқ хужалиғи қорхоналари учун ягона солиқ ставкаси:

а) 6-фоиз

б) 10-фоиз

в) 25-фоиз

г) балл-бонитет буйича ҳисобланади

д) 2007 йилдан бошлаб ерларнинг иктисодий қиймати буйича 2.3% ставкада

57. Чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш қорхонаси ҳисобот даврида 1200,0 минг сум фойда олган бўлса, унинг Низом жамгармаси 600,0 минг доллар бўлиб, чет эл улуши 60 фоизни ташкил қилса, қорхона қайта инвестиция учун 300,0 минг сум ажратган бўлса (амортизация фонди тулик сарфланган), солиққа тортиладиган фойда қанчага узгаради?

а) 300.0 минг сумга қамаяди

б) 240.0 минг сумга қамаяди

в) 900.0 минг сумга қамаяди

г) узгармайди

58. *Жисмоний шахс томонидан олинган дивидендлар қай тартибда солиққа тортилади?*

а) Жисмоний шахслар даромадидан солиқ ҳисоблаш жадвалига асосан

б) Даромад манбаида 15 фоизли ставка бўйича

в) Хар ойда умумий даромадга қушиб туриб махсус ставка бўйича

г) Жисмоний шахслар даромадидан солиқ ҳисоблаш жадвалини қўллаш ва даромадларни декларациялаш йули билан

д) Солиққа тортилмайди

59. *Жисмоний шахсларнинг қайси даромадлари солиққа тортиладиган мулкӣ даромадларига қиради?*

а) Фоизлар, дивидендлар, мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар

б) Фоизлар, дивидендлар

в) Мерос бўлиб қолган мулк

г) Давлат ташкилотлари томонидан утказиладиган лотереяларда ютиб олинган буюмлар

д) Барча жавоблар тугри

60. *Жисмоний шахснинг йиллик солиққа тортиладиган даромадларига у олган алиментлари қирадими?*

а) Қиради

б) Қирмайди

в) 50 фоизи қиради

г) 1 та болага олинган алимент қирмайди

д) Энг кам иш ҳақининг 12 баробари қиради.

61. *Қуйидаги иборалардан қай бири «Балл-бонитет» тушунчасини тугри ифодалайди?*

а) Ер солигининг ставкаси

б) Ер майдонларининг миқдорий баҳоси

в) Ер майдонларининг фойдали қисмини ифодаловчи курсаткич

г) Ерларнинг табиӣ ҳосилдорлиги ва сифатини баҳолаш курсаткичи

д) Ерларнинг шахарга яқин ёки узоклиги

62. *Мулкнинг қиймати 120.0 миң сум бўлса унинг уртача йиллик қиймати қанча бўлади?*

а) 20.0 миң сум

б) 1.00.0 миң сум

в) 111.667 миң сум

г) 112.0 миң сум

д) 113,916 миң сум

62. *Жисмоний шахслар ер солигини:*

а) 15-феврал, 15-май, 15-август ва 15 ноябрда тенг улушларда тулайдилар_

б) Жорий йил тугаши биланок тулашлари керак

в) 15- июн ва 15- декабрда тенг улушларда тулайдилар

- г) 1-ноябрдан кечиктирмай тулашлари керак
- д) 1-декабрдан кечиктирмай тулашлари кёрак

63. *Жисмоний шахслар мол-мулк солигини тулаш муддати:*

- а) Йилнинг 15 июнь ва 15 декабрида
- б) Кейинги йилнинг 1-апрелидан кечиктирмай
- в) Хар чоракда, чораклик молиявий хисоботларни такдим этиш муддати
- г) Хар ойда 20-санадан кечиктирмай
- д) тугри жавоб йук

Амалий топшириқлар

Топшириқ 1

Мавзу: “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари

1. Фаннинг предмети ва вазифалари.
2. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
3. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
4. Солиқларнинг объектив зарурлиги.

Топшириқ 2

Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва таркиби.

1. Солиқлар ва солиқ тизимининг умумий тавсифи.
2. Солиқларни таснифлаш.
3. Солиқларнинг функцияси.

Топшириқ 3

Мавзу: Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ.

1. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган даромад (фойда) ни ҳисоблаб чиқариш тартиби.
2. Даромад (фойда) солиғи ставкалари ва уни бюджетга кирим қилиш тартиби.
3. Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар.
4. Солиқ ҳисоб-китобларини тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш муддатлари.
5. Корхонани тугатиш чоғида солиқ солиш тартиби.

Топшириқ 4

Мавзу: Қўшилган қиймат солиғи.

1. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар.
2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган айланмани аниқлаш.
3. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар.

Топшириқ 5

Мавзу: Қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси.

1. Солиқ ставкаси ва ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш.
2. Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини белгилаш тартиби.
3. Солиқни тўлаш ва ҳисоб – китобларни тақдим этиш муддатлари

Топшириқ 6

Мавзу: Акциз солиғи.

1. Акциз солиғини тўловчилар ва солиқ объекти.
2. Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби ҳамда алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари.
3. Акциз солиғи бўйича имтиёзлар.
4. Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари

Топшириқ 7

Мавзу: Юридик шахсларнинг молк-мулк солиғи.

1. Мол - мулк солиғини тўловчилари ва солиқ солиш объекти.
2. Солиқ солиш ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар.
3. Солиқ тўлаш тартиби.
4. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари ва меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғини тўлаш

Топшириқ 8

Мавзу: Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи

1. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва ушбу солиқни тўловчилар.
2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари.
4. Ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби, солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.
5. Ягона ер солиғи

Топшириқ 9

Мавзу: Юридик шахсларнинг ер солиғи

1. Ер солиғини тўловчилар ва солиқ солиш объекти.
2. Ер солиғи ставкалари.
3. Ер солиғи бўйича имтиёзлар.
4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари

Топшириқ 10

Мавзу: Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари.
2. Солиқ ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар
3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби
4. Солиқни ҳисобга олиш тартиби

Топшириқ 11

Мавзу: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари.
2. Солиқ ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар
3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Топшириқ 12

Мавзу: Жисмоний шахслар даромад солиғи.

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари. Жами йиллик даромадни аниқлаш ва ундан чегирмалар.
2. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар
3. Чет эллик жисмоний шахсларга солиқ солишнинг хусусиятлари
4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби
5. Жисмоний шахсларнинг даромадига олинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиш
6. Декларация тақдим этиш тартиби ва улар асосида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш
7. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш тартиби

Топшириқ 13

Мавзу: Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари.
2. Солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари
3. Турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо соҳасида қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Топшириқ 14

Мавзу: Жисмоний шахслар молк-мулк солиғи

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари.
2. Солиқ ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар
3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Топшириқ 15

Мавзу: Жисмоний шахслар ер солиғи

1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари.
2. Ер солиғи ставкалари ва солиқ бўйича имтиёзлар
3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва уни тўлаш муддатлари

Топшириқ 16

Мавзу: Бошқа маҳаллий солиқлар, йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.

1. Маҳаллий солиқ, йиғимлар таркиби.
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқ ва йиғимлар.
3. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
4. Давлат божи тўловлари.
5. Маҳаллий солиқлар, йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.

Топшириқ 17

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва давлат солиқ хизмати идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги.
2. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги воситасида солиқ соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш.
3. Солиқ соҳасидаги муддатлар. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Ундирувни солиқ тўловчининг мулкига қаратиш. Молиявий жазо чоралари

Топшириқ 18

Мавзу: Давлат солиқ хизмати идоралар тизими

1. Давлат солиқ хизмати идоралари тизими ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.
2. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик.

Таянч маъруза матнлари

Мавзу -1 “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани Ўзбекистон Республикасининг солиқлар тизими, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш, солиқларнинг аҳамияти ҳамда солиқ қонунчилигининг амалий жиҳатларини ўрганади.

Фаннинг асосий мақсади амалдаги солиқ ва тўловлар тизими, солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш асносида:

- иқтисодий ислохатлар шароитида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ва тўловлар, уларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади ;

- солиқларни тузилиши, солиқ маъмурчилиги ва солиққа тортиш ишларини таҳлил қилиш ишларини ўрганади ;

- солиқ қонунчилиги ва ундан келиб чиқадиган бурч ва маъсулият масалаларини резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқан ўрганишдан иборат.

Фаннинг предмети – мамлакат реал ҳаётида амал қилаётган солиқ ва тўловлар тизими, уларнинг меъёрий ҳуқуқий базаси ҳамда солиқ тузилмасини ҳаракатга келтирувчи асосий идоралар – солиқ хизмати органларининг ташкилий тузилиши ҳамда солиқ ҳуқуқи ҳақидаги билимлардир.

Фаннинг вазифаси – бўлажак солиқ тўловчи жисмоний шахс ҳамда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг бўлажак раҳбарларини Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати билан яқиндан таништиришдир. Зеро, кундалик ҳаётда барча фуқаролар “Йўл қоидалари ” ни билиши қандай муҳим бўлса, ишчи “хавфсизлик технологияси” га риоя қилиши ўзи ва атрофдагилар учун муҳимлигини билиши қандай керак бўлса, бўлғуси мутахассис – айниқса иқтисодчи мутахассис учун солиқ ва тўловларни билиш шундай муҳимдир. Фаннинг вазифаси ҳам шу мазмун ва моҳиятдан келиб чиқади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бошқа иқтисодий, ҳуқуқий, технологик фанлар билан боғлиқ бўлсада, унинг ўзига хос бир жиҳати бор. Бу меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш ва тез янгиланувчанлик жиҳатларидир. Чунки иқтисодиётдаги чуқурлашиб бораётган ислохотлар, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш мақсадида олиб борилаётган солиқ юқини енгиллатиш, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг реал даромадларини ошириб боришга қаратилган давлат сиёсати, солиқ имтиёзлари бериш, солиқ ставкаларини пасайтириш, юз бераётган негатив ҳолатларнинг олдини олиш мақсадларида солиқ юқини енгиллаштиришни, яъни меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани тарих, ҳуқуқ, Ўзбекистонда демакратик жамият куриш назарияси ва амалиёти, сиёсатшунослик, иқтисодиёт назарияси, тармоқлар иқтисодиёти, молия, бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқ назарияси каби фанлар билан боғлиқ ва уларга асосланади. Фанни барча тоифа ва даражадаги мутахассислар у ёки бу даражада билишлари фойдадан холи бўлмайди. Аслида шу фаннинг давоми бўлган божхона иши, халқаро солиқ муносабатлари фанларидан хабардор бўлиш, экспорт-импорт операциялари амалга ошириладиган корхона раҳбар ва мутахассислари учун ўта муҳимдир. Халқаро ташкилотлар, давлатлараро лойиҳаларда иштирок этадиган мутахассислар инчинун солиқ амалиётидан лозим даражада хабардор бўлишлари зарурий шартдир.

Солиққа тортиш бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида амалга оширилса, солиқ тўловчи билан солиқ органи ўртасидаги муносабатларда Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Солиқ ҳисоблашда харажат ва даромадларни тан олиш муддати, маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу сабабдан, фанни ўрганишда ўқув режасидаги фанлар билан бир қаторда Республикада амал қилиб турган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар, йўриқномалар ва Молия Вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси биргаликда ишлаб чиққан тушунтиришлардан ҳам кенг фойдаланилади. Бу фаннинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир фуқаро мамлакатнинг солиқ сиёсатидан бир қадар хабардор бўлиши керак. Солиқ сиёсати мамлакатда амал қилиб турган давлат сиёсатининг таркибий қисмидир. Сиёсат тўғрисида гап кетганда унинг уч таркибий қисми бир бўлиб, яхлит сиёсатни изохлаб беришини унутмаслик керак. Миллий истиқлол ғоясига асосланган озод ва обод ватан, фаровон ва бахтли турмуш куриш мақсади, Ўзбекистон давлат сиёсатининг биринчи таркибий қисмидир. Шу ғоя ва ундан келиб чиққан мақсадни мамлакат ҳаётига тадбиқ этиш учун ҳуқуқий асос - Конституция ва унинг мазмунини конкретлаштириб беришга қаратилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Ўзбекистон давлат сиёсатининг иккинчи таркибий қисмини ташкил этади. Учинчи ва жуда муҳим таркибий қисми бу кадрларни тайёрлаш, танлаш ва тайинлашдир. Эзгу ғоя: миллий истиқлол ғояси - Ўзбекистоннинг ўзига хос, миллий менталитетимизга мос демократик, инсонпарвар жамият куриш вазифасини соғлом, билимдон, ташаббускор ва ўз вазифасига садоқатли кадрлар, амалга оширадилар. Улар ўз фаолиятларида асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сўзсиз амал қиладилар. Давлатимизнинг солиқ соҳасидаги сиёсати юқорида айтиб ўтилган давлат сиёсатининг бир тармоғи бўлиб, мамлакат дахлсизлиги, инсон эркинлиги, унинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, миллий ўзликни сақлаш ва бошқа давлатнинг асосий вазифаларини бажариши билан боғлиқ тадбирларни узлуксиз маблағлар билан таъминлаб туришга хизмат қилади .

Кадрлар эса шу сиёсатнинг таркибидаги ҳаракатга келтирувчи куч. “Ҳаракатга келтирувчи куч” самара билан, томонларнинг манфаатларини хушёрлик билан ҳисобга олган ҳолда ишлаши кўп жиҳатдан унинг билимдонлигига, изланувчанлигига боғлиқ.

Фаннинг олдига қўйилган мақсад етук иқтисодчи кадрларни тарбиялаб етиштиришни тўғри амалга ошириш, солиқлар ва солиққа тортишга оид билимларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти юридик ва жисмоний шахслар даромадининг бир қисмини давлат бюджетига қайтариб бермаслик шарти билан ва бирон - бир мақсадни кўзламасдан доимий асосларда ундиришдан иборат.

Солиқлар жамият томонидан яратилган маҳсулотнинг бир қисмини давлат хазинасини тўлдириш учун ундириладиган асосий манба сифатида узок даврлар мобайнида маълум.

Солиққа тортиш жамият иқтисодий маданиятининг бир қисмидир. Шу сабабдан, солиққа тортишни инсониятнинг ривожланишидан ажратмаган ҳолда ўрганилади ва инсониятнинг энг ноёб ихтироларидан бири сифатида баҳо берилади. Швейцариялик иқтисодчи олим С. Фишернинг фикрича, солиқлар – бу фуқароларнинг цивилизация учун тўловидир.

Инглиз иқтисодчиси С. Паркинсоннинг айтишича “Солиқлар дунёнинг ўзи каби қадимий бўлиб, унинг бошланғич шакллари маҳаллий қабила бошлиқларининг дарё ўзанларини, тоғ йўлларида ўтиш жойларини тўсиб, улардан фойдаланганлик ёки савдогар ва сайёҳлар шу жойлардан ўтганликлари учун тўловлар ундирган даврлардан пайдо бўлган.”

Солиқларнинг бизнинг давримиздаги ўрни эса ҳуқуқий онг, иқтисодиёт, давлат назорат тизимининг такомиллашуви натижасида пайдо бўлди ва ўтмишдаги ўта жўн тушунча: “солиқ тўлаш бу – ўз мулкнинг бир қисмини қолган қисмини сақлаб қолиш учун беришдир” деган фикр ўрнини солиқ маданиятига асосланган “солиқ юкини тенг тақсимлаш ва бу юкни тобора енгиллаштириб бориш” концепцияси шаклланди. Яни, солиқ тўғрисидаги тушунча асрлар мобайнида ўзгариб борди.

Эндиликда солиқ иқтисодий категория бўлиши билан биргаликда ҳуқуқий категория ҳам бўлиб қолди. Солиқлар фақатгина хазинани тўлдириш (фискал) вазифасидан ташқари тадбиркорликни рағбатлантириш, ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя ва бандликка кўмаклашиш, иқтисодиётнинг айрим соҳаларини жадал ривожлантириш мақсадида уларга солиққа оид жозибадорлик бағишлаш каби функцияларни ҳам бажарадиган категория бўлиб қолди. Иқтисодий ислохатлар чуқурлашиб боргани сайин солиқ категорияси (тушунчаси) нинг аҳамияти ҳам ортиб бормокда.

Шунга қарамай, солиқларнинг моҳиятини тушуниб олишда мумтоз иқтисодчиларнинг машҳур таърифлари билан қисқача хабардор бўлиш фойдадан ҳам бўлмас.

Улардан баъзилари қуйидагилардир:

- XIX - арснинг биринчи ярмида Швейцариялик иқтисодчи Ж. Сисмонди солиқ назариясини “роҳатланиш назарияси” деган. Сисмонди – агарда давлат томонидан қилинган жабр ҳисобига, кўрсатилган хизматлар оқибатида наф олинса;

солиқлар бу жабрланиш ва шу билан бирга роҳатдир. Фуқоролар солиқларга давлат томонидан уларнинг мулкларини ва ўзларини ҳимоялаш орқали кўрсатиб келаётган хизмат учун тўланган мукофот деб қарашлари лозим – деб ёзган.

- XX – асрнинг бошларида Италиялик иқтисодчи Ф. Нитти давлатнинг солиқлар таъсирида миллий бозорни ривожлантиришдаги ролини аниқлаб берувчи тарифини берди. Жамоадан ажратиб бўлмайдиган, шундай ижтимоий қимматбаҳо хизматлар борки, улар масалан ички хотиржамлик ва ташқи химоя, ҳуқуқни химоя қилиш, жамоат гигиенаси, ҳудуд ҳимояси бўлиши мумкин. Бундай бўлинмайдиган махсус кўрсатилган хизматларга алоҳида бож ундиришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, бундай харажатларни қоплаш учун солиқлар ундирилади.

Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари атрофидаги илмий-назарий фикрлар жуда кўп айтилган, айтилмоқда ва айтилади. Бу ҳеч қайси даврда, ҳеч қайси жамиятда солиққа тортишнинг ҳаммабоп идеал модели ўйлаб топилмаганлиги билан изоҳланади. Ҳозирча солиқ бу мажбурий, ҳар бир солиқ тўловчи томонидан якка тартибда, беғараз тўланиши шарт бўлган, солиқ тўловчи ихтиёридаги бойликнинг бир қисмини давлатга унинг асосий функцияларни бажаришни маблағ билан узликсиз таъминлаш мақсадида ундириладиган маблағдир. Солиқлар қонуний равишда жорий қилинади ва бекор қилинади. Солиқ тўланиши шарт бўлган мажбуриятдир. Солиқ якка тартибда, қайтариб берилмаслик шарти билан ундирилади. Солиқ ундиришга қонунга мувофиқ табақали ёндошишга йўл қўйилади. Солиқлар белгиланган муддатларда ва белгиланган тартибда қонунда кўрсатилган бюджет даромадига тўланади.

Мавзу - 2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва таркиби.

Солиқ – корхонага (тадбиркор, фуқарога) фойда кўриб ишлаши учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги учун олинган даромаднинг қонунда кўрсатилган қисмини, белгиланган муддатда ва тартибда давлат ихтиёрига, қайтариб берилмаслик шарти билан олишдир.

Солиқ - давлат бюджетидан амалга ошириладиган харажатлар (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, экология, давлат бошқаруви, ташқи алоқалар, иқтисодиётни ривожлантириш ва бошқа бюджет харажатлари) ни маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи.

Солиқлар ички ва ташқи манбаларга нисбатан қўлланади. Мамлакат ичидаги манбаларга нисбатан қўлланадиган умумдавлат ва маҳаллий солиқлар фойдадан, айланмадан, мол-мулк қийматидан, фойдаланилган табиий ресурслар хажмидан, дивидент, фоиз ва даромадлардан ҳисобланади. Ташқи солиқлар давлатнинг божхона ҳудуди орқали олиб ўтиладиган маҳсулот (иш ва хизмат) лар учун солиқ ва божларни ўз ичига олади.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини давлат молиясини барпо қилишнинг асосий манбаси сифатида олиниши билан

изоҳланади. Солиқларни жорий қилиш бевосита Олий Мажлис ваколатига киради. Улар бир томонлама белгиланиб мажбурий тусда бўлади. Олинган солиқлар айнан тўловчининг манфаатини кўзлаб сарфланмайди. Балки, давлат томонидан қонуний асосларда белгилаб қўйилган тадбирларни амалга ошириш мақсадлари учун сарфланади. Солиқлар йиғим, тўлов, бож ва ажратмалардан фарқ қилади. Улар доимий асосларда ва барча тўловчилардан ундирилади. Солиққа тортишнинг тузилиши асослари давлат солиқ тизими билан чамбарчас боғлиқ. Давлат солиқ тизими амалдаги солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уларнинг тузилиш методлари ва шакллариининг йиғиндисидир. Солиқ тизимлари ғоят мураккаб тузилишга эга бўлиб, бу мураккаблик солиқ турларининг кўплиги, тўловчиларнинг турличалиги, солиқларни ундириш усуллари ва бериладиган имтиёзларнинг ҳар хиллигида акс этади. Шунга қарамасдан, солиқларнинг тузилиши асосида бир хил элемент (унсур) лар ётади. Солиқ унсурларининг асосийлари: объект, субъект, солиқ базасини ҳисоблаш усули, солиқ ставкаси, ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари, ундириш, ҳисобот даври ва солиқ имтиёзларидир.

Солиққа тортиш субъекти – қонун билан солиқлар, йиғимлар ва тўловларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслардир.

Солиққа тортиш объекти – солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромад, айланма, мол-мулк ёки табиий ресурс ҳажмидир. Назарий жиҳатдан солиққа тортиш объектларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- мулк эгалиги (мол-мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи);
- субъектнинг фаолияти (олди-сотди, товар олиб кириш);
- хўжалик фаолиятининг натижаси (даромад, фойда).

Солиқ базаси – солиқ солиш объектининг қиймати, жисмий ёки бошқа тавсифи бўлиб, унга асосланиб бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ (тўлов) суммаси аниқланади. Солиқ базасини шакллантириш методлари: касса ва ҳисоблашдир.

Солиқ ставкаси – солиқ ҳисобланадиган базанинг бирлигига тўғри келадиган солиқ меъёри. Бошқача айтганда, солиққа тортиш меъёридир.

Солиқ ставкаси тенг, пропорционал, прогрессив, регрессив бўлиши мумкин:

- тенг ставкалар қўлланганда ҳамма солиқ тўловчиларга тенг солиқ суммаси белгиланади. (Масалан, йиғимлар);
- пропорционал – ҳамма солиқ тўловчилар учун тенг солиқ ставкаси қўлланади (КҚС, акциз, даромад (фойда) солиғи);
- прогрессив – солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси ортиб боради;
- регрессив - солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси камаяди (умумий сотилган маҳсулот ҳажмида экспорт улуши ортиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб боради).

Имтиёз – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига Солиқ кодексда назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёки кам ҳажмда тўлаш имкониятидан фойдаланиш ҳуқуқидир. Солиқ имтиёзлари имтиёз субъект ёки объектга берилишига қараб: доимий (мақсадсиз) имтиёзлар ва вақтинчалик (мақсадсиз) ҳамда мақсадли (доимий ва муддатли) имтиёзларга бўлинади.

Доимий мақсадсиз берилган имтиёзлар маълум бир вақт оралиғига берилади ва унга баъзида чегараловчи шартлар қўйилади: имтиёз олган корхона имтиёз даври тугагандан сўнг камида яна бир йил фаолият кўрсатиши лозим.

Мақсадли имтиёзлар берилиши натижасида солиқдан озод бўлган суммалар маълум бир мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтирилиши шарт.

Солиқ имтиёзларини солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: чиқариб ташлаш, чегирма ва солиқ кредити.

Чиқариб ташлаш – масалан, 1941-1945 йиллар уруши қатнашчиларининг мол-мулки солиқлардан озод этилган.

Чегирма – масалан, экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданий муассасалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, жисмоний тарбия ва спорт, ... кабиларга сарфланган суммага солиқ базаси камаяди.

Солиқ кредити усулида бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ суммаси (солиқ ставкаси) камайтиради. Солиқ кредити доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин.

Солиқ кредитлари берилиш шаклига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Солиқ ставкасини пасайтириш. Масалан, янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналари биринчи йили тўланиши керак бўлган солиқ ставкасининг 25% миқдорида, иккинчи йили 50% миқдорида даромад (фойда) солиғи тўлайдилар.
2. Бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ суммасини қисқартириш. Масалан, ишловчилари умумий сонининг 3% дан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидагича камайтиради: белгиланган меъёр (3%) дан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига солиқ суммаси 1% камайтиради.
3. Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш. Божхона органларига шундай имтиёз қўллаш ҳуқуқи берилган бўлиб, имтиёз берилган ҳолатларда кечиктирилган суммадан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50% миқдорида йиллик тўлов ундирилади.
4. Аввал тўланган солиқ суммасини ёки маълум қисмини қайтариш (солиқ амнистияси). Ҳозирча бундай имтиёз тури қўлланилмайди.
5. Аввал тўланган солиқларни ҳисобга олиш. Ушбу имтиёз икки ёқлама солиққа тотишни баргараф этиш мақсадида қўлланилади.

- б. Инвестиция солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади. Агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асослар бўлган тақдирда солиқ тўловларини маълум бир вақт ичида босқичма-босқич тўлаш имконияти берилади. Солиқ кредитидан фойдаланилганлиги учун солиқ тўловчидан фоиз кўринишида тўлов ундирилади. Тўлов кечиктириб тўланган суммадан қайта молиялаштириш ставкасининг 30% миқдорида ундирилади. Солиқ тўловчига имтиёз беришда: аввал чиқариб ташлаш кўринишидаги имтиёзлар, сўнгра чегирма кўринишидаги имтиёзлар ва энг охирида солиқ кредити билан боғлиқ имтиёзлар берилади.

Солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга ажратилади. Бевосита солиқлар солиқ тўловчи томонидан бевосита тўланади. Билвосита солиқларни корхона ва ташкилотлар тўласада, аслида солиқ юки истеъмолчилар зиммасига ўтказилган бўлади.

Бевосита солиқларни мазмунига кўра шахсий ва реал солиқларга ажратилади. Шахсий солиқлар тўловчининг молиявий ҳолати ва тўлов қобилиятини ҳисобга олиб, ҳақиқатда топилган даромад суммасидан ундирилади. Реал солиқлар тўловчининг молиявий имкониятини ҳисобга олмаган ҳолда ундирилади. Мол-мулкнинг мавжудлиги, ер ости бойликларини қазиб олганлиги, сув ресурслари ва ер майдонларидан фойдаланилганлиги бевосита реал солиқлар ундиришга сабаб бўлади.

Билвосита солиқлар якка ва универсал солиқларга ажратилади. Маълум бир турдаги товарлар қийматидан (якка) акциз солиғи ундирилса, имтиёз берилмаган барча товар, иш хизматлардан универсал билвосита солиқ – ҚҚС ва божхона божлари ундирилади.

Солиқлар республика ва маҳаллий бюджетларга йўналтирилишига қараб умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратилади. Умумдавлат солиқлари (юримдик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи алоҳида солиқ режимида ундириладиган – соддалаштирилган солиқлар, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи) республика бюджети даромадлари бўлиб, худудий бюджетларнинг дефицитсизлигини таъминлаш учун, қисман қайта тақсимлаш асосида йўналтирилади.

Солиқ тўловчи субъектлар бўйича солиқлар жисмоний шахслардан олинадиган ва юридик шахслардан ундириладиган солиқларга бўлинади. Худди шунингдек, резидентлардан ундириладиган солиқлар ва норезидентлардан олинадиган солиқлар ҳам фарқланади.

Солиқлар маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартибига мос равишда: харажатларга қўшиладиган; маҳсулотларнинг нарҳига қўшиладиган; фойда ҳисобидан тўланадиган; ишчи ва хизматчиларнинг даромадларидан қопланадиган солиқларга ажратилади. Умуман, солиқлар иқтисодий моҳиятига кўра уч гуруҳга ажратилади:

- 1). Истеъмолга қўлланадиган (билвосита) солиқлар;

- 2). Даромадга қўлланадиган солиқлар;
- 3). Мулкка қўлланадиган солиқлар.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг функцияларида зуҳр этади. Солиқлар жамият ва давлатнинг ривожланишига ўзининг қуйидаги функциялари орқали таъсир кўрсатади:

1. Фискал (хазнага даромад келтирувчилик) функцияси;
2. Ижтимоий (қайта тақсимлаш) функцияси;
3. Тартибга солиб туриш (рағбатлантириш ва чеклаш) функцияси;
4. Назорат функцияси;
5. Жамғариш функцияси.

Солиқларнинг фискал функцияси ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилади. Фискал функция солиқларнинг энг асосий функцияси бўлиб, қолган функция (вазифа) ларни унинг хосиласи дейиш мумкин. Чунки, бу функция товар- пул муомалалари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида давлат даромадларининг ошиш даражасини аниқлаб беради.

Солиқларнинг ижтимоий (қайта тақсимлаш) функцияси турлича даромад манбаига эга бўлган аҳолини солиққа тортиш натижасида хосил бўлган жамият даромадларини ҳар – хил тоифадаги аҳоли ўртасида, қайта тақсимлашни ўз ичига олади. Бу вазифа жамиятнинг бой қатламига солиқ юкни ошириш ҳисобига аҳолининг иқтисодий заиф ва химояланмаган қисмини солиқлардан озод қилиш ёки паст ставкаларни қўллаш йўллари билан амалга оширилади. Солиқларнинг ижтимоий функциясини тушуниб олишда, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишда прогрессив шкала қўлланишини мисол қилиш тўғри бўлади.

Инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнснинг фикрича, “солиқлар, фақатгина, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиб туриш учун мавжуд”-экан.

Солиқларнинг назорат қилиш функцияси-бюджетга ундирилаётган солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш билан бирга, уларни молиявий ресурсларга бўлган талаблар билан таққослайди. Ушбу функция орқали солиқ сиёсатини бюджет сиёсатига мос келиши назорат қилинади ва уларни мувофиқлаштириш зарурати аниқланади.

Солиқларнинг жамғариш функцияси ҳам уларнинг фискаль функциясидан келиб чиқади. Солиқ тўловчи бюджет даромадларига ўз маблағларининг бир қисмини ажратиб беришда, иложи бориша каттароқ улушни ўз ихтиёрига олиб қолишга, яъни солиқ тўловларини “режалаштириш” га ҳаракат қилади. Шу мақсадда солиқ атрофида бюджетга тўланиб кетадиган сумманинг бир қисмини, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаб, солиқни камроқ тўлаш билан, беихтиёр жамғаришни амалга оширади. Жамғариш оқибатида ишлаб чиқариш кенгайиб, солиқ базаси янада кўпаяди. Натижада, келажакда солиқ тушумлари ортиб боришининг сабабини солиқ базасини муттасил кенгайиб боришидан қидириш керак.

Солиқларнинг тамойиллари - солиқ қонунчилиги соҳасида қўлланиладиган ғоя ва тартиблардир. Адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик, қулайлик, арзонлик тамойиллари асосий қоидалар бўлиб, уларнинг тўлиқ ҳолда қўллаш ҳар қандай жамиятда ва ҳар

доим ҳам юз беравермайди, бунинг учун жамият иқтисодиётнинг зарурий ривожланиш босқичларини босиб ўтган бўлиши зарур. Бу масалада олимларнинг фикрлари бир хил эмас. Улар турлича вариантларни илгари суришади.

Адолатлилик тамойилига асосан солиқ юки бир текис тақсимланиши лозим. Адолатлилик тамойили солиқ тизимини тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Адолатли солиқ тизими бўлиши учун икки хил ёндашув (концепция) дан келиб чиқилади:

1. “Олинган манфаат” концепцияси. Унга асосан, солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар билан давлат томонидан уларга кўрсатилдаган хизматлар мутаносиб бўлиши керак деб қаралади.
2. “Ҳайр - эҳсон” концепцияси, яни тўлай олишлик тамойили. Унда солиқ масаласи давлат харажатлари сиёсатидан мустақил равишда кўрилади.

Солиқ тўлаш юридик ва жисмоний шахснинг олган даромади, мулки, фойдаланилган ресурслардан келиб чиқиб, тўлай олиш қобилиятига қараб амалга оширилади яъни, солиқ давлатнинг даромадларга бўлган талаби қондирилгунга қадар ундирилади.

Ҳар иккала ёндашув ҳам қониқарли бўлиб, амалиётда енгил амалга оширилади деб бўлмайди. Уларнинг иккаласини ҳам афзаллик ва камчилик томонлари бор. Шунинг учун ҳар қандай солиқ тизими иккала ёндашувнинг элементларини ўз ичига олади.

Тенг ҳуқуқлилик тамойили адолатлилик тамойилининг мазмунидан келиб чиқади. Унга кўра барча солиқ тўловчилар мулкчилик шаклидан, фаолият туридан ишчанлик мавқеидан қатъий назар солиқ тўлаш мақсадларида тенгдирлар. Жисмоний шахслар эса миллати, ирқи, тили, ижтимоий келиб чиқиши, динларга мансублиги, ёши ва жинсидан қатъий назар солиқ тўлашда тенг ҳуқуқлидирлар.

Қулайлилик тамойили солиқларни йиғилувчанлигини таъминлашда солиқ тўловчи ва солиқ идораларига қулай бўладиган вақт (фасл, давр) ни, жойни, тўлов шакли ва валютани танлашни назарда тутди.

Ўлчамлилик тамойили – бюджетни тўлдириш билан солиқ тўловчини солиққа тортишдаги номуносивбликларни бартарф қилиб боришни назарда тутди. Шу йўл билан солиқ тўловчининг иқтисодий фаоллигига путур етказишнинг олди олинади. Солиққа тортишнинг шартли нуқтаси (солиқ чегараси), яъни давлат бюджетига миллий маҳсулот ҳажмидан ундириладиган қисмининг оптимал бўлиши жуда муҳим. Шартли нуқтанинг у ёки бу томонга сурилиб кетиши, солиқ тўлашдан қочишга, хуфия иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келади. Солиқ юки ўлчамли бўлиши муҳим.

Аниқлилик тамойили (солиқ тўловчининг манфаатлари ва имкониятларини максимал даражада ҳисобга олиш) солиқ тўлашнинг муддати ва тартиби солиқ тўловчига аввалдан маълум бўлишини талаб қилади.

Тежамлилик тамойили солиқ йиғиш учун кетадиган сарф-харажат минимал бўлиши лозимлигини тақозо этади.

Солиққа тортишнинг умумий тамойилларидан ташқари унинг ташкилий тамойиллари ҳам бор. Улар:

- солиқ тизимининг ягоналиги тамойили;
- харакатчанлик (эластиклик) тамойили;

- мўтадиллик тамойили;
- солиқлар сонининг кўплиги тамойили.

Солиққа тортишнинг ҳуқуқий тамойиллари курснинг охириги мавзуларида қараб чиқилади. Улар жумласига қуйидаги асосий тамойилларни киритиш мумкин:

баробар солиқ юки; солиқларни қонун билан белгилаш; солиқ қонунларининг орқага қайтмаслиги; солиқ қонунларининг солиқ соҳасига кирмаган қонунлардан устунлиги; солиқ қонунларида барча солиқ элементларининг мавжудлиги; солиқ қонунчилигини қўллашда мулкдорнинг ҳақлиги презумпцияси; халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тамойиллари (17 – мавзуга қаранг).

Мавзу - 3 Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ.

Молия йилида солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентларига Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташқарида уларнинг фаолият манбаларидан олинган даромадлар (фойда) бўйича солиқ солинади.

Хорижий юридик шахслар ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллайдиган тўловчиларнинг айрим тоифаларига, уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келмаган тақдирда, ушбу солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланмайди.

Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юридик шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади.

Бюджет билан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни юридик шахслар мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, кўрсатилган Низомга иловаларда белгиланган харажатлар суммасига тузатишлар киритилган даромадлар даромад (фойда) солиғи объекти ҳисобланади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари бўйича белгиланган чегирмалардан ташқари қуйидагилар ҳам жами даромаддан чегирилиши керак;

а) банклар бўйича:

кредит ресурслари учун тўловлар;

операцион харажатлар;

пул маблағлари ва бойликларини ташиш ва сақлаш харажатлари;

мижозлар ҳисобварақлари, шу жумладан - жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фоизлар;

таваккаллик операциялари бўйича захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилган умидсиз ссудалар суммалари.

б) суғурта ташкилотлари бўйича:

қайта суғурталаш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари;

амал қилиши ҳисобот йилининг охирида тугамаган суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномалари бўйича тўловлар суммалари;

суғурталаш ва қайта суғурталаш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммалари;

ўтган йилларнинг суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўловлар суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар;

суғурта ҳодисаси бошлангани маълум қилинган, лекин зарар ҳажми тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

суғурта ташкилоти томонидан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммалари (превентив чора-тадбирлар);

суғурта ташкилотларининг захира фондларига ушбу фондлар миқдорлари суғурта ташкилотлари устав фондининг йигирма беш фоизига етгунга қадар ушбу ташкилотлар даромадларининг йигирма фоизига қадар миқдорда ажратмалар.

Солиқ тўловчилар (бундан банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно) даъво муддати тугагач даромадлари илгари жами даромадга киритилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юридик шахсларнинг даромадлари ва улар бўйича тегишли чегирмалар солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида, тўлаш вақти ва пулнинг келиб тушиш санасидан қатъи назар, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Агар қилинган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у жами даромаддан фақат бир маротаба чегирилиши мумкин.

Узоқ муддатли контрактларга тааллуқли даромад ва чегирмалар молия йили давомида уларни ҳақиқатда босқичма-босқич бажариш қисмида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли контрактни ҳақиқатда бажариш молия йили охиригача қилинган харажатларни контракт бўйича жами даромадлар билан таққослаш воситасида белгиланади.

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадларга қуйидагилар киритилади:

а) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум деганда:

юклар жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;

буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;

хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган суммалар тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромад оладиган (комиссион ҳақлар, фоизлар сифатида) корхоналар учун тушум деганда солиқ солинадиган даврда амалга оширилган барча битимлар бўйича олинган комиссион ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

б) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад.

Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан келадиган даромадни белгилаш чоғида солиқ солиш мақсади учун ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотилиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги фарқ (ошиб кетиш) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, номоддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, сотиш санасидаги активлар қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади.

Активлар бепул асосда ёки пасайтирилган қиймат бўйича топширилганда топширувчи шахс активларининг қиймати шаклланган харажатлардан келиб чиқиб, олаётган шахс даромадлари эса - кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топшириладиган активлар таннархидан паст бўлмаган тарзда, белгиланади.

в) фоизлар кўринишидаги даромадлар;

г) дивидендлар;

д) бошқа шахслардан бепул олинган мол-мулк.

Агар мол-мулкни бепул топшириш тизим ичида корхоналар ўртасида юз берса, (бунда тизим деганда вазирлик, концерн, трест ва ҳоказолар тушунилади) ва бу мол-мулк тақсимлаш баланси бўйича ва (ёки) юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, улар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

е) мол-мулкни ижара (лизинг) га беришдан олинган даромад;

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, агар ижарага берувчи амортизацияланадиган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, операция солиқ солиш мақсадида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилиниши сифатида қаралиши керак.

Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошиб кетса;

ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаганидан кейин белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

ижарага олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижара тугаганидан кейин ижара бошидаги улар қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;

тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

ж) роялти;

з) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялар бундан мустасно);

и) даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоя қила олиши мумкин бўлган муддат. Даъвонинг умумий муддати - уч йил.

к) илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки гумонли қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромадлар;

л) валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ.

м) фавқулодда даромадлар.

н) бошқа даромадлар.

Олинган грантлар даромад сифатида қаралмайди.

Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши боришига қараб солиқ солинадиган даромад таркибига киритилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни ҳақиқатдаги таннархдан паст нархлар бўйича амалга оширадиган ташкилотлар (корхоналар) бўйича, солиқ солиш чоғида, зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтирмайди, ўзи ишлаб чиқарган, эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган экспорт маҳсулоти (ишлар, хизматлар) бундан мустасно.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) ни эркин алмаштириладиган валютага, ички бозор нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қиладиган корхоналар учун (савдо-воситачилик корхоналаридан ташқари), солиқ солинадиган база экспорт маҳсулотини сотишнинг ҳақиқатдаги нархидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Муштарак вазифаларни ҳал этиш ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган бадаллар, пайлар ва устав фондига бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ушбу муштарак вазифаларни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган юридик шахснинг даромади ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ушбу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият (оддий ширкат шартномаси бўйича) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади.

Шартнома иштирокчилари томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият учун бирлаштирилган юридик шахслар мол-мулки ҳар бир иштирокчининг балансида ҳисобга олиниши керак, зиммасига шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчи томонидан умумий ишлар ва ҳисоб юритилади.

Юридик шахсни ташкил этмасдан бир неча корхонанинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) улар ўртасида тузилган шартномалар асосида солиқ солинишига қадар биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Юридик шахс ҳисобланган биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан олинган даромад (фойда) тақсимланганидан кейин жами даромадга

киритилади ва умумбелгиланган тартибда солиқ солинади.

Корхоналарнинг хорижий валютада олинган даромади (фойдаси)га Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан жамликда тўлиқ ҳажмда солиқ солиниши керак. Бунда хорижий валютада олинган даромад (фойда) юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Юридик шахснинг, юқорида кўрсатилган даромади (фойдаси) га 10 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Юридик шахсларнинг аукционлардан ва гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан олган даромади (фойдаси) га 35 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) пластик карталар қўллаб ҳақ тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкани 10 фоизга пасайтирган ҳолда тўлайдилар.

Тижорат банкларининг фойдасига 17 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

Ихтисослашган корхоналарга:

ишлаб чиқариладиган товарларнинг умумий ҳажмида болалар учун товарлар натура ифодасида камида 60 фоизни ташкил этадиган болалар учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар;

ишлаб чиқариладиган товарларнинг умумий ҳажмида аёллар гигиенаси буюмлари ва бадий ҳунармандчилик маҳсулотлари камида 60 фоизни ташкил этадиган аёллар гигиенаси буюмлари ва бадий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киритилади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларни (ишларнинг бажарилган хизматларнинг кўрсатилган жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилиш улуши қуйидагини ташкил қиладиган экспортчи-корхоналар учун:

сотишнинг умумий ҳажмида 15 дан 30 фоизга қадарни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

сотишнинг умумий ҳажмида 30 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса белгиланган ставка улар учун 50 фоизга камайтирилади.

имтиёзлар савдо-воситачилик ташкилотларига, шунингдек хом-ашё товарларини экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга тўлаш манбаида 10 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Солиқ солиш мақсадида дивидендлар деганда акциялар бўйича ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан олинадиган даромад тушунилади.

Фоизларга депозитли омонатлар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромад киритилади.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивиденд ва фоизлар олган юридик шахс – резидент уларни жами даромаддан чегириш ҳуқуқига эгадир.

Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари - резидентларга тўланадиган фоизларга тўлаш манбасида солиқ солинмайди, балки белгиланган тартибда банкда ва бошқа молия-кредит ташкилотида солиқ солиниши керак.

Қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади:

а) протез-ортопедия буюмлари, инвентарлари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлари - асосий фаолият тури бўйича;

б) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари уюшмаси мулки бўлганлари, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно.

Кўрсатилган имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаш чоғида ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган корхона ходимлари, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарадиган) киритилади.

в) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

г) жазони ижро этиш муассасалари;

д) нотижорат ташкилотлари.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни назарда тутмаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилганлари;

молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари).

Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда) олган нотижорат ташкилотлари ушбу фаолиятдан солиқни умумбелгиланган тартибда тўлайди.

е) шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича;

ж) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

з) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар бўйича;

и) ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари;

к) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олганлари;

л) юридик шахслар томонидан дивидендлар кўринишида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав сармоясига йўналтириладиган даромадлар;

м) суғурта шартномалари бўйича суғурта қоплами (суғурта суммаси) кўринишида олинган маблағлар суммаси бўйича;

н) тезкор-қидирув тадбирлари тизимларининг техник воситаларини эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш хизматларини кўрсатишдан даромад (фойда) солиғи бўйича.

Солиқ солинадиган даромад (фойда) қуйидаги суммага камайтирилади:

а) экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда) нинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизациядан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда) нинг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

Кўрсатилган имтиёз қуйидагилар ҳисобига инвестициялар амалга оширилганида тақдим этилади:

ўз воситалари ҳисобига - инвестицияларга ҳақиқатда қилинган харажатлар доирасида;

кредит ташкилотлари кредитлари ҳисобидан - кредитларини ҳақиқатда сўндириш суммаси доирасида, кредитларга хизмат кўрсатиш харажатларидан ташқари.

в) диний ва жамоат бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар даромади (фойдаси) дан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига;

г) “Истеъдод” жамғармасига таъсис бадаллари ва ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказиладиган маблағлар суммасига.

Ўтган ҳисобот йилида ёки ўтган ҳисобот йилларида зарарга эга бўлган даромад (фойда) солиғи тўловчилар жорий йилдаги солиқ солинадиган даромадни (фойдани) кўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидирлар. Бунда тақсимлаб ўтказиладиган зарарнинг жами суммаси жорий йилдаги солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ тўловчи зарарларни тақсимлаб ўтказишни 2005 йил якунлари бўйича кўрилган зарарлардан бошлаб амалга оширишга ҳақлидир. Зарарлар зарар кўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил муддат давомида тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ кодексининг 6-бобида назарда тутилган, чегириб ташланиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ солинадиган даромад (фойда) (Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-

китобининг 100-сатри) қопланиши лозим бўлган зарар суммасига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Агар қопланиши лозим бўлган зарар (зарарлар) суммаси 5 йил мобайнида қопланиб бўлмаса (ёки тўлиқ қопланиб бўлмаса), унда ушбу қопланмаган зарар суммаси (ёки унинг қопланмаган қисми) кейинги йилларга тақсимлаб ўтказилмайди ва қопланмай қолади.

Ҳисобот йилининг якунлари бўйича тақсимлаб ўтказиладиган зарар суммаси Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобида 110-сатрда акс эттирилади.

Солиқ тўловчи даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этилган даврда кўрилган зарарлар кейинги даврларда тақсимлаб ўтказилмайди.

Зарарларни тақсимлаб ўтказиш қўлланилганда солиқ тўловчи Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига, жорий ҳисобот йилидаги солиқ солинадиган даромад (фойда)ни камайтирадиган, ўтган йил (ўтган йиллар) зарари ёки зарарнинг бир қисми суммасининг ҳисоб-китоби - маълумотномаси илова қилинади.

Ваколатли банклар учун солиқ солинадиган даромад жалб этиладиган эркин валюта маблағлари консолидацияланган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтириш чоғида олинадиган маржа суммасига камайтирилади.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига 1 фоиз камайтирилади.

Солиқ тўловчиларга Солиқ кодекси амалга киритишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосида белгиланади.

Чорак давомида барча тўловчилар бюджетга солиқнинг жорий тўловларини амалга оширадilar. Жорий тўловларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тегишли чорак учун тахмин қилинган даромад (фойда) ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ҳамда жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига қадар давлат солиқ хизмати органларига жорий тўловлар тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

Жорий тўловлар ҳар бир ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тенг улушлар билан, даромад (фойда) солиғи чораклик суммасининг учдан бири миқдорида амалга оширилади.

Бюджетга жорий тўловларнинг суммалари пасайтирилган тақдирда улар давлат солиқ хизмати органлари томонидан корхоналар билан биргаликда, олдинги чорак учун солиқнинг ҳақиқий суммаларидан келиб чиқиб кўшимча равишда аниқлаштирилади.

Ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда даромад (фойда) олган корхоналар, шунингдек ягона ер

солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари улар ишлаб чиқаришининг мавсумий хусусиятини ҳисобга олиб, солиқ тўловларини ҳар чоракда йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан, олдинги чорақлар учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаларини ҳисобга олиб, жорий тўловларни тўламасдан, ҳақиқатда олинган даромад (фойда)дан келиб чиқиб амалга оширадилар.

Даромад (фойда) солиғини тўловчилар, чет эл инвестициялари қатнашган корхоналардан ташқари, ўзлари ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига чорак ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш муддатларида ўсиб боровчи яқун билан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим қиладилар.

Чет эл инвестициялари қатнашган корхоналар солиқ рўйхатига олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи яқун билан даромад (фойда)га солинадиган солиқ бўйича ҳисоб-китобларни, ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейин келувчи ойнинг 25 санасидан кечикмаган ҳолда, йил бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш муддатларида топширадилар.

Биринчи чорак, ярим йил, тўққиз ой ва йил туганидан кейин тўловчилар даромад (фойда) солиғи суммасини мустақил равишда йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан, даромад (фойда) солиғига доир тақдим этилган имтиёз ва ставкаларни ҳисобга олиб, солиқ солинадиган, улар томонидан ҳақиқатда олинган даромад (фойда)дан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар. Йил давомида кирим қилинган даромад (фойда) солиғини тўлаш суммалари солиқ тўловчига тегишли ҳисобот йили учун ҳисоблаб ёзилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Ҳақиқатда олинган даромад (фойда)дан келиб чиқиб ҳисобланган даромад (фойда) солиғи суммасини тўловчилар чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кейинги беш кун давомида бюджет даромадига ўтказадилар.

Бунда жорий тўловларнинг ҳисоблаб ёзилган суммалари тегишли давр учун ҳисоблаб ёзилган солиқ ҳисобига қабул қилинади.

Даромад (фойда) солиғининг ортиқча тўланган суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида солиқ органи томонидан унга қайтарилади

Тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида корхоналар тўлов муддати келгунига қадар солиқни бюджетга ўтказиш учун тегишли банк муассасаларига тўлов Топшириқномасини топширишлари шарт. Кўрсатилган тўлов Топшириқномаларини банк муассасалари ижро этишга (тўлашга), ҳисоб-китоб (жорий) варағининг ҳолатидан қатъи назар, қабул қиладилар.

Даромад (фойда) солиғини тўлов манбасида ушлаб қолишни қуйидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

резидент ҳисобланган юридик шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўлайдиган;
норезидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ тўловларни амалга оширадиган.

Даромад (фойда) солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин 5 кун ичида бюджетга солиқни ўтказишлари;

ушбу шахсларнинг рўйхат рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва ҳисобот йилида ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси акс эттириладиган маълумотномани молия йили тугаганидан сўнг 30 кун мобайнида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари, шунингдек даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига кўра юборишлари шарт.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити ва солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.

Солиқнинг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Белгиланган тартибда юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганида тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кун ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қилади.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан сўнг ўн беш кун давомида солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларига даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларига биноан белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар томонидан хорижда олинган даромад ёки фойда суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг умумий суммасига киритилади ва солиқ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

Бунда ҳисобга олинган сумманинг миқдори хорижда олинган даромад (фойда) бўйича Ўзбекистон Республикасида тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммасидан ошиши мумкин эмас.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоб-китоб қилишда тўланган солиқ суммасига камайтириш учун асос бўлиб тўлов хабарномаси, хорижий давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки хорижда солиқ тўлангани фактини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат ҳисобланади.

Агар ўзаро боғланган юридик шахслар ўзларининг тижорий ва молиявий муносабатларида мустақил юридик шахслар ўртасида қўлланиладиган нархлардан фарқланадиган нархларни қўлласалар, солиқ тўловчининг даромади (фойдаси) солиқ солиш мақсадида солиқ органи томонидан қонун ҳужжатларига биноан белгиланган тартибда юзага келган фарққа тузатиши мумкин.

Қуйидагилар ўзаро боғланган юридик шахслар бўлиши мумкин:

Хорижий давлатлар юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган шуъба корхоналари;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар ва уларнинг хорижда жойлашган шуъба корхоналари;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар ва муассислари битта юридик ёки жисмоний шахслар бўлган хорижий давлатларнинг юридик шахслари.

Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Имтиёзлар тадбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарларининг рўйхати
а. Пахта толаси
б. Ип калава
в. Пахта линти
г. Хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари
д. Табиий газ
е. Электр энергия
ж. Қимматбаҳо металллар
з. Рангли металллар, рангли металллар прокати, рангли металллар парчалари ва синиқлари
и. Қора металллар, қора металллар прокати ва синиқлари

Тўлов манбаида норезидентларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкалари

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаидан олинган, доимий муассаса билан боглик бўлмаган даромадига (фойдасига) манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

дивидендлар ва фоизлар	10 фоиз
таваккалчиликларни суғурта қилишга еки қайта суғурта қилишга тўланган суғурта мукофотлари	10 фоиз
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар еки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар)	6 фоиз
роялти, ижарадан (лизингдан) олинган даромадлар, хизматлар кўрсатиш шу жумладан бошқарув, маслаҳат	20 фоиз

хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар (даромад солиғи солинган даромадлар(фойда) бунга кирмайди)	
--	--

Мавзу – 4 Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш, сотиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмининг бюджетга ажратилишидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик шахслар солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар (савдо ва умумий оқатланиш корхоналари ва ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари) бундан мустасно.

Асосий фаолияти билан бир қаторда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган бошқа фаолият билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари - ягона ер солиғи тўловчилар, шу фаолиятдан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Микрофирма ва кичик корхоналарга ихтиёрий асосларда ҚҚС тўлаш ҳуқуқи берилган.

Қўшилган қиймат солиғи солиш объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши бўйича айланмалар ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (ишлаб чиқаришнинг ички айланмаси) учун фойдаланиладиганлар бундан мустасно.

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилишига доир айланмалар деганда юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар (кейинги ўринларда "товарлар (ишлар, хизматлар)" дейилади) тушунилади.

Товарларнинг сотилишида ўзи ишлаб чиқарган ва четдан сотиб олинган барча товарларнинг сотилишига доир айланмалар солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида истеъмолчилик мақсади ва қийматига эга бўлган ҳамма нарса (товар, маҳсулот, кўчмас мулк, шу жумладан, бинолар ва иншоотлар, шунингдек, электр ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва шу кабилар) товар ҳисобланади.

Ишларнинг сотилишида бажарилган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳа-қидирув, реставрация қилиш ва бошқа ишлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Хизматларнинг сотилишида қуйидагилар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади:

йўловчилар ва юк транспорти, шу жумладан, газ, нефть, нефть маҳсулотлари, электр ва иссиқлик энергиясини ташиш (узатиш)га доир хизматлар, товарларни юклаб жўнатиш, юклаб тушириш, қайта юклаш, сақлашга доир хизматлар;

мол-мулк ва кўчмас мулк объектларини ижарага бериш хизматлари;

воситачилик хизматлари;

алоқа, маиший, уй-жой-коммунал хизматлар;

реклама хизматлари;

маълумотларни ишлаш ва ахборот таъминотига доир хизматлар;
бошқа хизматлар.

Шунингдек, қуйидагилар ҳам солиқ солинадиган айланмаларга киради:

а) товарлар, ишлар ва хизматларнинг, шу жумладан, ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг сотилиши бўйича, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан, ўз ходимларига ўз истеъмоли учун корхона ичидаги айланмалар.

б) товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан, корхона ходимларига бепул берилиши ёки ҳақини қисман тўлаб берилишига доир айланмалар;

в) гаровдаги буюмларнинг сотилиши, шу жумладан, уларнинг гаровни тутиб турувчига у гаров мажбуриятларини таъминламаганидаги берилишига доир айланмалар.

Лотерея билетларини сотиш лотерея ташкилотчиси учун солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Бунда корхоналар (қўшилган қиймат солиғи тўловчилар) томонидан лотереялар ташкилотчисига кўрсатиладиган лотерея билетларининг сотилиши (тарқатилиши) га оид хизматлар қўшилган қиймат солиғига умумий белгиланган тартибда тортилади.

Сотиш бўйича солиқ солинадиган айланма миқдори сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан аниқланади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган айланмани аниқлашда акцизлар суммаси ҳам унга киритилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг текинга берилишида, асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган) бундан мустасно, солиқ солинадиган айланма миқдори корхонада бериш пайтида вужудга келган нарх (тариф) даражасидан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан, бироқ бундай товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши (харид қилиниши) бўйича амалда вужудга келган харажатлардан камайтирмасдан аниқланади.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг бепул берилишида солиқ солинадиган айланма миқдори берилишда шаклланган нарх ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Тугалланмаган қурилиш объектларининг (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган) бепул берилишида солиқ солинадиган айланма миқдори берилишда шаклланган нарх ва тугалланмаган қурилишнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилишида уларни берувчи корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги таннархидан (ёки олинган нархи ва товар харид қилинишига боғлиқ харажатлардан) паст нархларда сотилишини амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солиш мақсадида корхонада сотиш пайтида қарор топган, бироқ:

товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда - товарлар (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархидан;

савдо, таъминот-тайёрлаш фаолиятини амалга оширганда - олинган нархи ва товар харид қилинишига боғлиқ харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Иш ҳақини қонунларда белгиланган тартибда товарлар (шу жумладан, ўзи ишлаб чиқарган) билан натура шаклида тўлайдиган ёки уларни ўз ходимларига касса орқали таннархидан паст нархлар бўйича сотадиган корхоналар учун солиқ солинадиган айланма юқоридаги тартибда белгиланади.

Корхона ичида ўзи ишлаб чиқарган, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланилишда уларнинг ишлаб чиқаришдаги таннархи солиқ солинадиган айланмани белгилаш учун асос қилиб қабул қилинади.

Берилган хом ашё ва материаллардан товарлар тайёрланганида уларни ишлаш қиймати (шу жумладан, харажатлар ва фойда), акциз тўланадиган товарлар бўйича эса - акцизлар ҳисобга олинган ҳолдаги ишлаш қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

Қайтариладиган идишлар, шу жумладан, гаров қийматига эга шиша идишлар қиймати солиқ солинадиган айланмага киритилмайди, бундай идишларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотилиши бундан мустасно.

Узоқ давом этадиган ишлаб чиқариш циклига эга корхоналар (қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ташкилотлар) учун бажарилган ва буюртмачилар тасдиқлаган, шартномавий нархлардан келиб чиқиб, ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган ишлар (хизматлар) қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Қурилиш ишларини пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бажарганида унга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб ёзиш билан сотилган пудратчи (ёрдамчи пудратчи) материалларининг ва буюртмачи материалларининг қиймати киритилган ҳолда бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Пудратчи ташкилотлар ёрдамчи пудратчи ташкилотларга моддий-техника ресурсларини (қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур материаллар, конструкциялар, буюмлар, намунавий асбоб-ускуналар, аппаратуралар, стандартлаштирилмаган технологик ва энергетик асбоб-ускуналар, шу жумладан махсус материалларни) бир объект қурилиши доирасида сотганида, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан, қўлланадиган нарх ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда сотиладиган моддий-техника ресурсларининг қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

Марказлаштирилган манбалар (бюджет пул маблағлари, давлат бюджети таркибида консолидацияланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари), ҳукумат қарорлари билан белгиланадиган бошқа манбалар) ҳисобидан молияланадиган объектларни “ипидан игнасигача” қуриш чоғида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар объект фойдаланишга топширилишига қадар пудратчининг балансида қайд этилади ва пудратчида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага

критилмайди.

Тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар пудратчида объектни лойиҳада назарда тутилган ишларнинг барча ҳажмини бажариш, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишлари, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш бўйича фойдаланишга топшириш далолатномасига кўра қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилиши керак.

Ўз эҳтиёжлари учун ўзининг кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига қўшилган қиймат солиғи солинмайди. Моддий ресурслар, ёқилғи, ишларга доир қўшилган қиймат солиғи суммаси объектнинг қурилишига ҳисобдан чиқарилади.

Товар олди-сотдиси билан шуғулланувчи (қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланувчи), нархлар ўртасидаги фарқ, устамалар ва қўшимча ҳақлар шаклида даромад олувчи тайёрлаш, таъминот-сотиш ва бошқа корхоналар учун солиқ солинувчи айланма миқдори харидорларга сотиладиган товарлар қиймати асосида, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда қўлланадиган нархлардан келиб чиқиб аниқланади.

Комиссия шартномалари бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун солиқ солинадиган айланма миқдори воситачилик ҳақи суммасидан келиб чиқиб белгиланади.

"Ўздонмаҳсулот" ДАК тизими таркибига кирадиган, бирламчи ишловдан кейинги дон, қўшимча маҳсулот ва чиқиндиларни саноатда донни қайта ишлашга сотишни амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солинадиган айланма миқдори устама нарх суммаларидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунда шу жумладан спирт ишлаб чиқариш учун чет ташкилотларга дон сотиш айланмаларига қўшилган қиймат солиғи умумбелгиланган тартибда солинади.

Банклар учун имтиёзлар бериладиганларидан ташқари, хизматлар қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобга олиниши назарда тутилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотилиши чоғида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Тугалланмаган қурилиш объектларининг (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган) сотилиши чоғида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан уларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Масалан,

1) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни (120,0 - 50,0) ва сотиш нархи - 200,0 минг сўмни ташкил этса, солиқ солинадиган айланма миқдори $(200,0 - 70,0) = 130,0$ минг сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси эса $(130 \times 20 : 120) = 21,66$ минг сўмни ташкил этади, у бюджетга тўланиши лозим;

2) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни (120,0 - 50,0) ва сотиш нархи - 70,0 минг сўмни ташкил этса, солиқ солинадиган айланма миқдори $(70,0 - 70,0) = 00,0$ минг сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси ҳам $(00,0 \times 20 : 120) = 00,0$ минг сўмни ташкил этади, яъни

солиқ солинадиган айланма йўқ;

3) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни (120,0 - 50,0) ва сотиш нархи - 50,0 минг сўмни ташкил этса, унда бу мисолда ҳам солиқ солинадиган айланма йўқ, чунки сотиш нархи қолдиқ қийматидан кам.

Қуйидагилар солиқ солинадиган айланма миқдорига киритилмайди:

а) корхонанинг бир таркибий бирликлари томонидан ушбу корхона бошқа таркибий бирликларининг саноат-ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотилган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматларга доир айланмалар (ички ишлаб чиқариш айланмаси). Ушбу бандда корхонанинг таркибий бирликлари деганда банк муассасасида ҳисоб-китоб варағига эга бўлмаган, шунингдек асосий корхона балансида турадиган таркибий бирликлар тушунилади.

б) хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, бошқа турдаги корхоналар тугатилганида улар мол-мулкнинг аъзолари, муассислари ўртасида тақсимланиши бўйича айланмалар. Мабодо тугатилган корхона мол-мулки бошқа шахсларга сотиладиган бўлса, бу қоида унга тегишли бўлмайди;

в) корхоналар ўртасида бўлиш баланси бўйича ва (ёки) ушбу корхоналарнинг мулкдори бўлган юқори ташкилотнинг буйруғига кўра бир тизимнинг ичида бепул берилган асосий воситалар ва тугалланмаган қурилиш объектларининг (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинadиган) қиймати;

г) асосий воситалар, тугалланмаган қурилиш объектлари (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинadиган) ва номоддий активларни корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида бериш бўйича айланмалар.

Харидорлар ҳисоб-китоб ва йўлда юриш ҳужжатлари ҳақини тўлаганларидан сўнг товарларни қайтарган, шунингдек буюртмачилар илгари ҳақи тўланган ишлар ёки хизматлардан воз кечган тақдирда, даъво қилишнинг бир йиллик муддатига роя қилингани ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш бўйича айланмаларга шундай операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдорида ўзгариш киритилади.

Агар кафолатли хизмат муддати белгиланган товарлар ушбу муддат доирасида уларни тайёрлаган корхонага қайтарилса, бундай товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши харидорларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига дастлабки ҳақ тўлаши ва солиқнинг бюджетга тушиш муддатидан қатъи назар амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

1) суғурта қилиш ва қайта суғурта қилишга доир операциялар, шу жумладан суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

2) ссудаларни бериш ва ўтказиш бўйича операциялар билан боғлиқ хизматлар;

Ссудаларни бериш ва узатишга (узoқ муддатли ва қисқа муддатли кредит) банк миждозлари ҳужжатларини тайёрлаш (ТИАни тайёрлаш учун шартнома бўлмаган

ҳолда), кредитни расмийлаштириш; учун ҳужжатлар пакетини кўриб чиқиш (аризани кўриб чиқиш, кредитни тўлай олиш қобилиятини баҳолаш, кредитнинг баҳосини (фоизини) аниқлаш, кредит шартномасини тайёрлаш ва тузиш), ссуда ҳисобварағи ва кредит линиясини очиш, кредитга (кредитлашга) хизмат кўрсатиш, ссудаларнинг мақсадли ижро этилишини назорат қилиш киради;

3) пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга тегишли операциялар билан боғлиқ хизматлар.

Пул омонатларига дахлдор операцияларга жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиш, қўйилмалардан қўйилмаларга суммаларни ўтказиш ва уларни расмийлаштириш; Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўтказиш киради.

Жорий ҳисобварақларга дахлдор операцияларга банк ҳисобварақларини очиш, миқдорнинг аризаси бўйича ҳисобварақлар режимини ўзгартириш ва ҳисобварақларни қайта расмийлаштириш: сақлаш, ҳисобварақларга пул ўтказиш ва ҳисобварақлардан пул бериш бўйича операциялар, қабул қилиш, қайта ҳисоблаш бўйича операциялар, ҳисобварақларни ёпиш, миқдорнинг талабига кўра жорий ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш ва ҳисобварақнинг ҳолати тўғрисида кўчирма-маълумотномалар бериш киради.

Тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операцияларга инкассони ижро этиш, ўтказмалар, корреспондент банкка инкассога қўйилган ҳужжатларни юбориш ёки қайтариш, экспорт қилинадиган ҳужжатлаштирилган инкассо бўйича ҳужжатларни қабул қилиш, текшириш ва жўнатиш, инкассо топшириғи шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш, тўловдан озод бўлган ҳужжатларни бериш, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича операциялар, кафолатли-акцептли операциялар, чеклар билан операциялар (нақд пулни чет эл банклари чекларига алмаштириш ва аксинча, Топшириқ бўйича чеклар инкассоси, чекларни жорий ҳисобвараққа киритиш, сўмли чекли дафтарчаларга хизмат кўрсатиш (берилган чек дафтарчасини ҳисобга қўйиш реализация ҳисобланмайди, балки миқдорнинг жорий ҳисобварақларидан чеклар ёрдамида миқдор томонидан нақд пул олиш учун тўловларни ўтказиш бўйича тўлов бўлиб ҳисобланади) киради;

4) хорижий валюта ва қонуний тўлов воситалари бўлган пуллар муомаласига тегишли операциялар билан боғлиқ хизматлар, нумизматик мақсадларда фойдаланиладиганларидан ташқари.

Қонуний тўлов воситаси ҳисобланган чет эл валютасининг муомаласига тааллуқли бўлган операцияларга қонуний тўлов воситаси ҳисобланган нақд чет эл валютаси билан операциялар (валютани қабул қилиш, бериш, алмаштириш, сотиб олиш, майдалаш, эскирган валютани инкассо қилиш, нақд валютани олиб чиқиб кетишга рухсат бериш), чет эл валюталари билан конверсион операциялар, ушбу операцияларни ва валюта курсларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш билан бирга, экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ва хизмат кўрсатиш операциялари (шартноманинг тўғри расмийлаштирилганлигини ва уни шартнома бўйича тўловларни ўтказиш учун ҳисобга қўйилганлигини текшириш; корхоналарнинг ҳисобварақларига тушумларнинг ўз вақтида тўлиқ тушишларини назорат қилиш, валюта тушумларини шартнома бўйича мажбурий сотилишини амалга ошириш; шериклар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда ҳисобдан

чиқариш); SWIFT, TELEKS, REUTER махсус телекоммуникацион банк тизимлари орқали тўловлар ва ўтказишлар амалга ошириладиган операциялар; қоплаш шрти билан ўтказиладиган кафолатли операциялар (кафолатларни авизо қилиш ва бериш, кўрсатилган суммадан бериш ва кафолатларни тасдиқлаш, кафолатлаш шартларини ўзгартириш, сўровларни тайёрлаш ва банкларга жўнатиш); кредит карточкалари (VISA, IAPA, Priorite Pass ва ҳ.к.) бўйича тўлов ўтказишларга хизмат кўрсатиш (пул маблағларини чиқариш, алмаштириш, ҳисобга киритиш, ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш) киради.

Қонуний тўлов воситаси бўлган пул муомаласига тааллуқли бўлган операцияларга қонуний тўлов воситаси бўлган, пул маблағларига мулк ҳуқуқини алмаштиришга олиб келувчи нақд пул ҳажми билан, жумладан пулдан тўлов сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган операциялар киради.

Инкассацияга доир хизматлар пуллар муомаласига тааллуқли операцияларга кирмайди;

5) қимматли қоғозлар муомаласига тегишли операциялар билан боғлиқ хизматлар, уларнинг тайёрланиши ва сақланишига доир операциялардан ташқари.

Қимматли қоғозлар муомаласига тегишли операциялар деганда қимматли қоғозларнинг олди-сотдисига тегишли операциялар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг алмашилишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади;

6) махсус ваколат берилган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган хатти - ҳаракатлар.

имтиёз лицензия (рухсатнома), рўйхатдан ўтказиш ва патентларга оид божлар ва йиғимларнинг ҳамма турларига, шунингдек, давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, бошқа ваколатли органлар юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқларни беришда ундирадиган божлар ва йиғимларга нисбатан қўлланилади;

7) болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида сақланиши, касаллар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;

8) дафн қилиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари;

9) интеллектуал мулк объектларини харид қилиш ҳуқуқи учун патент божлари, рўйхат йиғимлари ва рухсатнома тўловлари;

10) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протез қўйиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари маҳсулотлари;

11) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркаланган откриткалар ва конвертларнинг сотилиши;

12) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича хизматлари;

13) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари.

имтиёзни олиш учун асос бўлиб давлат буюртмалари бўйича ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг (ИТД - илмий-техника дастурлари

доирасидаги илмий-тадқиқот, конструкторлик-технологик ва инновация ишларини (ИТТКИ) бажариш;

- ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар маркази билан вазирликлар ва идоралар тузган фундаментал тадқиқотлар дастурлари (ФТД), давлат илмий-техник дастурлари (ДИТД), инновация ишлари дастурлари (ИИД), халқаро (давлатлараро) илмий-техник дастурлари (ХИТД) ни бажариш;

- ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар маркази билан аниқ лойиҳа ижрочилар тузган фундаментал (ФТД), амалий тадқиқот (ДИТД), инновация ишлари дастури (ИИД), халқаро (давлатлараро) илмий-техник дастурлари (ХИТД) доирасида бажариладиган контракти ҳисобланади.

Бунда ИТД, ФТД, ДИТД, ИИД, ХИТД бўйича ИТТКИ ижрочилари учун вазирликлар, идоралар ва ижрочилар ўртасидаги ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг вазирликлар ва идоралар билан ушбу дастурлар бўйича тузган контракти доирасида тузилган контракт (шартнома) юқорида кўрсатилган имтиёзни олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

ИТД, ФТД, ДИТД, ИИД, ХИТД дастурлари бўйича кўшимча ижрочилар ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг ҳулосасини олганидан сўнг кўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинади;

14) шаҳар йўловчи транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиغان таксидан ташқари), шунингдек умумий йўналишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиغان таксидан ташқари) шаҳар атрофига йўловчиларни ташишга доир хизматлар.

имтиёз шаҳар йўловчи транспортининг йўловчиларни ташиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомалари бўйича ишчи ва хизматчиларни ишдан ва ишга ташиш билан, турли тадбирларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўрсатилган хизматлари бўйича, шу жумладан, йўловчиларнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида шаҳар атрофи йўналишларида ташишлар бўйича хизматлар кўрсатилишидан олиндиغان даромадлар бўйича берилади;

15) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва фойдаланишга доир хизматлар (бундан сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича хизматлар мустасно).

Кўшилган қиймат солиғидан озод қилинган уй-жой-коммунал хўжалиги хизматларига аҳоли томонидан ҳақи тўланадиган канализация, электр энергетика хўжаликлари, санитария-тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ва фойдаланишга доир хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тутиб туриш бошқармалари ва бўлимларининг хизматлари киради.

имтиёз, шунингдек, аҳоли номидан иш юритадиган ва юқорида санаб ўтилган хўжаликлар билан уларнинг аҳолига кўрсатган хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширадиган уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари (УФБ) ёки ширкатларга ҳам тегишли бўлади;

16) халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ.

Халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ

хизматлар деганда корхоналарнинг таълим бериш фаолияти соҳасида кўрсатадиган хизматлари тушунилади.

Таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганида, шу жумладан, мол-мулкни ижарага берганда қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда тўланади;

17) сақлаш учун ваколатли давлат органига қимматбаҳо металлларни сотишдан олинган айланмалари;

18) диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удум ва маросимларни ўтказишга доир тадбирлари.

Кўрсатилган бирлашмаларнинг маросимлар учун ва диний мақсаддаги буюмларни тайёрлаши ва сотиши ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади;

19) тиббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, болалар дам олиш оромгоҳларининг асосий фаолиятига доир хизматлари.

Тиббий хизматларга соғлиқни сақлаш муассасалари, стоматология, гомеопатия поликлиникалари, косметология шифохоналари, тиш-протез қўйиш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларнинг тиббий комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария-эпидемияларга қарши йўналишдаги лаборатория ва бўлинмалари ҳамда бошқа тиббий-санитария йўналишдаги муассасалар кўрсатадиган тиббий ёрдам ва санитария хизмати **киради**.

Ветеринария хизматлари тиббий хизматларга кирмайди.

Санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматларига санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг йўлланмалар (курсовка) қийматига қўшиладиган хизматлари **киради**.

Санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг дам олувчиларга кўрсатадиган йўлланмалар (курсовка) қийматидан ортиқ бўлган хизматларига ҳам қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

Туристтик-экскурсия хизматларига туристик-экскурсия ташкилотларининг, туристик хизматлар кўрсатишда йўлланма (ваучер) қийматига қўшиладиган, тур таркибига кирадиган ва ҳақиқатда кўрсатилганини тасдиқлайдиган хизматлар мажмуи **киради**.

Туристтик хизматлар мажмуига "Туристтик хизматларни тақдим этиш шартномаси"да белгилангандек, транспорт хизмати кўрсатиш, яшаш, овқатланиш хизматлари, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, жисмоний дастур ва бошқа хизматларни ташкиллаштиришни ўз ичига олади.

имтиёз ушбу ташкилотлардан туристларга қўшимча хизматлар кўрсатилганда, шартномада белгилангандек ортиқча туристик-экскурсия хизматларига нисбатан ҳам қўлланилади.

имтиёз туристик-экскурсия фаолияти билан боғлиқ бўлмаган пуллик хизматларга тегишли бўлмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари хизматларига спорт иншоотларида ўтказиладиган мусобақалар, байрамлар, спорт-томоша тадбирлари, тақвимий ва матчлардаги учрашувлар, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ва командалар, мактаблар, соғломлаштириш, умумий жисмоний тайёргарлик,

саломатлик, чиникиш, сузиш, соғломлаштирувчи югуриш ва юриш йўналишига эга, атлетика, ритмик ва даволаниш гимнастикаси ва шу каби клубларда бажариладиган жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш, спорт иншоотларига ташриф буюрувчиларга тақдим қилинадиган, патталар (абонементлар) қийматида назарда тутилган спорт-техника ускуналари, тренажерлар, инвентарь, кийим-бошларни беришга доир ва бошқа хизматлар **киради**;

20) хусусийлаштириладиган давлат мол-мулки қиймати;

21) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

22) геология ва топография ишлари;

23) нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа ва китоб савдоси корхоналари, телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятга доир маҳсулотлари ва хизматлари.

Нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари ва матбаа корхоналарининг асосий фаолиятига босма маҳсулотлар (китоблар, газеталар, журналлар, маълумот берувчи тўпламлар, рисоалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, откриткалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик дафтарлари, бланклар ва бошқа босма маҳсулотлар) ни тайёрлаш ва нашр қилиш, макетлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетларни тайёрлаш, нашрларга реклама мурожаатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва жойлаштириш, рангтасвирлаштириш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, уни йиғиш ва қайта ишлаш, матнларни таржима қилиш бўйича ишлар, магнитли ва қоғозли ташувчиларда, почта тизими ва Интернет воситасида сотиш билан боғлиқ фаолиятлар, шунингдек қонунларда кўзда тутилган бошқа турдаги матбаа корхоналари киритилади.

Бунда, агар маълум бир фаолият (рекламани қабул қилиш, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва сотиш) босма маҳсулотни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлмаган алоҳида ва узил-кесил ишлар кўринишида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда фаолиятдан олинган даромадларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи юзасидан бериладиган имтиёзлар қўлланилмайди (масалан, рекламанинг телевидение, ташқи воситалар ва ҳоказоларда унинг жойлаштирилиши учун қабул қилиниши).

Нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналарининг асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган фаолияти (мол-мулкнинг ижарага берилиши, олди-сотди, воситачилик ва бошқалар) умумий белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилиши лозим.

Нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналари улар томонидан асосий фаолиятнинг амалга оширилиши чоғида амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли рўйхатдан ўтказилишлари ва/ёки қонунчиликда кўзда тутилган лицензияга эга бўлишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятни амалга оширувчи, бироқ нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналари бўлиб ҳисобланмайдиган корхоналарга нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз қўлланилмайди;

24) ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

25) давлат тилини ўқитишга ва давлат тилида иш юритишни ўргатишга оид хизматлар;

26) экспорт қилинадиган товарларни ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига экспорт қилинадиган юкларни ташиш ва хизмат кўрсатишга доир хизматларга уларни халқаро ташиш ҳужжатларида расмийлаштиришда ташиш, экспедиция қилиш, ортиш, тушириш ва қайта юклаш бўйича хизматлар киради;

27) ишловчилар умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, товарларни (четдан келтириладиган ва акцизланадиганлари бундан мустасно) ишларни ва хизматларни (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов бундан мустасно) ишлаб чиқадиган ва сотадиган юридик шахслар.

Кўрсатилган имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаш чоғида ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган корхона ходимлари, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарадиган) киритилади;

28) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари хизматлари;

29) фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган гастроль-концерт фаолияти;

30) китоб маҳсулотларини, ўқувчилар ўқув қуроллари ва кўргазмали ўқув қуролларини, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи сотувчилар;

31) мол-мулкни лизингга беришдан лизинг тўловлари.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)ни қўшилган қиймат солиғи билан сотиб оладилар.

Бунда сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)га доир қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқариш харажатларига киритилади. Савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари қўшилган қиймат солиғини харид қилинган товар қийматиغا киритадилар.

Шунга ўхшаш сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаларини ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига, савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари бўйича - харид қилинган қийматга киритиш тартиби амалдаги солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар корхона қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган фаолият тури билан бир қаторда бундай солиққа тортиладиган фаолиятни ҳам амалга оширадиган бўлса, унда у фаолиятнинг бундай турлари бўйича харажатлар ва натижаларнинг алоҳида ҳисобини юритиши керак.

Агар корхона етказиб берилиши қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва бундай солиққа тортилмайдиган бир хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқарадиган бўлса, унда бундай ҳолда харажатларнинг ажратиш кўрсатилиши солиқ солинадиган айланманинг жами айланма суммасидаги салмоғига қараб амалга оширилади.

Мисол:

Ҳисобот даври учун корхона 200000 сўмлик, қўшилган қиймат солиғисиз

сотиш айланмасига эга бўлиб, шу жумладан солиққа тортиладиган айланмаси 170000 сўм, солиққа тортилмайдиган (солиқдан озод қилинган) айланмаси 30000 сўм;

Жами сотиш суммасидаги солиққа тортиладиган айланма суммаси салмоғи 85% ни ташкил этади ($170000 : 200000 \times 100$).

Агар ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ-фактуралардаги қўшилган қиймат солиғи суммаси 35000 сўмни ташкил этгудек бўлса, у ҳолда ушбу сумманинг 85 фоизи ҳисобга олинади, яъни 29750 сўми ($35000 \times 85/100$).

Қолган 5250 сўмлик ($35000 - 29750$) тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунигача сақлаб қолинади.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоб-китоб қилмайдиган солиқ имтиёзига эга корхоналар, чораклик ва бир йиллик молия ҳисоботини топшириш учун белгиланган муддатларда имтиёздан фойдаланганлик тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

Қўшилган қиймат солиғи 20 (йигирма) фоизлик ставка бўйича тўланади.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Сай \times С / 100; (1),$$

бунда: **Сққс** - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Тқ \times С / (С + 100); (2),$$

бунда: **Тқ** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

Шунга ўхшаш тартиб амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишининг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Мавзу 5 Қушилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси.

Қуйидагилар ноль даражали ставка бўйича солиққа тортилади:

1) эркин алмаштириладиган валютага товарлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) экспорти, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб беришлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса.

Товарлар экспортига солиқ солишда товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш белгиловчи омил ҳисобланади. Товарлар экспортида ноль ставкаси бўйича солиқ солиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганида қўлланилади:

контракт (ёки белгиланган тартибда тасдиқланган контракт нусхаси);

товарнинг божхона расмийлаштирувини ўтказадиган божхона органининг белгилари қўйилган божхона юк декларацияси;

экспорт қилинаётган товарларга хорижий шахс ҳақ тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ва банк кўчирмаси;

товарлар кўрсатилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқлайдиган, товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар, хизматлар экспортида ноль ставкаси бўйича солиқ солиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганида қўлланилади:

хорижий шахслар билан контрактлар;

ишлар (хизматлар) сотувчиси ва сотиб олувчиси имзолаган далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа ҳужжатлар;

бажарилган ишлар (хизматлар)га хорижий шахс ҳақ тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари.

Бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортлари ва ҳаво маконида хорижий ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, шу жумладан аэронавигация хизмати бўйича кўрсатиладиган хизматлар, агар уларга эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тўланса, экспорт хизматларига тенглаштирилади ва уларга ноль ставкаси бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

2) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек, ваколатхоналарнинг дипломатия ва маъмурий-техник ходимларининг, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб ҳисобланмасалар ва республикада доимий яшамасалар, чет эл тарафи томонидан ўзаро мувофиқлик тамойилининг қўлланилиши шарти билан шахсий фойдаланиш учун сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар).

3) божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича эркин алмаштириладиган валютага бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар).

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатларнинг юкларини

ташиш (транзит ташишлар) бўйича хизматлар.

Чет мамлакатлар юklarини транзит ташишларга юklarнинг транзитини амалга ошириш учун хорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки халқаро транспорт битимлари ва божхона органларининг кўрсатилган транзит юklarнинг амалда олиб келингани ва олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги белгилари мавжуд бўлганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатлар транзит юklarининг ташилиши ва хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради.

5) сув, иссиқлик, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар.

Корхоналар ноль даражали ставка бўйича солиққа тортиладиган маҳсулотларга кўшилган қиймат солиғини "0" ставкаси бўйича ҳисоблайдилар ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддий ресурслар бўйича кўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш учун қабул қиладилар.

Ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган, сотиб олинadиган моддий ресурсларга, шунингдек, четдаги ташкилотлар бажарадиган ишлар (хизматлар) га кўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилмайди, кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши бундан мустаснодир.

Бюджетга тўланадиган кўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан “0” даражали ставка билан ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

тартиб кўшилган қиймат солиғини тўловчи ҳисобланадиган ҳамма корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади.

Ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда сотиб олиш қиймати бўйича, тўланган кўшилган қиймат солиғи суммаси ҳам кўшилган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобга киритиладиган кўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб, ҳисобот даври мобайнида ҳақиқатда келиб тушган, шу жумладан, импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ноль ставкаси бўйича айланма билан биргаликдаги солиқ солинадиган айланма учун фойдаланиладиган олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобланади.

Ҳисобот даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар шартномаларининг шартларига кўра хорижий валютага эквивалентда ёзилган ҳисобварақ - фактуралар бўйича келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга киритиладиган кўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида - ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмлардаги солиқ суммаси ҳисобланади.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича божхона юк декларацияси (БЮД), шунингдек божхона декларацияси қиймати (БДҚ), божхона қийматининг тузатилиши (БКТ) (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва кўшилган қиймат солиғининг амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ҳисобга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар бўйича ҳисобга киритиладиган кўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб импортчи баёнот берган божхона қийматидан келиб чиқиб

белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, сотиш чоғида солиқ солинадиган айланма учун фойдаланиладиган солиқ суммаси ҳисобланади.

Агар қўшилган қиймат солиғи товарларни олиб кириш чоғида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона баҳолаш усуллари тизимини қўллаш йўли билан аниқланадиган божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилса, божхона расмийлаштируви чоғида ҳақиқатда тўланган солиқ билан ҳисобот даврида олинган солиқ ўртасидаги фарқ импорт қилинган товарларнинг харид қийматига киритилади.

Мисол:

Импортчи томонидан олиб кириладиган товарга доир баёнот берилган божхона қиймати 100 млн сўмни ташкил этади, товар импорти чоғида божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоб-китобли божхона қийматини божхона органлари 200 млн сўм миқдоридан белгиланган. Божхона расмийлаштируви чоғида божхона тўловларининг ҳисобланган суммалари: божхона божи (30%) - 60 млн сўм, акциз (20%) - 40 млн сўм, ҚҚС (20%) - 60 млн сўм, $(200+60+40) \times 20/100$.

Ҳисобга киритилладиган ҚҚС суммаси - 40 млн сўм $(100 \text{ (импортчи баёнот берган божхона қиймати)} + 60 \text{ (божхона божи)} + 40 \text{ (акциз)}) \times 20/100$.

20 млн сўм $(60-40)$ суммасидаги фарқ импорт қилинган товарнинг харид қийматига киради.

Импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича муддатларнинг узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилган ҳолларда ҳисобга киритилладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб солиқнинг ҳақиқатда тўланган суммаси ҳисобланади.

Экспортга етказиб берилладиган маҳсулот бўйича ҳисобга киритилладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилганлиги ва тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигида, экспортдан валюта тушуми корхонанинг ҳисобварағига келиб тушганлиги далили тасдиқланганда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳисобланади.

Қуйидагилар бўйича солиқ суммаси ҳисобга олинмайди:

а) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар фойдаланадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

б) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

в) харид қилинган, ҳисобда дастлабки қиймати бўйича акс этириладиган асосий воситалар (шу жумладан етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ҳамда ундан вазифасига кўра фойдаланиш учун активни ишлаш ҳолатига келтириш билан бевосита боғланган ҳар қандай бошқа хизматлар) ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича;

г) корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва моддий ресурслар бўйича, улар кейинчалик сотилганида, солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган айланмалар бўйича ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолиятда ишлатилишида.

Бунда корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи

суммаси ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) кейинчалик сотилганда ёки солиққа тортиладиган айланмалар бўйича ишлатилганда умумий белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Агар харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот ойида ҳисобга киритилган бўлса, кейинги даврларда эса ушбу моддий ресурслар тадбиркорлик фаолиятида ва солиқ тўловчининг солиқ солинадиган етказиб беришлари учун ҳам фойдаланилмаган бўлса, у ҳолда ушбу (кейинги) даврларда солиқ солинадиган айланма ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммалари тузатилиши амалга оширилади.

қоида ягона солиқ, ягона ер солиғи, ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Бунда айтилган солиқларни тўлашга ўтгунга қадар қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий сальдоси бор, юқорида айтилган юридик шахслар, қўшилган қиймат солиғи бўйича охириги ҳисоб-китоб 1-бандида бу суммага тузатиш қиладилар ва уни ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига, савдо, таъминот-сотиш ва тайерлаш корхоналари бўйича - харид қилинган қийматга ҳисобдан чиқарадилар.

Корхона қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва бундай солиқдан озод қилинган айланмаларга эга бўлганида, қўшилган қиймат солиғига тортиладиган етказиб беришларга (ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш кирган ҳолда) тўғри келадиган бундай солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Бундай тартибдан истисно тариқасида, коммунал хўжалик корхоналари аҳолига коммунал хизматларни кўрсатишда фойдаланилган моддий ресурслар учун етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ишлаб чиқариш харажатларига киритмайди, балки ҳисобга олиш учун қабул қилади.

Бунда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қўшилган қиймат солиғини фақат мусбат сальдо мавжуд бўлганида, яъни кўрсатилган хизматлар учун олинган қўшилган қиймат солиғи тушумлари умуман барча фаолиятлар бўйича фойдаланилган моддий ресурслар учун етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ортиқ бўлганида тўлайдилар.

Ҳисобот даврида умуман коммунал хизматлар (сув, иссиқлик, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлардан ташқари) кўрсатадиган корхоналар бўйича қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий сальдо вужудга келганида, у ушбу ҳисобот давридаги коммунал хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга доир харажатларга (давр харажатларига) киритилади.

Сув, иссиқлик, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар бўйича ноь ставкасининг қўлланиши натижасида вужудга келган манфий сальдо белгиланган тартибга мувофиқ қопланади.

Агар бундан олдинги ҳисобот даври учун ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келса, унда кўрсатилган ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги давр учун ҳисобга олинади.

Агар умуман корхона бўйича ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшилган қиймат солиғи бўйича ноь ставкасини қўллаган ҳолда ушбу ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлганида, унда

бундай ортиқча сумма (манфий сальдо) солиқ тўловчига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда қайтарилади. Бунда ушбу ортиқча сумма солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида ортиқча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида ҳисобга олинади.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки солиқ тўловчига ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида қайтарилади.

Ҳисобварақ-фактура ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси учун хизмат қиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган товарларни сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга корхоналар ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) ни оладиган шахсга ҳисобварақ - фактурани тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақ - фактураларни, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар ҳам ёзадилар.

Бунда корхоналар ҳисобварақ - фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатишмайди ва "қўшилган қиймат солиғисиз" деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзиб қўяди).

Ҳисобварақ-фактура Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги - сўмда ёзилади.

Тузилган шартномалар шартларига кўра товарлари, хизматлари нархи (тарифлар) хорижий валютага эквивалентликда белгиланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни хорижий валютага эквивалентликда ёзиб, Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги - ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмларда акс эттирадилар.

Ҳисобварақ-фактура товарларнинг юклаб жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши санасидан кечиктирилмасдан ёзилади.

Бунда ҳисобварақ-фактура товарларнинг юклаб жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши учун олдиндан ҳақ тўланишига ёзилмайди.

Ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи корхона (пудратчи, ижрочи) томонидан харидор корхона (бюро-мачи) номига камида икки нусхада ёзилади, уларнинг бир нусхаси товарларнинг юклаб жўнатилиши (ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши) санасидан кечиктирмасдан етказиб берувчи томонидан харидорга тақдим қилинади ва харидорга қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш (қоплаш) учун ҳуқуқ беради.

Ҳисобварақ-фактуранинг иккинчи нусхаси етказиб берувчида қолади.

Ҳисобварақ-фактуралар ҳисобварақларнинг келиб тушиши ва тақдим этилиши рўйхатдан ўтказиладиган дафтарда мажбурий тартибда ҳисобга олиниши лозим.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича божхона юк декларацияси (БЮД), шунингдек божхона декларацияси қиймати (БДҚ), божхона қийматининг тузатилиши (БКТ) (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва қўшилган қиймат солиғининг амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактура бўлиб божхона юк декларацияси ҳисобланади.

Бевосита аҳолига пуллик хизматлар (ишлар)ни кўрсатадиган корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши)ни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади. Бунда бу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи ажралиб туриши лозим.

Ўз маҳсулотларини (товарларини, ишларини, хизматларини) узлуксиз етказиб берадиган корхоналар бўйича ҳисобварақ-фактуралар истеъмолчиларга ҳисобварақни расмийлаштириш билан бир вақтда, лекин бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда ёзилади. Бунда ҳисобварақ-фактураларнинг ёзилиши маҳсулот сотилган ҳисобот даврида амалга оширилади.

Банклар учун, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган операциялар бажарилганда, ҳисобварақ-фактура бўлиб мижоз шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳисобланади.

Лизинг операциялари бўйича лизинг берувчилар учун ҳисобварақ-фактура бўлиб лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳисобланади. Бунда тегишли ҳужжатлар (лизингнинг таркибий қисми ҳисобланадиган лизинг тўловлари жадвали; ҳисобварақ; лизинг тўловларини тўлаш бўйича лизинг олувчига тақдим этиладиган билдирувнома ва ҳоказо) билан расмийлаштириладиган ҳар бир лизинг тўловига қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзилмайди.

Агар лизинг шартномаси лизинг берувчи томонидан қўшилган қиймат солиғи солинадиган қўшимча хизматлар кўрсатишни назарда тутса, бунда хизматларга белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактура ёзилади.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган суғурта хизматларини кўрсатишда, ҳисобварақ-фактура ўрнига бирламчи ҳужжат бўлиб қуйидаги ҳужжатлар:

суғурта корхоналари учун - суғурта полиси;

суғурта агентлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи (агентлик битими);

суғурта брокерлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи ҳисобланади.

Ишлар (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) бажариш ёки хизматлар (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) кўрсатиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳам ҳисобварақ-фактура ёзиши керак.

Агар ишлар бажарадиган корхоналарда буюртмачига имзо чекиш учун тақдим этиладиган, бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома - ҳисобварақ-фактурада ёки ҳужжатда ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс эттирилган барча мажбурий реквизитлар ушбу ҳужжатда ҚҚС тўловчилари учун ҚҚС суммаси кўрсатилган ёки ҚҚС тўловчиси бўлмаганлар учун "ҚҚСсиз" ёзуви (штампи) қўйилган ҳолда мавжуд бўлса, бунда ҳужжатлар ҳисобварақ-фактурага тенглаштирилади ва бундай корхоналар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги керак.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

Корхоналар томонидан (солиққа тортишнинг умумбелгиланган тизимини қўлловчи микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда, ўсиб боровчи яқун билан, шунингдек йил яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида;

Солиққа тортишнинг умумбелгиланган тизимини қўлловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой яқунлари бўйича ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил яқунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Корхоналар солиқни қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кунгача, тегишли давр (ой) учун сотишга доир амалдаги айланма асосида тўлайди.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортикча тўлагани ва солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмагани тақдирда бундай суммалар бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда корхонага қайтарилади.

Мавзу – 6 Акциз солиғи

Акциз солиғи билвосита солиқ кўринишида бюджетга киритиладиган (олинадиган), нархда ва қўшилган қиймат солиғи солиш базасида ҳисобга олинадиган соф даромаднинг бир қисмидир.

Акциз солиғи ставкалари ва акцизланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан етказилади.

Акцизланадиган товарлар ишлаб чиқарадиган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахслар акциз солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмасдан, юклаб жўнатилган товарнинг шартномавий нархлар бўйича қиймати (ўз ичига акциз солиғи суммасини олади).

Текинга бериладиган акцизланадиган маҳсулот бўйича қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади:

акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича солиқ тўловчида товарни бериш пайтида шаклланган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган, бироқ

акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган қиймат.

Буюртмачи томонидан бериладиган хом ашёдан маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблаш чоғида акциз солиғи солинадиган маҳсулотни сотишга доир айланма қуйидагича белгиланади:

акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича тайёр маҳсулотнинг физик ҳажмидан келиб чиқиб;

бошқа маҳсулотлар бўйича тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматидан ва буюртмачи томонидан бериладиган хом ашё қийматидан келиб чиқиб.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

Сувсиз этил спиртининг 1 литри учун акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича
маҳсулот бирлигига алкоғолли маҳсулот
(кам спиртли вино, шампан виносидан ташқари)

(Ф х А) / 100, бунда:

Ф - тайёр маҳсулот таркибидаги спирт (ўткирлиги), фоизларда (ундан спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар);

А - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Тайёр маҳсулот бирлигига акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича
(кам спиртли вино, шампан виноси, этил спирти, пиво, ўсимлик (пахта) ёғи ва тамаки маҳсулотлари)

С х А, бунда:

С - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми;

А - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича

(О х А) / 100, бунда:

О - ўз ичига акциз солиғини оладиган нарх, ҚҚСсиз;

А - акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига киритилмайди.

Алкоғолли маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси

белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компаниясини реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига (кейинги ўринларда - “Ўзвиносаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағи) ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Тегишли ҳисобот чораги учун корхона бўйича ҳамда умуман республика бўйича алкогольли маҳсулот бўйича акциз солиғининг белгиланган хомчўтлари бажарилмаганда ёки кўрсатилган солиқ тури бўйича боқиманда мавжуд бўлганда “Ўзвиносаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағи ўтказилиши лозим бўлган солиқнинг бир қисми ёки ҳамма суммаси хомчўтга етмайдиган сумма миқдоридан бюджетга ўтказилади ва солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида ҳисобланган солиқ суммаси сифатида акс эттирилади.

Акциз солиғини “Ўзвиносаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга тегишли бўлган акциз солиғи суммаси, башарти корхона алкогольли маҳсулотга доир акциз солиғи бўйича тўловларнинг белгиланган прогнозларини бажарган ва унда кўрсатилган солиқ тури бўйича боқимандалар мавжуд бўлмаса, компаниянинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан, улар бўлмаганида эса туман (шаҳар) ҳокимиятлари молия бўлимларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойнанинг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 5-кунига қадар акциз солиғи бўйича тўловлар прогнозларининг бажарилганлиги ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқиманданинг бор-йўқлиги тўғрисида далолатнома тузадилар. Далолатномаларнинг кўчирма нусхалари ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 15-кунига қадар Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилган ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалар бўлмаган тақдирда корхона ҳисобварағида тўпланган сумма, хизмат кўрсатадиган банк учун асос бўлиб ҳисобланадиган далолатномага асосан, ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 5-кунидан кечиктирмай корхона томонидан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг қуйидаги махсус ҳисобварағига ўтказилади: 20210000100192291004 СТИР 200626156 МФО 00439, Тошкент ш., “Савдогар банк” Амалиёт бошқармаси (ОПЕРУ).

Корхона томонидан акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилмаган ҳамда умуман олганда унинг кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалари бўлган тақдирда, етишмаётган сумма далолатномага асосан корхонанинг ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобидан бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса далолатномага асосан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Ўсимлик (пахта) ёғи бўйича - Белгиланган тартибга мувофиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно, бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси бўлиб умумбелгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган

солиқ суммаси билан махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Бунда акциз солиғи суммаси, корхона томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиғига доир боқимандалар мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус ҳисобвараққа йўналтирилади.

Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини тўлаш бўйича алоҳида ҳисобварақ очадилар, у корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан ҳамкорликда, улар бўлмаган тақдирда эса туман (шаҳар) ҳокимиятларининг молия бўлимлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай, акциз солиғи бўйича боқиманда ёки ортиқча тўлов суммасини аниқ кўрсатган ҳолда прогноз кўрсаткичларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва унга доир боқиманда бўлмаган тақдирда корхонанинг махсус ҳисобварағида тўпланган сумма далолатнома асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки акциз солиғи бўйича боқиманда бўлмаган тақдирда етишмаётган сумма далолатнома асосида корхона ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобига бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисобварақларида тўпланган пул маблағлари қатъиян мақсадга кўра ишлатилади, яъни махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 6-кунидан кечиктирмай, махсус ҳисобварақда тўпланган маблағлар конвертацияга йўналтирилади. Конвертацияланган маблағлар икки банк куни мобайнида ҳукумат кафолати билан жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирилиши керак. Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг келиб тушиши ва кўрсатилган маблағларни кредитларни сўндиришга йўналтириш тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг бошлиқлари, Давлат солиқ хизмати ҳудудий

органларининг раҳбарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари зиммасига юкланади.

Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи ҳисоб-китобига мисол, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғи ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно.

Унга доир акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан (маҳсулотдан) акцизланадиган товар ишлаб чиқарилган тақдирда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сотилган ҳажми бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммасини аниқлаш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактураларда юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини ажратиб кўрсатишлари керак.

Агар харид қилинаётган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқарилмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисобга олинмайди.

Кейинчалик ҳисобга олинадиган, харид қилинадиган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси алоҳида очиладиган “Харид қилинадиган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи” ҳисобварағида ҳисобга олинади ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебетига сотилган маҳсулот (солиқ солинадиган айланма) ҳажмига тўғри келадиган ҳиссада ҳисобдан чиқарилади.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган, ҳисобот даври мобайнида ҳақиқатда келиб тушган учун олинган ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган акциз солиғи суммаси харид қилинадиган вино материали бўйича тартибдан истисно тарзида ҳисобга киритиладиган солиқ суммаси бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

а) акцизланадиган товарларни экспортга етказиб бериш, бундан рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим товарлар мустасно;

б) саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

в) халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимининг эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган махсус мебель.

Имтиёзлар тақдим этиш учун махсус мебель деганда:

давлат ва нодавлат таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун;

бўйсунушдаги таъминот-сотиш ташкилотларига таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун сотиладиган мебель тушунилади.

имтиёз таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун махсус мебелни харид қилишга тузилган контрактлар (шартномалар) мавжуд бўлганида тақдим этилади.

мебель бошқа истеъмолчиларга сотилганда унга умумбелгиланган тартибда

солиқ солинади.

Тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни “Ҳисоблаб ёзиш” ва “Тўлаш” устунларида акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой яқунлари бўйича, ўн кунликларга тақсимлаган ҳолда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил яқунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Дам олиш (ишланмайдиган) ёки байрам кунига тўғри келадиган акциз солиғини тўлаш муддатлари, тегишинча, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатлари ҳам дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олиниши керак.

Ортиқча киритилган акциз солиғи суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб Давлат солиқ хизмати органи томонидан 30 кун ичида тўловчига қайтарилади (агар бюджетга тўловлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса).

Акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади.

Акциз солиғининг бюджетга киритиладиган ҳисоблаб чиқарилган суммаси харидорлар ва буюртмачилардан олинадиганларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади. Бюджетга акциз солиғи суммасини тўлаш бюджетга тўловларга доир қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Акциз маркаларини харид қилиш чоғида бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Маҳсулотни маркалаш учун акциз маркаларидан фойдаланишга қараб бухгалтерия ёзуви амалга оширилади: давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Мавзу – 7 Юридик шахсларнинг молк-мулк солиғи

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир.

Ушбу солиқ, улар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига, агар уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар вужудга келмаса, тадбиқ этилмайди.

Солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган айрим тоифадаги тўловчиларга тадбиқ этилмайди.

Бунда, агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлашлари зарур.

Юридик шахслар учун солиқ солиш объекти бўлиб:

а) асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб сотиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно);

б) номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

в) белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати;

г) меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади.

Агар у қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

а) ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошса;

б) ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаши бўйича белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

в) ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижаранинг тугашида уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;

г) тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

Юридик шахслар мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидаги формула бўйича

аниқланади:

$$\text{Мол - мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ яянварга}}{2} + 1 \text{ фев.га} + \dots + 1 \text{ ддек.г} + \frac{1 \text{ яянварга}^*}{2}}{12}$$

* қолдиқ қиймат қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан, яъни ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича аниқланади.

Ҳисобот даврига солиқни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати ҳисобот даври ойининг биринчи кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярмини, ҳисобот давридан кейинги биринчи ойнинг биринчи кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярмини ва ҳисобот даври қолган барча ойлари биринчи кундаги мол-мулк қолдиқ қийматини қўшишдан олинган суммани 12 га бўлишдан олинган сумма сифатида аниқланади.

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш ойи тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ қиймат амалга киритиш ойдан кейинги ойнинг биринчи кундан бошлаб ҳисобланади.

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун, баланс активида акс эттириладиган эскиришни чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади:

асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

узоқ муддатга ижарага олиннадиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

тугалланмаган қурилишни (белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

ўрнатишга мўлжалланган ускуна (меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига 3,5 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўланади.

Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун қуйидаги миқдорларда сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валютага экспортдаги улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари белгиланади:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда белгиланган ставка 30 фоизга

камайтирилади;

экспорт улуши 30 фоиздан ортиқ бўлганда белгиланган ставка 50 фоизга камайтирилади.

Бунда ишлар (хизматлар) экспорти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси томонидан чет эл давлатининг юридик шахсига, уларни бажариш (кўрсатиш) жойидан қатъий назар, ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) ҳисобланади.

Кўрсатилган имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари - пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

Қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари;

солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидагилар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари);

б) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

в) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига.

Солиққа тортиш мақсадида уй-жой-коммунал ва бошқа шаҳар умумфуқаро аҳамиятидаги хўжаликларга мулкчилик шаклидан қатъи назар бевосита уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва фойдаланишни амалга оширувчи уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар; санитар тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳар ва қўرғонларни ташқи ёритиш ташкилотлари; водопровод сув тармоғидан фойдаланиш, тақсимлаш тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан бирга) ва сув тақсимлаш; канализация тармоқларини ишлатиш (тозалаш иншоотлари билан бирга), газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ва газ тақсимлаш; қозонхоналар, иситувчи, иссиқликни тақсимловчи тармоқлардан фойдаланиш ҳамда коммунал-маиший эҳтиёжлар ва аҳоли учун иссиқлик тақсимловчи ташкилотлар; хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари; ўт ўчириш командалари; уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари;

уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаро аҳамиятидаги шаҳар хўжалиги корхоналари киритилади.

г) қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

д) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига, ташкил этилган вақтидан эътиборан дастлабки фойда олгунига қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

Ана шу юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтунига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

е) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;

ж) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

з) хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

имтиёз қуйидагиларга татбиқ этилади:

- солиқ тўлашга доир мажбуриятлар юзага келган пайтдан бошлаб ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин беш йилдан оширмаган ҳолда, асбоб-ускуна бўйича мол-мулкка;

- бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун қийматига.

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун қийматига;

и) экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари бўлган ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари ор-қали сотадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига, бунда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортининг улуши умумий сотиш ҳажмида 50 фоиз ва ундан кўп миқдорни ташкил этиши керак.

имтиёз савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари - пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси,

қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди;

к) бўшатиб олинадиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустақкамлашга, асбоб-ускуналар, анжомлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётларига сарфланиши шарти билан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга нодавлат мактабгача таълим муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

а) солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

б) табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;

Объектларни табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун фойдаланилаётганлар тоифасига киритиш табиатни муҳофаза қилиш органларининг муайян объектлардан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотномасига мувофиқ амалга оширилади;

Санитария-тозалаш мақсадида фойдаланиладиган объектлар қаторига тозалагич иншоотлари киради;

Ёнғиндан сақлаш объектларига ўт ўчириш деполари, ўт ўчириш учун махсус қурилган сув ҳавзалари, ўт ўчириш жиҳозлари ўрнатилган тахталар киради.

в) қишлоқ хўжалиғи ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектларнинг;

г) маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг.

Маҳсулот ўтказгичларга қуйидагилар киради:

нефть, нефть маҳсулотлари, конденсат қувурлари ва қувур транспортининг бошқа турлари, насос, компрессор ҳамда тақсимлаш станциялари билан бирга;

уй-жой-коммунал объектлари бўлмаган минтақавий газ, буғ қувурлари, иссиқлик трассалари, сув қувурлари, канализация коллекторлари;

бухгалтерия ҳисоботида алоҳида объектлар сифатида ҳисобга олинадиган алоҳида жойлашган цехлар, конлар ва карьерларнинг айрим участкалари орасидаги маҳсулотларни ҳаракатлантириш учун ишлатиладиган ер ости, ер усти ва ҳавода жойлаштирилган ҳар хил кўринишдаги қувурлар ва транспортёрлар.

Алоқа линияларига ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли радиофикация алоқа линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги уларга хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

Энергия узатиш линияларига ҳаво ва кабелли электр узатиш линиялари киради.

Солиқ солиш мақсадида уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларга устунлар, табиий ва сунъий тўсиклардан ўтишлар ва бошқа муҳофаза иншоотлари киради.

д) алоқа йўлдошларининг;

е) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

ж) шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

к) лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига;

л) юридик шахс томонидан белгиланган тартибда касаначилик меҳнати билан шуғулланаётган фуқароларга ҳақ олмасдан фойдаланишга берилган ускуналар, асбоб ва инвентарнинг, мазкур юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун – фойдаланиш даврида;

м) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик);

н) тезкор-қидириш тадбирлари тизимлари техник воситаларининг.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда белгилайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўланади. Бюджетга жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ва жорий йилнинг 10 (ўнинчи) январигача давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этадилар.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб борувчи яқун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил яқунлари бўйича йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ органларига тақдим этадилар. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кунлик муддатда тўланади.

Мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар мол-мулк

солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) га доир маълумотномани тақдим этадилар.

Ягона солиқ тўловчиси бўлган корхона бинонинг бир қисмини ижарага берган ҳолатда, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш учун шу бино қисмининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати бино умумий майдонининг 1 кв.м ўртача йиллик қолдиқ қийматини бинонинг солиққа тортиладиган майдонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ортиқча тўланган солиқ суммалари, агар солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичида қайтарилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар-буюртмачилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати (сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва капитал қурилиш титуллари рўйхатида кўзда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, ускуналар, асбоблар, асбоб-ускуналарни ва бошқа предметларни сотиб олиш харажатлари (қурилиш пудрат ёки хўжалик усули билан қурилишидан қатъи назар), яъни тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари қисмида) ҳажми ҳисобланади.

Қурилишнинг белгиланган муддати деб қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТҚЛ) таркибида 1.04.03-85-сон ҚМҚ “Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари”га мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти томонидан аниқланадиган объект қурилишининг меъёрий муддати ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатишлари шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олишга мажбур.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозланадиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатишга белгиланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари бўлган (устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун ускуналарни қўшиб) юридик шахслар ҳисобланади.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш объекти бўлиб

ўрнатишга белгиланган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиладиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёки устунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатиладиган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварағида ҳисобланадиган шундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмлар тўплами (меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам киради.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш ҳисобга олинади:

- йирик технология ва энергетика ускуналари - уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;

- технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавод ускуналари - ускуналарни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- комплект импорт ускуналари - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларига кўра ускуна қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;

- қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трослар - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаганида солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун - сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;

- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича - сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;

- монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентарлари ва ускуналари бўйича - сотиб олинган кундан бошлаб.

Ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишнинг юқорида кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун корхона ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулк солиғини икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Мавзу – 8 Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи

Ягона солиқ тўлови барча умумбелгиланган солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига тўланади, қуйидагилар бундан мустасно:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда);

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

божхона тўловлари;

давлат божлари;

айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

ягона ижтимоий тўлов;

олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар.

Ягона солиқ тўловини тўлашда солиқ тўловчиларда солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ўтказиш мажбуриятлари ҳам сақланиб қолади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ушлаб қолинмаганда, даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолин-маган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарималар ва пеняни бюджетга тўлаши шарт.

Кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ягона солиқ тўлови тўловчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини ҳам тўлайдилар.

Йил мобайнида солиқ солиш тартиби ўзгарганда, ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда, солиқ тўловчиларда ўша даврда амал қилган солиқ солиш тартибидан келиб чиққан ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир мажбуриятлари сақланиб қолади.

Ягона солиқ тўлови тўловчилари қуйидагилар ҳисобланади:

а) микрофирмалар ва кичик корхоналар

б) ишчилар сонидан қатъий назар:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

а) алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришни амалга оширувчиларга (Пиво

ишлаб чиқариш алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланмайди);

б) ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлашни назарда тутадиган фаолият доирасида;

в) маҳсулот тақсимотига оид битимлар қатнашчиларига;

г) берилган лицензияга мувофиқ гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчиларга.

Микрофирмалар ва кичик корхоналарга ишчилар сони бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради.

Бунда:

а) ходимлар сони ҳисобот даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

б) ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади;

в) юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналарга тегишлилигини аниқлашда юридик шахснинг асосий (соҳа) фаолият турига тўғри келадиган ишчилар сонининг мезони қабул қилинади.

Савдо (умумий овқатланиш) корхоналарига, солиқ солиш мақсадларида, ўтган ҳисобот йили якуни бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланадиган юридик шахслар киради.

Савдо фаолияти деганда қайта сотиш мақсадида харид қилинган товарларни сотиш бўйича фаолият тушунилади.

Қуйидагилар савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

-ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланадиган товарларни реализация қилиш, жумладан уларни мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

-комиссионер (ишончли вакил) томонидан воситачилик (Топшириқ) шартномалари бўйича товарларни реализация қилиш, жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

-тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

Реализация (товар айланмаси)нинг умумий йиллик ҳажмида тушум улуши аксарият қисмини ташкил этган фаолият тури, асосий (соҳа) фаолият тури ҳисобланади.

Агар жорий йил якуни бўйича реализация (товар айланма-си)нинг умумий йиллик ҳажмида тушум улуши фаолият турлари бўйича бир хил миқдорни ташкил этса, асосий (соҳа) фаолият тури ўтган ҳисобот йил якуни бўйича аниқланади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар санаб ўтилганларидан ташқари солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақли.

Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар келгуси чорак бошлангунга қадар камида бир ой олдин, янги ташкил этилганлар эса, улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 15

кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қиладилар.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, ҳисобот чораги туганидан сўнг 10 кун мобайнида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган хабарнома асосида кейинги ҳисобот чорагидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтадилар.

Ҳисобот йили тугаши билан ишчилар сони мезонига мос келмайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тақдим қилинадиган хабарнома асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтадилар.

Ягона солиқ тўлови тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, солиқ тўловчилар ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун солиқ тўловчилар йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

а) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шаклда умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни;

б) ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Бутун корхона бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошганда, ошган сумма бюджетга тўланиши лозим ҳамда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби шаклининг 160-сатрида акс эттирилади.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси бутун корхона бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасидан ошганда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китобларни ўтказиш товар (иш, хизмат)ларни харид қилувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз ўтказилади.

Бунда агар ушбу банд «а» ва «б» қаторларда кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий жарималар қўлланилмайди;

йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кейин тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий жарималар қўлланилади.

Ягона солиқ тўлови тўлашдан умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналар:

а) камида 12 ойдан кейин ягона солиқ тўлови тўлаш тартибига яна ўтишга ҳақлилар;

б) умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган биринчи ҳисобот чораги учун фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни тўламайдилар.

Ўтган йил якуни бўйича асосий фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланган юридик шахслар ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт.

Савдо (умумий овқатланиш) корхоналари сифатида рўйхатдан ўтган янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтган юридик шахслар эса, келгуси йил тугагунига қадар ягона солиқ тўловини тўлашади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб бир йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш, имтиёз даври тугаганидан сўнг муддати кечиктирилган ягона солиқ суммасининг 1/12 қисмини ҳар ойда тўлаш ҳуқуқига эга.

Агар ягона солиқ тўлови тўловчилари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотларни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашлари мумкин.

Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот чораги бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилганлар эса, ўз фаолиятини амалга оширишга қадар рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қиладилар.

Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан воз кечиш навбатдаги (келгуси) йил бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ёзма хабарнома асосида навбатдаги (келгуси) йилнинг бошидангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бошқа фаолият турлари бўйича умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдиган лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар бошқа фаолият турларида фойдаланиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун ижара ҳақини бюджетга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлайдилар.

Агар ягона солиқ тўлови тўловчиси балансида қайд этилган асосий воситаларни ижарага топширсалар, улар ижарага берилган ушбу активлар қийматидан умумбелгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлайдилар ҳамда уларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Мазкур тартиб мол-мулкни ижарага топшириш асосий (соҳа) фаолият тури

ҳисобланган ягона солиқ тўлови тўловчиларига татбиқ этилмайди.

Ягона солиқ тўловининг солиқ солиш объекти ялпи тушум ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум.

Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарган ишлар қиймати;

лизинг компаниялари учун - лизинг берувчининг даромади (маржа);

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун - товар айланмаси;

воситачилик (Топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун - кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

брокерлик ташкилотлари учун - кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун - реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ялпи даромад;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар учун - ўйин билетлари (карточка, купон, квитанция, жетон ёки бошқа хилдаги ахборот манбаи)да кўрсатилган нархда тарқатишдан тушум;

2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.

Асосий фаолиятдан бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

а) ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари;

б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

в) ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хизматлардан тушумлар сифатидаги бошқа даромадлар;

г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни чиқиб кетишидан даромадлар;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш. Товар - моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси, маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинишига қараб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади;

ж) бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк;

з) бошқа шахслардан текинга олинган молиявий ёрдам;

и) қисқа муддатли ижарадан даромадлар;

к) бошқа операцион даромадлар, қуйидаги олинган даромадлардан ташқари:

етказиб берувчилардан чегирмалар кўринишидаги;

илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш кўринишидаги;

асосий воситаларни тугатишда илгариги нархини арзонлаштириш суммасидан

ошадиган кўшимча баҳолаш суммаси ҳисобига;

3) молиявий фаолиятдан даромадлар.

Молиявий фаолиятдан даромадлар таркибига қуйидагилар киритилади:

а) олинган роялтилар ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар. Бунда, баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашда курсдаги фарқдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

д) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4) фавкулдда даромадлар.

Қуйидагиларни чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солиш базаси ҳисобланади:

а) қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун қўшилган қиймат солиғини, шунингдек акциз солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун акциз солиғини;

б) давлат субсидияларини;

в) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадларни;

г) тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадларни;

д) дивидендлар кўринишида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадларни;

е) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар кўшимча акцияларининг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадларини;

ж) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда. Мазкур даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шу даврдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

з) олинган грантлар.

и) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

к) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чегирмалар.

Назарда тутилган чегирмалардан ташқари солиқ солиш базаси қуйидагиларга

камайтиради:

а) автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

б) лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар учун - белгиланган ютуқлар (совринлар) фондининг энг кам миқдорига;

в) брокерлик ташкилотлари учун - битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

г) воситачилик (Топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун - реализация қилинган товар ҳиссасида товарларни четдан олиб киришда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Ягона солиқ тўлови ставкалари солиқ тўловчилар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг (ишларни бажарилган, хизматларни кўрсатилган жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорт улуши қуйидагиларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:

агар реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса - белгиланган ставка 30 фоизга камаяди;

агар реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлса белгиланган ставка 50 фоизга камаяди.

Реализациянинг умумий ҳажми деганда барча фаолият турларидан олинган тушум суммаси тушунилади. Бунда экспортнинг улуши ортиб боровчи яқун билан аниқланади.

Экспорт улушини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагилар экспорт ҳажмига киритилмайди:

а) ўзи ишлаб чиқарган хом ашё товарларини - пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар, рангли ва қора металллар парчалари ва чиқиндиларини реализация қилишдан;

б) савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолиятдан;

в) брокерлик хизматларидан;

г) воситачилик (Топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматлари, жумладан давлат даромадларига ўтказиш лозим бўлган мол-мулкни реализация қилишдан;

д) тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолиятидан;

е) лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолиятидан.

Бунда агар экспортчи корхона бир неча фаолият турлари билан шуғулланса, ягона солиқ тўлови ставкаси «а» - «е» бандларда кўрсатилган фаолият турлари бўйича тўғриланмайди.

Хизмат соҳасидаги корхоналар, жумладан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар

ҳажми бўйича ягона солиқ тўловининг ўрнатилган ставкаси 10 фоизга пасайтирилади.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, асосий (соҳа) фаолияти қуйидагилар ҳисобланган корхоналар бундан мустасно:

савдо фаолияти ва (ёки) умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият;

тайёрлов ва (ёки) таъминот-сотиш фаолияти;

брокерлик хизматларини кўрсатиш;

воситачилик (Топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш, жумладан давлат даромадларига ўтказиш лозим бўлган мол-мулкни реализация қилиш;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш фаолияти;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий лотереяларни ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги тузилмалар - бўшаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорларига кўра минтақани ижтимоий ривожлантириш чоратадбирлари ва дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этишдан олинмадиган ялпи тушум бўйича.

Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини мустақил равишда солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарадилар.

Бунда ихтиёрий равишда тўланадиган кўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган кўшилган қиймат солиғи оуммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Агар солиқ тўловчилар кўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йилининг бошидан бошлаб ўтмаган бўлсалар, кўшилган қиймат солиғи ҳисобланган чоракларга тўғри келадиган ягона солиқ тўлови суммасининг қисмигагина камайтирилади.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

а) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатларда;

б) микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлмаган корхоналар томонидан - ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил

яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатларда.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби белгиланган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ортиб борувчи яқун билан ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Ягона солиқ тўловининг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ягона ер солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб қишлоқ хўжалиги майдонлари ва жамоат қурилмалари ва ҳовлилари билан банд бўлган ерларнинг норматив қиймати ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат кўмитаси томонидан аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисига ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш учун етказилади.

Жамоат иморатларининг меъёрий қиймати асосий ерларнинг қийматига 2 коэффицентини қўллаган ҳолда аниқланади.

Хўжалиқларнинг ихтисосланганлигига қараб асосий ерлар деганда:

пахтачилик, сабзавотчилик, шолічилик ва тамакичилик хўжалиқлари учун - суғориладиган ҳайдаладиган ерлар;

боғ ва узумчилик хўжалиқлари учун - кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар;

коракўлчилик хўжалиқлари учун - яйловлар;

суғориладиган ерлардаги ғаллачилик хўжалиқлари учун - суғориладиган ҳайдаладиган ерлар;

лалми ерлардаги ғаллачилик хўжалиқлари учун - лалми ҳайдаладиган ерлар тушунилади.

Балиқчилик хўжалиқларида балиқ етиштириладиган сунъий сув ҳавзалари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати туман бўйича суғориладиган ерларнинг ўртача меъёрий қиймати бўйича қабул қилинади.

Ягона ер солиғининг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан фоизларда белгиланади.

Бюджетга тўланадиган ягона ер солиғининг суммаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммасидан солиқ тўланмайдиган ерларга (амалдаги қонун

хужжатларига мувофиқ солиқ тўланмайдиган ерлар) ҳисобланган солиқ суммасининг фарқи сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H = H1 - H2 ,$$

бунда:

H - бюджетга тўланадиган ягона ер солиғининг суммаси;

H1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммаси;

H2 - солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси, уларнинг меъёрий қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H1 = (N1 \times C/100);$$

бунда:

H1- қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси;

N1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати;

C - солиқ ставкаси, фоизларда.

Солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H2 = (N2 \times C)/100 ,$$

бунда:

H2 - солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси;

N2 - солиқ тўланмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати;

C - солиқ ставкаси, фоизларда.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи суммасини мустақил ҳисоблаб чиқарадилар ва солиқ бўйича ҳисоб-китобни ер участкалари жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ инспекциясига ҳисобот йилининг 1 майидан кечиктирмай тақдим этадилар.

Йил давомида ерларнинг таркиби ва майдони ўзгарган тақдирда ягона ер солиғининг янги ҳисоб-китоби солиқ тўловчи томонидан ҳисобот йилининг 1 декабридан кечиктирмай топширилади ва солиқнинг қолган қисми ушбу ҳисоб-китобга кўра тўланади.

Мавзу - 9 Юридик шахсларнинг ер солиғи

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ер солиғи тўловчилардир.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар (савдо корхоналари бундан мустасно) ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар, бунда ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларига кўра ижарага олган юридик шахслар ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

Ер ижарачиларининг ҳисоби, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ягона солиқ тўлови тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

б) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

в) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

г) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Юридик шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан

ортиқча ер участкалари учун ер солиғи 2,0 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффицентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимият органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади. Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффицентларини қўллаган ҳолда тўланади.

Алоҳида турадиган объектлар қурилиши учун ер участкалари майдонлари ер участкасига доир ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ошиб кетган тақдирда ҳам ошириш коэффицентлари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффицентлар қўлланади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1.30;

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1.20;

туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15;

бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффицент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

Дехқон хўжалиқларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффицентлар қўлланилади:

тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;

тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;

тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Шаҳар ва кўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади.

Ўрмон хўжалиқларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

а) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Уларга бориш йўллари, ариқлар, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар киради;

б) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

в) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

г) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

д) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Янги электр узатиш ҳаво ва кабель линияларини қуриш учун ерлар вақтинча фойдаланиш учун қурилиш даврига ажратилади, электр узатиш линияларидан доимий ишлатиш учун фойдаланишга эса фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линияларининг таянчлари, электр узатиш кабель линияларининг ер устидаги иншоотлари, кучланишни пасайтирувчи подстанциялар, тақсимлаш ва секциялаштириш пунктлари эгаллаган ер участкасигина ажратилади.

Умумдавлат алоқа линиялари ва улардаги иншоотларга ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли алоқа ва радиофикация линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон каналлизацияси, ер усти ва ер остидаги хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

е) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда уларнинг индекслари ва тартиб рақамларини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатларга киритилган автомобиль йўллари тааллуқлидир.

Автомобиль йўлларининг иншоотларига кўприklar, йўл четидаги ариқлар, ён томондаги захира ерлар, кўтарма ортидаги ариқлар ва кўтармалар, тоғдаги сув ажратиш каналлари, ариқ ортидаги бермалар ва қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш бермалари, автобус бекатлари, тушишлар, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлкалари, ўпирилиш, сел, кўчкига қарши ва автомобиль йўллари учун ажратилган ерларда жойлаштирилган бошқа ҳимоя иншоотлари киради;

ж) темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган

ерлар. Солиқ тўлашдан озод этиладиган ер участкаларига темир йўл станциялари ҳудудида бош, станция ва саралаш темир йўл линиялари эгаллаган ерлар ҳам киради.

Саноат ва бошқа корхоналарга ўтказилган темир йўллар эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Темир йўлларнинг иншоотлари таркибига захиралар, тупроктепалар, йўлдаги сув ажратиш, мустаҳкамлаш ва тутиб туриш иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоялаш ва қумни мустаҳкамлаш марзалари, тортиш подстанциялари, тоннеллар ва шу сингари сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;

з) умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (шу жумладан, метрополитен бекатлари эгаллаган ерлар) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. имтиёз трамвай йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен бекатлари ва шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар (депо ҳудудида жойлашган электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари эгаллаган ерлардан ташқари), қурилиш ва таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;

и) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

к) магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар. Сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар таркибига аҳоли пунктларида сув қувури ва канализация тармоғидаги насос станциялари, кузатиш қудуқлари ва дюкерлар, сув миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;

л) магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иншоотлар таркибига ёнғин ва авариялардан сақлаш иншоотлари, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари, уланиш тугунлари билан бирга насос ва компрессор станциялари, қувурларни тозалаш қурилмалари ва ҳоказолар киради;

м) магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иссиқлик трассаларининг иншоотларига насос станциялари (кучайтирувчи, пасайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж), иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлар, иссиқ сув таъминотининг циркуляция насослари киради;

н) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

о) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг меъёрий муддати даврига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар. Инвестиция

дастурига киритилган объектлар қурилишининг меъёрий муддати тугагач, шунингдек тўхтатиб қўйилган объектларни қуриш давом этилган ёки улар фаолият кўрсата бошлаган ҳолларда ер солиғи қурилишининг меъёрий муддати тугашидан ёки объект қурилиши ёхуд ундан фойдаланиш бошланганидан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошлайди.

кичик бандга кўра Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишига ажратилган ер участкаларига солиқ солинмайди. Агар Инвестиция дастурига кўра корхона, унинг алоҳида цехларини таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолларда имтиёз қўлланмайди;

п) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

р) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. кичик бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекциясини амалга ошириш ҳамда мавзу доираси тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод этилади;

с) янги ўзлаштириладиган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб бориладиган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга.

Ушбу кичик бандга мувофиқ ер солиғини тўлашдан янги ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерлар, шунингдек капитал текислаш, суғориш тармоғини таъмирлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ёхуд суғориладиган ерларни комплекс таъмирлаш бўйича мелиоратив ишлар амалга ошириладиган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари озод қилинади. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки ер участкаси бошқа муддатларда ишга туширилган бўлса, бундай ҳолда мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йиллар учун, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда, ер участкасига солиқ тўланмайди;

т) захирадаги ерлар (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижарага берилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга мулк учун сотилмаган ерлар. Уларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш, ижара ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам қиради);

у) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва ҳоказолар).

Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқариш, ижтимоий-маданий ёки нотижорат тусидаги бошқа функцияларни бажариш учун ташкил этилган ҳолда у томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тан олинади;

ф) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

х) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги)

юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

ч) қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;

ш) қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтқазилган боғ ва узумзорлари - улар мева қилиш даврига киришигача, қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қатор ораларидан фойдаланилишидан қатъи назар.

Янги тут кўчатлари ўтқазилган ер участкалари - қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, 3 йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтқазилган тут кўчатлари солиқ тўлашдан уч йилга озод қилинади, бунга кўчат ўтқазилган йил ҳам қиради. Кузда ўтқазилган кўчатлар ўтқазилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод қилинади;

э) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар. Фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар майдони ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб қабул қилинади.

Агар солиқ солинмайдиган ер участкаси мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришлаш учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Ер ости муҳандислик коммуникациялари (иншоотлари) ер юзасини эгалламайди (ер юзасида жойлашган айрим иншоотлардан ташқари) ва улар устидаги ер участкаларидан ушбу коммуникацияларни кўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш шарт ва улар учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Қурилиш даврида улар эгаллаган ер участкалари солиқ солинадиган майдонлардан чиқарилади. Қурилиш тугалланганидан кейин ер участкаси қурилишни амалга оширган корхоналар ва ташкилотлар томонидан яроқли ҳолатга келтирилиши ва аввалги ердан фойдаланувчиларга қайтарилиши керак. Шу вақтдан бошлаб ҳудудида барпо этилган ер ости коммуникациялари ўтадиган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғини белгиланган тартибда тўлай бошлайдилар.

Магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, электр узатиш линиялари ва умумдавлат алоқа линиялари, магистрал қувурлар ва сув олиш иншоотларини кўриқлаш зонасида жойлашган ер участкаларидан юридик ва жисмоний шахслар тегишли муҳандислик коммуникацияларини кўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланадилар ва ушбу ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

а) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари.

Агар ер участкаларидан нотижорат ташкилотлар бевосита тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдалансалар (ижарага берилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилса ва ҳоказо), бундай ер участкалари учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидаги юридик шахслар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплашга бюджетдан тасдиқланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки таъсис ҳужжатларида қайд этилганидек, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни назарда тутмайдиган бошқа мақсадлар учун барпо этилган юридик шахслар;

2) молиявий ва бошқа маблағларни ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиган юридик шахслар (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат учун ҳақлардан ташқари);

б) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган ер участкалари учун.

Уларга қуйидагилар киради:

1) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, фильмотека ва фонотекалар, музейлар, кўرғазмалар, клуб муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари, халқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари, китоб палаталари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирklar, тасвирий санъат студиялари ва бадий безатиш ташкилотлари, киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари, аҳолининг буюртмасига кўра иш ва хизматларсиз кинофильмлар тайёрлаш, овоз ёзиш, ҳаваскорлик кинофильмларини тайёрлаш, овоз ёзиш хизматлари, кинофильмлар ижараси, маданият ва санъат хўжалигини бошқариш);

2) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умумий таълим болалар мактаблари, ишчи ёшлар учун умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия, ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

3) соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона муассасалари, моховхоналар, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ҳамда қон қуйиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари);

4) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (врачлик-меҳнат экспертиза комиссиялари, қариялар ва ногиронлар учун интернат уйлар).

Ер участкалари (хоналар)дан уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун (ижарага бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ҳоказо) фойдаланадиган маданият, маориф, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ер солиғининг тегишли ҳиссасини тўлайдилар;

в) деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

г) чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар - рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига устав фаолиятида ўзининг ишлаб чиқариши ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сервис хизматининг ҳиссасига хўжалик фаолиятидан келган тушум умумий ҳажмининг 60 фоизидан кўпроғи тўғри келадиган хорижий, шуъба ва қўшма корхоналар киритилади;

д) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ходимларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида бўлмаган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади;

е) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар - ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим;

ж) мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олишга сарфланса;

з) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

банднинг "в" ва "г" кичик бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар, яъни корхона рўйхатдан ўтказилганидан кейин уч йиллик давр тугашига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этилади:

Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шарти

билан имтиёзлар олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга, 5%ини эса Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Ҳисоб-китобларда Жамғармага тўланадиган сумма алоҳида сатрда акс этирилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ер участкаси ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш далолатномалари бўйича қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик ер мулклари майдонлари ва уларнинг сифат ҳолати ер кадастри ҳужжатларига кўра қабул қилинади ва ерлардан ҳақиқатда фойдаланишга мувофиқ келиши керак.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (бекор бўлган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ер солиғи тўланадиган ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Фойдаланилиши фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ ерлар, шу жумладан очик усулда қазиб олинadиган, бўш ва балансдан ташқари жинслар уюмлари банд этган ёки улар учун мўлжалланган ерлар учун солиқни ҳисоблаб чиқариш уларнинг жойлашган ерини ҳисобга олган ҳолда кон ва карьерлар учун ставкалар бўйича амалга оширилади.

Фойдаланилиши фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ёки улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш билан боғлиқ ер участкалари учун, шу жумладан охириги омборлар ва тиндиргичлар, шунингдек маъмурий, ёрдамчи бинолар ва иншоотлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Алоҳида бинолар ёки хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганида ер солиғини балансида ушбу бино бўлган юридик шахс тўлайди.

Агар алоҳида бино бир неча юридик шахснинг балансида бўлса, ер солиғини ҳар бир юридик шахс алоҳида, эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мутаносиб равишда тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини турар жой эгаллаган умумий майдондан ва юридик шахс томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналарининг ҳиссасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқни ҳар

чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушлар билан тўлайдилар.

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини йилда бир маротаба, ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайди.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. (Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатади (камайтирилади). (Масалан, корхонадан ер участкасининг бир қисми ваколатли ҳокимият органининг 25 августдаги қарорига кўра олиб қўйилса, у ер солиғини тўлашни 1 августдан бошлаб тўхтатади).

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланса, улар ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайдилар.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, агар бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига ўттиз кун ичида унинг ёзма аризаси бўйича қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Ер солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар, ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

Агар Тошкент шаҳрининг маъмурий чегараси корхона ерларининг ўртасидан ўтса ва унинг ерлари бир қисми Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманининг ҳудудида, бошқа қисми эса Тошкент вилояти Зангиота туманининг ҳудудида бўлиб қолса, корхона шаҳар ҳудудида жойлашган ер қисми учун ер солиғини шаҳар учун ставкалар бўйича ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоб-китобни Акмал Икромов тумани Давлат солиқ инспекциясига топширади ҳамда солиқни шаҳар бюджетига тўлайди. Зангиота тумани ҳудудида жойлашган ер қисми учун ҳисоб-китоб Тошкент вилоятининг қишлоқ жойлари учун ставкалар бўйича амалга оширилади, ҳисоб-китоб туман Давлат солиқ инспекциясига топширилади ва ушбу туман бюджетига солиқ тўланади.

Мавзу - 10 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва казиб

олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген ҳосилалардан фойдаланиш, шунингдек чакноқ тошлар хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини йиғиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалиқ мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми (шу жумладан йўл-йўлакай олинган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган тақдирда солиқ ушбу хом ашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойида қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот ойи ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Газ қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган сотиш баҳоси бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолда, бирламчи тайёргарликдан ўтган қатламдан қазиб олинган табиий газ (тозаланмаган газ) ҳажми ҳисобланади.

б) техноген ҳосилалар ҳажми (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш

чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича, бунда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилади.

Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради.

в) тўпланган чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йиғиш деганда чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очиқ жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазилган саноати уюмлари, дарё қайирларида кончилик ва бошқа махсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан, кенг тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер учасикалари доирасида ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар озод этиладилар. Шунга мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга жорий этилишидан аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар: юридик ва жисмоний шахслар (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) белгиланган шакл бўйича солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда; микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ойма-ой тақсимланган ҳолда, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи якун билан тақдим этилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни юридик шахслар қуйидаги тартибда тўлайдилар:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун - ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунига қадар;

Ойлик тўловлари бўйича ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан

солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни "Ҳисоблаб ёзиш" ва "Тўлаш" устунларида акс эттирилади.

б) рангли тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаганлик учун ҳар чоракда, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатларида.

Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган шакл бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиғи ҳисобланади ва республика бюджетига киритилади.

Юридик шахсларнинг ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган ҳолда, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилгани ва тўлангани устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг кенг тарқалган фойдали қазилмалари РЎЙҲАТИ

Қум (қолиплаш, шиша, чинни-фаянс, оловга чидамли ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан таш-қари).

Шағал.

Майда шағал-тош.

Лой (оловга чидамли, қийин эрийдиган, қолиплаш, чинни-фаянс ва цемент саноати учун ишлатиладиган, оқартирувчи, бўёвчи, бентонит, кислотага чидамли ва каолиндан ташқари).

Қумоқ тупроқ (цемент саноати учун қумоқ тупроқдан ташқари).

Харсанг тошлар.

Қумтош (битуминоз, пардозлаш, динас қумтошлари ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Кварцит (динас, флюс, пардозлаш, кремний карбиди ишлаб чиқариш учун темирли, кристалли кремний ва ферроқотишмалардан ташқари).

Доломит (арраланадиган, пардозланадиган, металлургия, кимё ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Мергель (битуминоз ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Оҳактош (битуминоз, пардозлаш, арраланадиган, цемент, металлургия, кимё, шиша, целлюлоза-қоғоз ва қанд-шакар саноати, шунингдек глинозём ишлаб чиқариш учун ишлатиладиганларидан ташқари).

Чиғаноктош.

Сланец (иссиқ ва томга ёпиладиганларидан ташқари).

Аргиллит ва алевролитлар (цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

Магматик, вулқон ҳосил қилувчи ва метаморфик жинслар (пардозлаш, декоратив, оловга чидамли ва кислотага чидамли материаллар ишлаб чиқариш, тош қуйма ва минерал пахталар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган, шунингдек цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

Мавзу - 11 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Ушбу солиқ, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилган тўловчиларнинг айрим тоифаларига татбиқ этилмайди, агар уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлмаса.

Бунда, агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак.

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Сувдан фойдаланиш жойида юридик шахслар, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига киради: дарёлар, кўллار, сув омборлари, ер юзасидаги

бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар.

Ер ости манбаларига киради: артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод этилади:

а) нотижорат ташкилотлари, ана шу фаолиятда ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилардан ташқари.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплаш учун белгиланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида таъкидланган бошқа мақсадлар учун барпо этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашлар бундан мустасно);

б) ер ости минерал сувларидан даволаш мақсадларида фойдаланадиган соғлиқни сақлаш муассасалари, улар минерал сувлардан савдо тармоғида сотиш учун фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

в) фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган ва сувдан доривор воситалар тайёрлашда фойдаланадиганлар;

г) атроф муҳитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида чиқариб ташланадиган ер ости сувлари учун (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув ҳажмларидан ташқари). Масалан, сизот сувларнинг сатҳини пасайтириш мақсадида чиқариб ташланадиган зовур сувлари;

д) унинг учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

е) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан йўл-йўлакай ва шахтадан сувни чиқариб ташлаш учун олинган ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмларидан ташқари;

ж) агрегатлар ишлаши учун сувдан фойдаланганлик учун гидроэлектростанциялар;

з) бирламчи фойдаланганлик учун ҳақ тўланган сувдан иккиламчи фойдаланувчилар (масалан, суғориш учун коллектор-зовур тармоғидаги сувдан фойдаланиш);

и) фаолиятнинг асосий тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар шўрланган ерларни суғоришга сувдан фойдаланганлик учун имтиёз ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади;

к) умумий ишловчиларининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлганлари, савдо-сотиқ, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари;

л) бўшатиб олинмаган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, ускуналар, анжомлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва китобларини харид қилишга сарфланиши шарти билан нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиққа тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоб:

юридик шахслар (деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) томонидан солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ойма-ой тақсимланган ҳолда, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) томонидан солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи якун билан тақдим этилади.

Деҳқон хўжаликларига (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг 1 майдан кечиктирмай тақдим этилади.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар "Сувоқава" тизими корхоналари билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш чоғида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган давр учун ҳисоб-китобларда акс эттирадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўланади:

юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан (деҳқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг умумий суммаси чорақда энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган юридик шахслар солиқни чорақда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўлайдилар.

Бунда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоб-китобларни белгиланган шаклга мувофиқ тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чорақда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдаланган сув ҳажмини олинган сувнинг умумий ҳажмидан чиқариб ташлайдилар, бунда 1 гектар суғориладиган ерни суғоришга сув сарфининг умуман хўжалик бўйича ўртача миқдоридан келиб чиқилади (бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг суғориладиган ерлари ҳам кирди).

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, солиқлар, йиғимларнинг бошқа турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризаси бўйича ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига эътиборга олинади.

Сув ер ости ва юзадаги манбалардан келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда солиқ манбалар бўйича белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади. Шаҳар ва туманларнинг давлат солиқ хизмати органлари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига юзадаги ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмлари нисбати тўғрисидаги маълумотларни олишлари ва маълумотларни солиқ тўловчиларга етказишлари керак.

Балиқ хўжаликлари сувни маълум сув манбасидан (канал, дарё) оладиган ва сувни ана шу сув манбаига ташлайдиган ҳолларда, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан бериладиган маълумотнома асосида олинган сув ҳажмидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш пайтида ана шу манбага ташланадиган сувнинг ҳажми чиқариб ташланади. Балиқ хўжаликлари томонидан олинган сув коллектор-зовур тармоғига ташланган тақдирда солиқ бутун

олинган сув ҳажми учун тўланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсунуш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Юридик шахсларнинг бюджет билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Мавзу – 12 Жисмоний шахслар даромад солиғи.

Ушбу солиқ қоидалари жисмоний шахсларнинг қатъий солиқ тўлашни назарда тутадиган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларига татбиқ этилмайди.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти

манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Жами йиллик даромад солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинadиган суммаларнинг миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадлар;

жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;

жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келadиган даромад киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

а) ходимларга сотилadиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

б) юридик шахс (иш берувчи) томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

в) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

г) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;

д) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси;

е) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Бундай харажатларга юридик шахснинг ўз ходими тўлаши лозим бўлган, аммо ушбу юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради.

Масалан, коммунал хизматлар, тураржой учун тўлов, давлат пенсиясига қўшимча тўлов, йўл чипталари қиймати (хизмат сафарлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларидан ташқари). Бунда ишлари хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадларда уларга бир ойлик йўл карточкалари сотиб олиб берилadиган ходимлар рўйхати, уларнинг фаолият тури, уларнинг харид қилиш мақсадлари иш берувчининг буйруғи (фармойиши)га мувофиқ белгиланади), овқатланиш учун қўшимча тўловлар суммаси, газета ва журналлар обунаси суммаси, туристик йўлланмалар, спорт секцияларига абонементлар ва шунга ўхшаш

бошқа харажатлар учун тўлов.

Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадига олинган фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, якка тартибда амалга оширилаётган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Фуқаронинг асосий иш жойи бўлиб меҳнат дафтарчаси юритиладиган корхона, муассаса ва ташкилот ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадни аниқлаш мақсадида чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар, харажатлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солиқ, агар бўлимда бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги миқдорда ундирилади:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинadиган солиқ + беш баравардан ошадиган сумманинг 18 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори суммадан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинadиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 25 фоизи

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб боровчи яқун тарзида ҳисобланади (йил бошидан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланadиган жисмоний шахслар учун қатъий солиқ суммасини белгилаш йўли билан алоҳида солиқ солиш тартибини белгилашга ҳақли.

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

дивиденд ва фоизлар - 10 фоиз;

хатарни суғурталаш ёки қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари - 10 фоиз;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қатновида халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар) - 6 фоиз;

роялти, ижарадан келган даромадлар, хизматлар кўрсатишдан келган даромадлар, шу жумладан бошқа-рув бўйича хизматлар, маслаҳатларга оид ва бошқа даромадлар - 20 фоиз;

Тўлов манбаида солиқ солиш, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, қўлланилади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 10 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Бунда солиқ солиш мақсадида дивидендларга акциялар бўйича ҳамда ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келадиган даромадлар киради. Фоизларга депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига алоҳида белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловларга (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловларга) энг кам ставка бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар, шунингдек айрим қўшимча тўловлар жами даромад таркибидан ҳисобдан чиқарилади.

Солиқ солинадиган даромадга қуйидагилар киритилмайди:

а) меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари.

Бунда энг кам иш ҳақи ҳисоби учун меҳнат шартномаси тўхтатилган кунда амал қилган (охирги ишлаган кундаги) ойлик энг кам иш ҳақининг миқдори қабул қилинади;

б) олинадиган алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинладиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактабларининг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес мактаблари берадиган тўловлар;

д) давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

е) шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қаршли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган даромадлардан ташқари;

к) шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимия-ти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

табiiй офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

р) депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, Ўзуйжойжамғармабанкнинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек дивидендлар тариқасида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар. мол-мулк сотилганида (Ўзуйжойжамғармабанкнинг шахси кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича олинган уй-жойдан ташқари) илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

Ўзуйжойжамғармабанкнинг шахси кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича олинган уй-жой сотилганда ёки бошқа тарзда берилган ҳолда, шунингдек харид кунидан бошлаб беш йил муддатга ижарага берилганда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва сотиш ёки бош-қа тарзда бериш кунидан амал қилган ставкалар бўйича тўлиқ миқдорда солиқ ушлаб қолинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

саноат намунасида - уч йил давомида;

фойдали моделдан - икки йил давомида;

у) болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам қиради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товон пуллари бундан мустасно.

х) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

ц) хусусий корхона ва фермер хўжалиги томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ва фермер хўжалигининг бошлиғи ихтиёрига келиб тушадиган фойда суммаси;

ч) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

ш) Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари;

э) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидагилар тўлалигича озод қилинадилар:

а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса,- Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар,

шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

ж) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастроль-концерт фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

з) мансаб даражалари бор прокуратура органлари ходимлари.

Қуйидаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан тўлашдан озод этилади:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар.

Юқорида айтиб ўтилган имтиёзлар учун "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонлари китобчалари, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг орден китобчаси, Улуғ Ватан уруши ногиронларининг "Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси" ёки ҳарбий комиссариатдан берилган маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг "Имтиёзга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ногирон гувоҳномаси" асос ҳисобланади;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар опера-цияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари.

Имтиёз "Уруш қатнашчиси гувоҳномаси" асосида, Улуғ Ватан уруши даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари учун "Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома" ёки меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар.

Имтиёз қамал пайтида Ленинград шаҳридаги корхона, муассаса ва ташкилотларда шахсларнинг ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тақдим этилади;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

"Имтиёзга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ногирон гувоҳномаси" имтиёз тақдим этиш учун асос ҳисобланади;

д) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари.

Пенсия гувоҳномаси ёки шифокорлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.

"Қаҳрамон она дафтарчаси" ёхуд болаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси имтиёз тақдим этишда асос бўлади;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг ота-оналари ва рафиқалари.

"Ҳалок бўлган жангчининг беваси (онаси, отаси)" штампи босилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзув қайд этилган пенсия гувоҳномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Агар ушбу шахслар пенсионер бўлмасалар, уларга собиқ СССРнинг Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИВ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ёки ИИВнинг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлгани тўғрисидаги маълумотнома асосида имтиёз берилади.

Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронт-да бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига фақат улар иккинчи марта турмуш қурмаган тақдирда, имтиёз тақдим этилади;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

"Имтиёз ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида гувоҳнома" ёки собиқ СССРнинг Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИВга қарашли корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар, шаҳар (туман) ҳарбий комиссариати, ҳарбий қисм, ҳарбий-ўқув билим юрти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ёки ИИВ томонидан берилган маълумотнома имтиёз тақдим этилиши учун асос ҳисобланади;

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос ҳисобланадиган бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида имтиёз берилади;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

Меҳнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган "Ёлғиз онанинг шахсий дафтарчаси" асосида имтиёз берилади;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Турмуш ўртоғи (аёли) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва болаларининг мавжудлигини ҳамда қайта никоҳдан ўтмаганлигини тасдиқловчи паспорт, боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсиясининг тайинланмаганлиги

тўғрисида меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси имтиёз берилишида асос ҳисобланади;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.

Пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг тегишли қарори ёки раҳбар буйруғи имтиёзни қўллаш учун асос бўлади.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.

Ҳисобот йили учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз имтиёзларга бўлган ҳуқуқ юзага келган ой бошидан тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз ("н" кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари) жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Фуқаро имтиёзларга бўлган ҳуқуқни йўқотганлигини 15 кундан кечиктирмай, ундан солиқ ушлаб қоладиган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек жисмоний шахсларни ёхуд солиқ органини (агар орган ҳисоб-китобни амалга оширса) маълум қилиши лозим.

22-бандда санаб ўтилган имтиёзлар ("н" кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари) фоизлар ва дивидендлар кўринишида олинган жисмоний шахсларнинг даромадига, шунингдек мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Бунда агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи-дан ҳисоблаб ёзилса, у ҳолда имтиёз асосий иш жойида қўлланилади, башарти фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойидан ҳисоблаб ёзилмаса, жисмоний шахсларнинг тураржойи бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслар даромадига солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида имтиёз қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилгунига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари уларнинг тақдим этилган муддатлари тугагунига қадар сақлаб қолинади.

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликка мувофиқ солиқ солинади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси

сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Солиқ солиш мақсадида норезидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида ёки доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Солиқ солиш мақсадлари учун доимий муассаса тушунчаси Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда) ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган, белгиланган ставкалар бўйича чегирмалар суммасига камайтирилган жисмоний шахслар даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изохларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Асосий иш жойидан олиннадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб солиқ солинадиган жами даромад суммасидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олгунига қадар белгиланган шакл бўйича жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ҳолларда солиқ солинадиган даромаддан энг юқори ставка бўйича солиқ ундирилади. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатиладиганидан сўнг тўланган бўлса, мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда, 22-бандда

назарда тутилган имтиёзлар қўлланмасдан, уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот бир ой муддатда истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи якун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб (агар бундай даромадлар тўланган бўлса), белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад оловчи жисмоний шахс бухгалтерияга даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги тақдим этилган декларация маълумотлари бўйича солиқ хизмати органи томонидан даромад солиғи якуний суммаси ҳисоблаб чиқарилади.

Резидент - жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойидан) олган даромадларидан даромад солиғи якуний суммасини ҳисоблаб чиқариш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги тақдим этилган декларация, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган фуқаролар фаолиятининг текширув материаллари маълумотлари ва солиқ тўловчилар даромадлари тўғрисидаги бошқа мавжуд ахборотлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан даромад солиғи ҳисобланади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахслар даромадидан назарда тутилаётган даромадлар ҳақида топширилган дастлабки декларациядаги маълумотлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан даромад солиғи ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни куйидаги фаолиятини доимий муассаса, шу жумладан хорижий фирмалар ваколатхоналари, орқали юритувчи юридик шахслар, норезидент юридик шахслар амалга ошириши шарт:

ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича тўловларни амалга оширадиган;

нодавлат пенсияларини тўлайдиган;

жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўлайдиган;

норезидентларга тўловларни амалга оширадиган.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши

шарт.

Йўриқноманинг 36-бандида кўрсатиб ўтилган юридик шахслар қуйидагиларни бажариши шарт:

иш ҳақини тўлаш чоғида жисмоний шахсга унинг талабига кўра унга даромади суммаси ва тури, ушлаб қолинган солиқ суммаси (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса), шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган сумма ҳақида маълумотномани бериш;

жисмоний шахснинг рўйхат рақами ёки паспорт маълумотлари, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиш;

йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасидан кечикмай, юридик шахс солиқ тўлаш бўйича рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ органларига ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида, шунингдек ушбу даромадларга солинадаган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

юридик шахс солиқ тўлаш бўйича рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ органларига ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида, шунингдек ушбу даромадларга солинадаган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга тааллуқли бўлмаган юридик шахслар томонидан - ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиш.

Жами йиллик даромад ҳақидаги декларация қуйидаги ҳолларда топширилади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган жисмоний шахслар томонидан;

б) резидент - чет эллик жисмоний шахслар томонидан;

в) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи резидент - жисмоний шахслар томонидан.

Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромад ҳақида декларацияни қуйидаги муддатларда тақдим этишлари керак:

асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай, белгиланган шаклда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун) ҳамда белгиланган шаклда (чет эллик жисмоний шахслар учун);

резидент - чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида. Чет

эллик жисмоний шахснинг фаолияти тақвимий йил мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак. Якуний декларация ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши керак;

юримдик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар - шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтганидан кейин беш кун муддатда. Йил бўйича - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача. Декларацияда фаолиятнинг дастлабки ойида олинган даромад миқдори ҳамда жорий йил якунигача назарда тутилаётган даромад миқдори кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва санаси, жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши кераклиги кўрсатилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчи беш кунлик муддатда бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида давлат солиқ хизмати органига даромадлар ҳақидаги декларацияни тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш чоғида декларация топшириш орқали солиқлар куйидаги муддатларда тўланади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса, декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида;

б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар - йилнинг ҳар чорагида ўтган йилги даромадлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган йиллик солиқ суммасининг 25 фоизини, тегишлича 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрдан кечиктирмай, солиқни биринчи марта тўлайдиган тўловчилар эса - жорий йилда олиш мўлжалланган даромад бўйича давлат солиқ хизмати органлари унга ҳисоблаб берган сумманинг 25 фоизини. Йил мобайнида тўловчининг даромади анчагина кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўловчи солиқ тўлашнинг бошланмаган муддатлари бўйича даромад солиғи суммаларини қайта ҳисоблаб чиқариши мумкин, йил ўтиши билан йиллик солиқ суммаси амалда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ана шу сумма билан йил мобайнида тўланган сумма ўртасидаги фарқ кейинги йилнинг 15 мартидан кечикмай, тугаган даромад манбаи бўйича эса, ўн беш кунлик муддатда тўловчидан ундириб олиниши ёки унга қайтариб берилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда солиқ жамғариб бориладиган тизимда қатнашувчи фуқароларнинг

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган бадаллар чегирилган ҳолда қуйидаги муддатларда тўланади:

а) даромад тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади;

б) тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой туганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилади.

Банкда ҳисобрақамига эга бўлган юридик шахслар томонидан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш санаси солиқ тўловчи ҳисобрақамидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун, бошқалар, шу жумладан жисмоний шахслар учун эса - маблағлар кредит муассасасининг кассасига ўтказилган кун ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб варағидан солиқ суммаси жисмоний шахс томонидан тўланганда, тўлов санаси жисмоний шахс ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг йил мобайнида тўлаб борилган суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этилиш, шунингдек ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир, бу ҳақда у ариза топшириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида даромад тўланадиган жойдаги давлат солиқ хизмати органига уч нусхада ариза тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи аризининг кўрсатиб ўтилган мамлакатлар билан халқаро шартномалар ва битимлар қоидаларига мувофиқлигини текшириб чиқиб, тегишли белгини қайд этиб, аризининг икки нусхасини ариза берувчига қайтариб беради.

Ариза берувчи бу нусхалардан бирини Ўзбекистон Республикасида унга даромад тўлайдиган корхона, муассаса ёки ташкилотга тақдим этади. Бунинг асосида солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан тўлиқ ёхуд қисман озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида" 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни қайд этилган ставкалар бўйича умумбелгиланган тартибда солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси, шундай шароитли ишларда олинган даромаднинг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадига солиқ солиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходимга бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В), бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, ҳамда ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С), бунда аёллардан даромад солиғи олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим, даромад олди.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

Св - зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Сс - ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25\% (B)$), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни $C_v > 20\% (C)$), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C_A + 0,25 (B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

С_А - оддий меҳнат шароитида олинган (А) даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,25(В) - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

0,20(С) - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_v < 25\% (B)$ ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни $C_v > 20\% (C)$), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

С(А+В) - (А) ва (В) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

0,20(С) - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ

суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

3) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25\% (B)$) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни $C_v < 20\% (C)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланилади:

$$C_{ж} = C(A+C) + 0,25(B),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+C)$ - (А) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

$0,25(B)$ - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и.

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

4) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_v < 25\% (B)$), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни $C_v < 20\% (C)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B+C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+B+C)$ - (А), (В) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

Жами даромаддан солиқ ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби турли меҳнат шароитларига татбиқан олганда солиқни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш (1-рўйхатнинг 3-қисмида ҳамда 2-рўйхатнинг 1-қисмида кўрсатилган

ишларда банд бўлган аёллардан ташқари) қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходим бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) даромад олди, бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

Св - (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни $C_v > 25\% (B)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C_A + 0,25(B),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

C_A - оддий меҳнат шароитида (А) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

$0,25(B)$ - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

Яқуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни $C_v < 25\% (B)$), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

$C(A+B)$ - (А) ва (В) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Яқуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

Мавзу – 13 Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқ тўловчилар ҳисобланадилар.

Ушбу солиқ қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланадиган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди:

а) болалар ўйин автоматлари;

б) бильярдхоналар.

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар томонидан, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ, шунингдек бошқа умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади.

Бунда қатъий белгиланган солиқ тўловчилари учун қуйидагиларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақланади:

тижорат фаолияти учун товарлар келтирилганда - ягона божхона тўлови, акцизли маҳсулот олиб келинганида акциз солиғи;

давлат божлари;

давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар;

савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим товар турлари билан савдо қилиш ҳуқуқига лицензия йиғимлари;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;

тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланилганда сув ресурсларидан фойдаланиш учун солиқ.

Қатъий белгиланган солиқ тўловчиларига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқи татбиқ этилмайди.

Қатъий белгиланган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оширишлари мумкин.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳар ойда, мустақил равишда фаолият амалга ошириладиган ойнинг 1-кунигача тўлайдилар.

Масалан, жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ:

2007 йил январи учун 2007 йилнинг 1 январига қадар;

2007 йил феврали учун 2007 йилнинг 1 февралига қадар тўланиши керак ва ҳоказо.

Қатъий белгиланган солиқ юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркор томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган жойда тўланади.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган жойда амалга оширмаётган жисмоний шахс ставкалардаги мусбат фарқни ҳисобга олган ҳолда солиқ тўлайди. Бунда мусбат фарқ жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилган жойда ундирилади.

Тадбиркор - жисмоний шахс Самарқанд шаҳрида рўйхатдан ўтказилган;

фаолият тури - ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;

фаолиятни амалга ошириш жойи Тошкент ш.;

қатъий белгиланган солиқ ставкаси Самарқанд шаҳрида ойига 3,5 (энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорда) ёки 22855 сўмға тенг;

қатъий белгиланган солиқ ставкаси Тошкент шаҳрида ойига 4,5 (энг кам иш

ҳақиқа каррали миқдорда) ёки 29385 сўмга тенг;

Самарқанд шаҳри, бюджетига тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммаси: $(29385 - 22855) + 22855 = 29385$ сўмга тенг.

Тадбиркорлик фаолияти билан энди шуғуллана бошлаган жисмоний шахслар қатъий белгиланган ставкалар бўйича даромад солиғини белгиланган тартибда, рўйхатга олиш пайтида мустақил тўлайдилар. Қатъий белгиланган солиқ фаолият бошланган кундан қатъи назар бир ой учун тўланади.

Тадбиркор ўз фаолиятини муайян ойга (ойларга) турли сабаблар (оилавий аҳволи, касаллик, вақтинча бошқа ерга кетиш ва ҳоказо) билан тўхтатган ҳолларда, у фаолиятини тўхтатишгача давлат солиқ хизмати органларига фаолиятни вақтинча тўхтатиши ҳақида ариза тақдим этиши ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топшириши керак.

Ҳокимиятлар томонидан берилган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномаси топширилгандагина фаолият вақтинча тўхтатилган деб ҳисобланади. Бунда тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топширгандан кейин қатъий белгиланган солиқни ўз фаолиятини амалга оширмайдиган ойда тўлашдан озод этилади.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган ариза ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома мажбурий тартибда, келиб тушган кунда келган хат-хабарлар дафтарыда рўйхатга олиниши керак.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ва даромадидан қатъий белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайдиган жисмоний шахсларга жами даромадни белгилаш ва ундан тегишли чегирмалар қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ татбиқ этилмайди.

Жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти уюшмалар, иттифоқлар ва шу кабиларга бирлашиш, ишларни ўз транспортида бажаришга доир фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилган тақдирда ушбу жисмоний шахслар қатъий солиқни белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Жисмоний шахс:

фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида тўлайди;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда амалга оширса, ижарага берувчилар (шу жумладан транспорт воситасининг эгаси) тўғрисида яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълумотнома (ахборот) тақдим этиши керак, унда ижарага берувчининг (шу жумладан транспорт воситаси эгасининг) фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, шунингдек ижара тўловининг суммаси ва ижара муддати кўрсатилади. Мазкур маълумотнома (ахборот) ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда фаолиятни амалга оширишга қадар тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 55-моддасига биноан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилади.

Автотранспорт воситаларини шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа

хўжалик юритувчи субъектларга ижарага топширадиган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни жисмоний шахслар учун йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизматларни амалга оширишдан келиб чиқиб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо соҳасида фойдаланиладиган умумий майдон, жумладан ижарага олинган майдон солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун умумий фойдаланиладиган майдон сифатида қуйидаги турғун майдонлар:

харидорларга хизмат кўрсатиладиган ва бевосита товарлар сотиладиган савдо зали;

харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш учун хоналар;

товарларни қабул қилиш, сақлаш ва сотишга тайёрлаш жойлари (омбор бинолари) тушунилади.

Ўз фаолияти билан энди шуғуллана бошлаган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқ бўйича

ҳисоботларни ўз фаолиятини амалга оширгунча тақдим қиладилар ва қатъий белгиланган солиқни фаолият бошлангунча тўлайдилар.

Юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркор қатъий белгиланган солиқни давлат рўйхатидан ўтган жойга тўлайди, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса.

Турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо соҳасида юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўз фаолиятини амалга оширгунга қадар рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига аризани белгиланган шаклга мувофиқ тақдим қиладилар.

Агар ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотлар, қатъий белгиланган солиқ ставкасининг, энг кам ойлик иш ҳақи ва бошқа кўрсаткичларнинг (эгалланган майдон) ўзгариши сабабли ўзгарса, тадбиркор ўзгартирилган шароитда фаолиятини амалга оширгунга қадар ҳисоб-китобни давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиши лозим.

Мавзу – 14 Жисмоний шахслар молк-мулк солиғи

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, уларни солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси умумбелгиланган тартибда етказди.

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. Қуйидагиларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Юқорида айтилган имтиёзларни бериш учун "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг дафтарчаси, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаронинг орден дафтарчаси асос ҳисобланади;

б) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг.

Имтиёз "Уруш қатнашчисининг гувоҳномаси", "Имтиёзга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома" ёки меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

в) Қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг. Имтиёз бериш учун "Қаҳрамон она дафтарчаси" ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг болалар мавжудлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси асос ҳисобланади;

г) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг). Имтиёз тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз бериш учун асос ҳисобланган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

д) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

е) мулкида умумий майдоннинг 60 кв. метри ҳажмида солиқ солинмайдиган энг кам микдор доирасида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ва ер тузиш ҳамда кўчмас мол-мулк кадастри ҳудудий хизматлари берадиган, мол-мулкнинг қийматї ва умумий майдони кўрсатиладиган Ҳужжатлар асосида берилади;

ж) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг. Мазкур имтиёз тегишли ҳарбий қисм ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

з) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик

оқибатида халок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг). Имтиёз "Халок бўлган жангчининг беваси (онаси, отаси)" штампни кўйилган ёки тегишли ёзув қайд этилган, пенсия гувоҳномасини берган муассаса мухри ва унинг раҳбари имзоси билан тасдиқланган пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

Агар кўрсатилган шахслар пенсионер ҳисобланмасалар, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИВ нинг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ёки ИИВнинг тегишли органлари томонидан берилган, ҳарбий хизматчининг халок бўлганлиги тўғрисида маълумотнома асосида берилади.

СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш пайтида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик оқибатида ҳапок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқапарига имтиёз факат улар янгидан никоҳланмаган тақдирдагина берилади;

и) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазибаларини бажараётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Имтиёз бериш учун "Ногироннинг имтиёзга ҳуқуқ гувоҳномаси" ва ҳарбий тиббий комиссиянинг маълумотномаси асос ҳисобланади".

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўлган пенсионерлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқарганда мол-мулк солиғи солиқ солинмайдиган энг кам миқдордан ошадиган майдондан тўланади.

Бунда солиқ солинмайдиган энг кам миқдор суммасини аниқлаш учун мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати мол-мулк майдонининг умумий миқдorigа бўлинади ва 60 кв. метрга (солиқ солинмайдиган энг кам миқдор) кўпайтирилади. Олинган натижа мол-мулкнинг умумий инвентаризация қийматидан чиқарилади.

Пенсионерлар учун бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғи суммаси куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$(Қ \text{ ум.} - (Қ \text{ ум.} / S \text{ ум.}) * 60 \text{ кв. метр}) * M,$$

бу ерда:

S ум. - мол-мулк эгаллаган майдонининг умумий миқдори;

Қ ум. - мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати;

M - мол-мулк солиғи ставкаси.

Масалан, мулк ҳуқуқида пенсионерга тегишли бўлган мол-мулкнинг умумий инвентаризация қиймати 1750000 сўмни ташкил этади, мол-мулк умумий майдонининг миқдори - 158 кв. метр, бу ҳолда бюджетга тўланадиган солиқ суммаси:

$$[1750000 - (1750000 / 158) * 60] * 0,5\% = 5427 \text{ сўмни ташкил этади}."$$

Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб озод этиладилар.

Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ

солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри худудий хизматлари тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойдан бошигача тўлайди, янги мулкдор эса - мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солиқ тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади.

Агар солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солиқ ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидан бошлаб бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри худудий хизматида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Мавзу – 15 Жисмоний шахслар ер солиғи

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилардир.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар. Мазкур бандга мувофиқ ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларига кўра ижарага олган жисмоний шахслар ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси миқдориди бўлиши лозим.

Ер ижарачиларининг ҳисоби, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

а) турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

б) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

в) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

г) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

д) мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олинниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

е) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

ж) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи 1,5 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффицентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимият органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади. Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффицентларини қўллаган ҳолда тўланади.

Алоҳида турадиган объектлар қурилиши учун ер участкалари майдонлари ер участкасига доир ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ошиб кетган тақдирда ҳам ошириш коэффицентлари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффицентлар қўлланади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1.30;

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1.20;

туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15;

бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффицент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади. Ушбу бандга мувофиқ жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш дўконлар, ошхоналар, устахоналар ва тадбиркорлик

фаолиятида фойдаланиладиган бошқа объектлар учун фойдаланиладиган ер участкалари учун амалга оширилади.

Жамоа ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ якка тартибдаги уй-жой қурилиши ерлари учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади. Гаражлар деганда қуйидагилар тушунилади:

жамоа гаражлари - фуқаролар транспорт воситаларининг доимий сақланиш жойлари, улар жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори ёки фармойиши билан ажратилган ерларда ташкил этилиб, уларда автотранспортни сақлаш жойлари аниқ жисмоний шахсларга бириктириб қўйилади, улар ўз фаолиятини ширкатлар, кооперативлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширадилар;

шахсий гаражлар - жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори ёки фармойишига кўра ажратилган ерларда, яшаш жойлари яқинида автотранспорт эгалари маблағлари ҳисобига қурилган фуқароларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш учун иншоотлар.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

а) шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, ариқ тармоқлари, соҳил бўйлари ва ҳоказо; маданий-маиший эҳтиёжларни қондириш ва аҳолининг дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар; қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утиллаштириш жойлари ва ҳоказо);

б) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Уларга бориш йўллари, ариқлар, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар киради;

в) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

г) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

д) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

е) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Янги электр узатиш ҳаво ва кабель линияларини қуриш учун ерлар вақтинча фойдаланиш учун қурилиш даврига ажратилади, электр узатиш линияларидан доимий ишлатиш учун фойдаланишга эса фақат кучланиши 1000 Вт дан юқори электр узатиш линияларининг таянчлари, электр узатиш кабель линияларининг ер

устидаги иншоотлари, кучланишни пасайтирувчи подстанциялар, тақсимлаш ва секциялаштириш пунктлари эгаллаган ер участкасигина ажратилади.

Электр узатиш учун таянчлар ва улардаги иншоотларга ер майдони ер ажратиш материаллари бўйича қабул қилинади.

Шу муносабат билан ер солиғини тўлашдан қурилиш даврида бутун ажратилган ер участкаси, фойдаланиш даврида эса - фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линиялари таянчлари, улардаги иншоотлар ва подстанциялар эгаллаган ерларгина озод этилади.

Умумдават алоқа линиялари ва улардаги иншоотларга ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли алоқа ва радиофикация линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда уларнинг индекслари ва тартиб рақамларини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатларга киритилган автомобиль йўллари тааллуқлидир.

Автомобиль йўлларининг иншоотларига кўприқлар, йўл четидаги ариқлар, ён томондаги захира ерлар, кўтарма ортидаги ариқлар ва кўтармалар, тоғдаги сув ажратиш каналлари, ариқ ортидаги бермалар ва қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш бермалари, автобус бекатлари, тушишлар, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлкалари, ўпирилиш, сел, кўчкига қарши ва автомобиль йўллари учун ажратилган ерларда жойлаштирилган бошқа ҳимоя иншоотлари киради;

з) темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Солиқ тўлашдан озод этиладиган ер участкаларига темир йўл станциялари ҳудудида бош, станция ва саралаш темир йўл линиялари эгаллаган ерлар ҳам киради.

Саноат ва бошқа корхоналарга ўтказилган темир йўллар эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Темир йўлларнинг иншоотлари таркибига захиралар, тупроқтепалар, йўлдаги сув ажратиш, мустаҳкамлаш ва тутиб туриш иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоялаш ва қумни мустаҳкамлаш полосалари, тортиш подстанциялари, тоннеллар ва шу сингари сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;

и) умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (шу жумладан, метрополитен бекатлари эгаллаган ерлар) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Мазкур имтиёз трамвай йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен бекатлари ва шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар (депо ҳудудида жойлашган электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари эгаллаган ерлардан ташқари), қурилиш ва таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;

к) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

л) магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар. Сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар таркибига аҳоли пунктларида сув қувури ва канализация тармоғидаги насос станциялари, кузатиш қудуқлари ва дюкерлар, сув миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;

м) магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иншоотлар таркибига ёнғин ва авариялардан сақлаш иншоотлари, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари, уланиш тугунлари билан бирга насос ва компрессор станциялари, қувурларни тозалаш қурилмалари ва ҳоказолар киради;

н) магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иссиқлик трассаларининг иншоотларига насос станциялари (кучайтирувчи, пасайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж), иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлар, иссиқ сув таъминотининг циркуляция насослари киради;

о) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

п) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг меъёрий муддати даврига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар. Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишининг меъёрий муддати тугагач, шунингдек тўхтатиб қўйилган объектларни қуриш давом этилган ёки улар фаолият кўрсата бошлаган ҳолларда ер солиғи қурилишнинг меъёрий муддати тугашидан ёки объект қурилиши ёхуд ундан фойдаланиш бошланганидан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошлайди.

Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки ер участкаси бошқа муддатларда ишга туширилган бўлса, бундай ҳолда мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йиллар учун, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда, ер участкасига солиқ тўланмайди;

у) захирадаги ерлар (эғалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага берилмаган ҳамда жисмоний шахсларга мулк учун сотилмаган ерлар. Уларга эғалик қилиш ва фойдаланиш, ижара ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради);

ф) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва ҳоказолар).

Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқариш, ижтимоий-маданий ёки нотижорат тусидаги бошқа функцияларни бажариш учун ташкил этилган ҳолда у томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тан олинади;

х) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

ҷ) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

Агар солиқ солинмайдиган ер участкаси мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришлаш учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Ер ости муҳандислик коммуникациялари (иншоотлари) ер юзасини эгалламайди (ер юзасида жойлашган айрим иншоотлардан ташқари) ва улар устидаги ер участкаларидан ушбу коммуникацияларни қўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш шарт ва улар учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Қурилиш даврида улар эгаллаган ер участкалари солиқ солинадиган майдонлардан чиқарилади. Қурилиш тугалланганидан кейин ер участкаси қурилишни амалга оширган корхоналар ва ташкилотлар томонидан яроқли ҳолатга келтирилиши ва аввалги ердан фойдаланувчиларга қайтарилиши керак. Шу вақтдан бошлаб ҳудудида барпо этилган ер ости коммуникациялари ўтадиган жисмоний шахслар ер солиғини белгиланган тартибда тўлай бошлайдилар.

Магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, электр узатиш линиялари ва умумдавлат алоқа линиялари, магистрал қувурлар ва сув олиш иншоотларини қўриқлаш зонасида жойлашган ер участкаларидан юридик ва жисмоний шахслар тегишли муҳандислик коммуникацияларини қўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланадилар ва ушбу ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

а) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

б) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари. Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиши тўғрисида гувоҳнома; Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;

в) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов

йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;

г) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

д) ёлғиз пенсионерлар. Солиқ солиш мақсадлари учун ёлғиз пенсионерлар деганда бир ўзлари ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон боласи билан биргаликда алоҳида уйда, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсионерлар тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

е) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Солиқ солиш мақсадларида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар деганда ота-онадан бири ёки иккаласи вафот этган ҳамда оилада 16 ёшга етмаган 5 ва ундан ортиқ бола бўлган оилалар тушунилади. Мазкур имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

ж) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар. Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқлар тўғрисида гувоҳнома ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

з) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилга;

и) илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар;

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар ер участкалари якка тартибда уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида тақдим этилган жисмоний шахсларгагина татбиқ этилади.

Ер солиғи тўланмайдиган ер участкаларининг майдонлари ер участкасига ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларга биноан қабул қилинади.

Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оилага татбиқ этилади.

Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради.

Давлат солиқ хизмати органлари ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахсларнинг мунтазам ҳисобини юритадилар.

Деҳқон хўжаликлари (юримдик шахсни ташкил этмаганлари) ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга ва 5%ини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари деҳқон хўжаликларига ёзиладиган тўлов хабарномаларида бюджетга тўланадиган ер солиғи суммаси ва Жамғармага тўланадиган ер солиғи суммасини алоҳида кўрсатадилар.

Солиқ тўланиши тўғрисидаги тўлов хабарномалари жисмоний шахсларга давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ер участкаларининг майдони ўзгарганда ва йил давомида имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлганда (бекор қилинганда) давлат солиқ органлари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва солиқ тўловчига тўлаш муддатлари ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари шарт.

Ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахслар давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 январдаги ҳолат бўйича ҳисобга олинадилар.

Жисмоний шахсларга шаҳар ва қўрғонларда яқка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкаларининг майдонлари яқка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш шаҳар ёки туман бошқармаси ёхуд ишлаб чиқариш уй-жой инспекциясининг мавжуд материаллари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили натурада аниқлаштирилади.

Жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкалари томорқа ерлардан ва жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкаларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда томорқа ерлар майдони ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилиниб, юз берган ўзгаришлар ҳар йили натурада аниқлаштирилади. Жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкалари майдони хўжаликларнинг маълумотлари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили аниқлаштирилади.

Фуқаролар рўйхати ва уларга жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкалари майдони, шунингдек шахсий гаражлар эгаллаган майдонлар ушбу ташкилотлар бошқарувларининг маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Хизмат чек ерларининг майдони ўз ходимларига ер участкаларини берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маълумотлари бўйича қабул қилиниб, улар жойнинг ўзида аниқлаштирилади.

Агар жисмоний шахс яқка тартибда уй-жой қурилиши ёки шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ердан мақсадли фойдаланишни ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштиради, бунда ундан ер солиғи яқка тартибда уй-жой қурилиши ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп хонадонли турар жойларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди. Хонадондан ёки кўп хонадонли турар жойларнинг бир қисмидан одамларнинг яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда, белгиланган тартибда хонадоннинг умумий майдонидан келиб чиқиб, ер солиғининг тегишли ҳиссаси ундирилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича турар жой, нотурар иморат ва иншоотлар, боғ уйчаси ўтиши билан бирга ўтган ер участкалари учун ер солиғи меросхўрлардан, мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Жисмоний шахслар ер солиғини тенг улушларда икки муддатда - 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. (Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, агар бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига ўттиз кун ичида унинг ёзма аризаси бўйича қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Мавзу – 16 Бошқа маҳаллий солиқлар, йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- а) мол-мулк солиғи;
- б) ер солиғи;
- в) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- г) транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқ;
- д) айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;
- е) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Юқорида "а" ва "б" кичик бандларида назарда тутилган маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби алоҳида йўриқномалар билан тартибга солинади.

Юқоридаги "в", "г", "д" ва "е" кичик бандларида назарда тутилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади, ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва йиғимларни умумий, қатъий ставкаларда белгилаши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан умумбелгиланган тартибда етказилади.

Юқорида кўрсатилган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобварақларида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва йиғимларни тўловчилар зиммасига юкланади.

Маҳаллий солиқ ва йиғим тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқ ва йиғимлар.

1-§. Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим

2-§. Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим

Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим (кейинги ўринларда - йиғим) тўловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу товарлар билан белгиланган тартибда чакана савдони амалга оширадиган юридик шахслар ҳисобланади.

Йиғим айрим товар турлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун тўланади. Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи рухсат гувоҳномаси билан тасдиқланади.

Рухсат гувоҳномаси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

Йиғим ҳар бир тур товар учун ҳамда ҳар бир савдо объекти бўйича алоҳида, ушбу товар тури учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда ҳисобот ойининг 25 кунига қадар тўланади.

Тўловчилар бўлиб янги барпо этиладиган юридик шахслар ёки юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Давлат мол-мулки негизида барпо этиладиган акциядорлик жамиятлари, шунингдек деҳқон хўжалиқлари мазкур йиғимни тўлашдан озод этиладилар.

Янги барпо этилаётган юридик шахс учун йиғимни уларнинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин.

Йиғим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади.

Йиғим рўйхатдан ўтказишга ариза берилгунга қадар тўланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Юридик шахслар шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, чет эл инвестицияларига эга бўлган юридик шахсларни ҳисобга олган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланадилар.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) -соф фойда (даромад) (2-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклининг 240-сатри - 250-сатри) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 260-сатрида акс эттирилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставкаси солиққа тортиладиган объектига нисбатан 8 фоиз миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини сақламайдиган барча корхоналар (соғлиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари ва умумий таълим мактаблари) учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида"ги 453-сон Қарорининг 1-3-Иловаларига биноан ижтимоий инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш, болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари ва умумий таълим мактабларини) молиялашга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган корхоналар учун солиқ қуйидаги тартибда тўланади:

агар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялашнинг фоизлардаги улуши харажатларнинг умумий миқдорини 100 фоиздан камини ташкил этса, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига бериладиган объектлар тўлалигича бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган бўлса, бундай корхоналар учун солиқ ставкаси ушбу минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

агар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялашнинг фоизлардаги улуши 100 фоиздан камини ташкил этса, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молияланадиган бўлса тўловчиларга бериладиган ижтимоий объектларни молиялашдаги улушлар миқдorigа қараб табақалаштирилган

ставкалар белгиланади.

Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга бўйсунадиган ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" ги 453-сон Қарорининг 1-3-Иловаларига биноан бериладиган ижтимоий инфратузилма объектларини бюджетдан молиялаш улуши асосида ўз маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлар суммасини;

б) ижтимоий соҳа объектларини сақлаш харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солинадиган базани, ушбу база қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сф+Хи.с+С,$$

бунда

Сф - барча солиқлар тўлангандан сўнг корхона ихтиёрида қоладиган фойда (соф фойда);

Хи.с - ижтимоий соҳа объектларини ўз маблағлари ҳисобига сақлаш харажатлари;

С - даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси ва ижтимоий соҳа объектларини ўз маблағлари ҳисобига сақлаш харажатлари суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг ҳисобланган суммаси ($Хи.с \times$ даромад (фойда) солиғи ставкаси:100);

в) ушбу банднинг "б" кичик бандига мувофиқ ҳисобланган солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда ушбу минтақа учун белгиланган ставка бўйича инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси.

Агар харажатлар суммаси (ушбу банднинг "а" кичик банди) инфратузилмнинг ривожлантириш солиғи суммасидан кўп бўлса (ушбу банднинг "в" кичик банди) бўлса, у ҳолда корхона инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар, харажатлар суммаси (ушбу банднинг "а" кичик банди) инфратузилманинг ривожлантириш солиғи суммасидан кам бўлса (Ушбу банднинг "в" кичик банди), у ҳолда корхона инфратузилмани ривожлантириш солиғини ижтимоий соҳа объектларининг сақлаш харажатлари ва чегараланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқилган инфратузилманинг ривожлантириш солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгилайдилар.

Чорак давомида барча тўловчилар, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган тўловчилардан ташқари, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетга жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тахмин қилинаётган солиққа тортиладиган соф фойда (даромад) ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ҳамда жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига қадар давлат солиқ хизмати органларига жорий тўловлар унга мувофиқ ҳисоблаб ёзиладиган маълумотнома тақдим этадилар.

Йилнинг ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси)

Энг кам иш хақи даражасининг 200 бараваригача бўлган юридик шахслар, шунингдек ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно), улар ишлаб чиқаришнинг мавсумий характердалигини ҳисобга олиб, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўловларини жорий тўловларни тўламасдан ҳар чоракда, йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан, олдинги чорақлар учун ҳисобланган солиқ суммаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширадилар.

Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан чорак суммасининг учдан бир қисми миқдорида амалга оширилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳақиқатда юзага келган солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда, ўсиб борувчи яқунли чорак ва йиллик молиявий ҳисоботлар топшириш муддатларида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинади.

Ҳисоб-китоб бўйича чиқилган инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси, чорак ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун мобайнида бюджетга тўланади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерлик ҳисоби бюджетга қарзлар бўйича тўловлар (турлари бўйича) счётида олиб борилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ бюджетга қарзлар бўйича тўловлар ҳисоби счётининг кредитида ва солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатиш счётининг дебетида акс эттирилади.

Ўтказилган солиқ суммалари бюджетга қарзлар бўйича тўловлар ҳисоби счётининг дебетида ва пул воситалари ҳисоби счётининг кредитида акс эттирилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Мактаб таълимини ривожлантириш учун келиб тушадиган маблағлар бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳри Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб-касса марказида очиладиган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўловчилари бўлиб, ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек кўрсатилган ажратмалар тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўловчилари улар бўйича турлича солиқ солиш объектлари белгиланган бир қанча фаолият турлари билан шуғулланган ҳолларда, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва ушбу солиқ солиш объектларидан келиб чиқиб белгиланган ставка бўйича мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни тўлашлари лозим.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) улгуржи ва чакана дорихона муассасалари, улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика махсулаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, волоятлараро ва туманлараро) базалари учун - ялпи даромад;

б) ҚҚС чегирилган ҳолда комисион тақдирлаш суммаси - воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар учун;

в) ҚҚСни чегирган ҳолда, ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми - қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун;

г) даромад - тижорат банклари, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиоманбаларни кўпайтириш ва ижарага беришдан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар учун;

д) лизингга берувчининг даромади (маржа) лизинг компаниялари учун;

е) ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми - савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун;

ж) ҚҚСни ва тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик энергиясини, сув таъминоти корхоналари учун - сувни, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газни сотиб олиш қийматини чегирган ҳолда, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш ҳажми - коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун;

з) ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун.

Мактаб таълими ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. У 2007 йилда 1 фоиз қилиб белгиланган.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўлашдан:

нотижорат ташкилотлари, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромади ва тушумларидан ташқари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси озод этилади.

Жамғармага тўланиши лозим бўлган мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар суммаси белгиланган мажбурий ажратмаларга тортиш объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўловчилар томонидан аниқланади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари давлат солиқ хизмати органларига ўсиб боровчи яқун билан тақдим этилади:

юримдик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунидан кечиктирмасдан;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан (ягона солиқ тўловини тўловчилардан ташқари) - биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой яқунлари бўйича

ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ойларга бўлиб, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда.

Мақтаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

Мақтаб таълимига мажбурий ажратмалар тўловчилари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур тўловнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавоб берадилар.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси мажбурий ажратмаларнинг келиб тушган суммаларнинг мақсадли ишлатилиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизматининг органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, давлат солиқ хизматининг органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга.

Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан тўланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат фонди ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкалари ва унинг суммаларини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига тақсимлаш миқдорлари ҳамда ижтимоий суғурталашга оид бошқа мажбурий ажратмалар ва бадаллар ставкалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан белгиланади ва тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан етказилади. У 2007-йилда 24 фоиз қилиб белгиланди.

Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади.

Фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларининг тўловчилари бўлиб, ёлланиш бўйича ишловчи жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ёллаш бўйича ишловчи фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ва ушланиши бўйича мажбурият, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши учун жавобгарлик иш берувчи юридик шахс зиммасига юкланади.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ижтимоий суғурталаш татбиқ этиладиган барча тоифадаги ходимларга ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (даромад) ва иш

ҳақидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. 2007 йилда унинг ставкаси 2,5 фоиз қилиб белгиланган.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари молиялаш манбаларидан қатъи назар, солиқ ушланмаларини ҳисобга олишларсиз, барча иш ҳақи (даромад) турларига ҳисобланади, бундан қуйидагилар тўловлар мустасно:

1. Фойдаланилмаган таътил учун компенсация.

2. Ишдан бўшаш чоғидаги ишдан бўшаш нафақаси.

3. Моддий ёрдам сифатида бериладиган пул нафақаларининг турли хиллари.

4. Компенсация тўловлари (хизмат сафарларига оид суткалик пуллар ва суткалик пул ўрнига тўланадиган тўловлар, иш билан боғлиқ шикастланиш ёки бошқа хилдаги соғлиққа етказилган зарар натижасида кўрилган зарарнинг қопланишига оид тўловлар).

5. Айрим тоифадаги ходимларга текинга бериладиган квартиралар, коммунал хизматлар, ёқилғи, ойлик йўл чипталари қиймати ёки уларни қоплаш қиймати.

6. Берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва якка тартибдаги бошқа ҳимоя воситалари, совун, ёғсизлантириш воситалари, сут ва даволаш-профилактика овқатланишининг қиймати.

7. Бепул овқатланиш қиймати.

8. Тушликларга оид дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга, дам олиш уйларига йўлланмаларнинг қиймати, стационар ва амбулаторияда даволаниш учун тўловлар.

9. Ишлаш учун бошқа ҳудудга ўтказиш ёхуд кўчиб ўтиш чоғида бориш, мол-мулкни ташиш ва хонани ижарага олиш бўйича харажатларнинг қопланиши.

10. Доимий иши йўлда ўтадиган ёки сайёр тусга эга бўлган ёхуд хизмат сафарлари муносабати билан боғлиқ ҳолларда иш ҳақига суткалик тўлов пули ўрнига қўшимча тўлов ва устамалар.

11. Меҳнат учун тақдирлашларсиз ишланган кунлар (шанбаликлар, якшанбаликлар ва ш.к.) учун тегишли бюджет ёки хайрия фондлари ҳисобига ўтказиладиган иш ҳақи.

12. Иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан ўтказиладиган юбилей саналари, туғилган кунлар муносабати билан, узоқ йиллик ва нуқсонсиз меҳнат фаолияти, фаол жамоатчилик иши учун ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда рағбатлантириш тўловлари (бунга мукофотлар ҳам киради).

13. Мусобақалар, кўрикларда, танловлар ва шу кабиларда совринли ўринлар учун бериладиган пул мукофотлари.

14. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун юборилган ўқувчиларга тўланадиган стипендиялар.

15. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳисобидан ёш мутахассисларга олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун тўланадиган нафақалар.

16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар.

Доимий равишда хорижда истикомат қилувчи, мулк-чилик шакллари билан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси корхоналари (ташкилотлари, муассасалари)да

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишловчи хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даромадларидан (иш ҳақларидан) ягона ижтимоий тўлов ва давлат ижтимоий суғуртасига оид мажбурий суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадалларнинг миқдори ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 4,7%ни ташкил қилади.

“SOS - Ўзбекистондаги болалар маҳаллалари” уюшмаси учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадаллар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 7%ни ташкил қилади.

Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб ёзиш тўловчи томонидан мустақил равишда, ҳисобот оyi учун ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилиши муносабати билан, дафнга нафақалар тўланиши уй-жой-коммунал хизматлари бўйича бериладиган имти-ёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари ишловчи пенсионерларга пенсиялар (бундан кейин - пенсиялар), 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларнинг тутиб турилишига бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳисобига маблағларнинг ўтказилиши тўловчилар томонидан тегишли туман (шаҳар) солиқ органлари учун хизмат кўрсатувчи банкларда очилган 20205-сон транзит ҳисобварақларининг 777-ҳисобварақлар шартли рақамига (ХШР) амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоиз миқдорида белгиланган, ягона ижтимоий тўловдан тақсимлашларнинг миқдорлари эса 2007 йилдан бошлаб қуйидагиларни ташкил қилади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	- 23,5%;
Давлат бандликка кўмаклашиш фондига	-0,3%;
Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига	-0,2%.

Тўловчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг тўланиши тегишли давр учун банк бўлинмаларидан иш ҳақи учун нақд пул маблағларининг олиниши чоғида, бироқ ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмаган ҳолда, маблағларни тўловчиларнинг тўлов Топширикномалари асосида ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари қуйидагиларни тўлаш учун сарфланади:

а) ишламайдиган фуқароларга:

ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланган пенсиялар;

давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган болаликдан ногиронлар, қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари;

б) ишлайдиган фуқароларга:

-ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланган пенсиялар;

-вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар;

-ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар;

-бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақалар;

-дафн этишга нафақалар;

-16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-онасидан бири (васий)га ойнанинг қўшимча дам олиш кунларига тўловлар;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар бир тўлов ойнанинг 10-кунигача ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсия, нафақа ва компенсация тўловларини тўлаш учун маблағларга бўлган талаб ҳажмини аниқлайди ва Ижро дирекциясига ариза тақдим этади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг депозит ҳисобварағига маблағларни ўтказиш йўли билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини сарфлайди:

жорий тўлов ойнанинг 5-кунигача - ўтган ойдаги талаб ҳисоб-китобидан келиб чиққан ҳолда 40 фоиз миқдорда сумма;

жорий тўлов ойнанинг 20 кунигача - тақдим этилган ҳақиқатдаги талаб ҳажмидан қолган сумма.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ўз навбатида, тегишли маблағларни 2 банк куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ҳисобварақларига ўтказди, улар аризалар асосида белгиланган тартибда ва муддатда маблағларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига ўтказдилар.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари, ўз навбатида, тегишли маблағларни пенсия, нафақа ва компенсация тўловлари учун 2 банк куни мобайнида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлинмалари ҳисобварағига ўтказдилар.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг аризалари бўйича (мазкур Низомга 2-сон иловага мувофиқ шакл бўйича) ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар, бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақалар, дафн этишга нафақалар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналари (васийлари)га ойнанинг қўшимча дам олиш кунларига тўловлар, тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини (бюджет ташкилотларидан ташқари) тўлашга маблағларни молиялаштиради.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларидан маблағларни

қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мақсадларда ўтказиш ва вақтинчалик олиб туриш тақиқланади.

Юридик шахслар солиқ органларига ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларида бироқ ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига юридик шахслар харажатларини тўлашга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан маблағларни олиш учун буюртманомаларни тақдим этадилар.

Бунда юридик шахслар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига 2004 йилнинг январь ойдан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни ўз ичига олувчи буюртманомаларни тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг тақдим этилган буюртманомаларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича маълум давр учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича ҳисоблаб ёзилган суммалардан ортиқ бўлган харажатлар суммаларини кўрсатишлари тақиқланади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларидан юридик шахслар томонидан (бундан бюджет ташкилотлари мустасно) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларнинг тўланиши учун келиб тушган маблағларни кирим қилиш учун юридик шахслар, уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкларда 888-шартли рақам билан иккиламчи ҳисоб рақамларини очадилар.

Бюджет ташкилотларига туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни уларнинг буюртманомаларда кўрсатилган бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақларига ўтказадилар. Бюджет ташкилотлари буюртманомаларни бюджет таснифномаси бўлимлари бўйича алоҳида тузиб чиқадилар ва ушбу бўлимлар бўйича харажатлар амалга ошириладиган ҳисобварақларини кўрсатадилар.

Юридик шахслардан буюртманомаларни олишлари билан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари 5 иш кuni давомида хўжалик юритувчи субъектларнинг 888-шартли рақамига эга иккиламчи ҳисоб рақамларига ва бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисоб рақамларига юқорида келтириб ўтилган харажатларни тўлаш учун зарур маблағларни ўтказадилар.

Банклар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳисоблаб ёзилган харажатлар бўйича маблағларни белгиланган муддатларда берадилар, юридик шахслар эса (бунга бюджет ташкилотлари ҳам кирази) тўлайдилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун олинган маблағлар қатъий назоратда бўлиши ва фақатгина буюртманомада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. Ҳисоб-китобларда керакли суммаларни атайлаб бузиб кўрсатишга ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга йўл қўйган мансабдор шахслар меҳнат, маъмурий ва жиноят қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлов интизомига риоя қилганлик учун шахсан жавобгар бўладилар.

Юридик шахслар (бундан бюджет ташкилотлари мустасно) ўз маблағлари

мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунда ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Юридик шахслар томонидан тўланган суммаларнинг қопланиши бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан олинган маблағларнинг иккиламчи депозит ҳисобварағидан (888-ҲШР) харажатлар тўлаб юборилгач уларнинг асосий ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бюджетга ягона ижтимоий тўловни тўлашда нотўғри ёки ортиқча ҳисоблаб ўтказилган маблағлар тўловчининг ёзма аризаси бўйича тегишли туман (шаҳар) солиқ инспекцияси томонидан, унинг хулосаси асосида қайтариб берилади ёки бюджетга оид бўлғуси тўловлар ҳисобига ҳисобга киритилади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиш чоғида бир вақтнинг ўзида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадаллари тўловчилари бўладилар.

Деҳқон хўжалигининг давлат ижтимоий суғуртасига тегишли шахс бўлиш истагини билдирган аъзоси белгиланган тартибда туман (шаҳар) солиқ органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси суғурта бадалларининг тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга, деҳқон хўжаликлари аъзоларига солиқ тўловчининг идентификация рақамлари берилади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайдилар. Бунда тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзосининг суғурта бадали миқдори битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги, ёшга доир пенсия ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлиб ҳисобланувчи тадбиркорлар учун эса суғурта бадали миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг камида эллик фоизини ташкил қилиши керак.

Суғурта бадаллари тўловчилар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини тўлаш учун белгиланган муддатларда тўланади.

Суғурта бадаллари нақдсиз ҳисоб-китоблар йўли орқали ёки нақд пуллар билан бевосита бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларига тўланади.

Тўлов Топшириқномасида (кирим ордерида) албатта СТИР ва тўлов кирим қилинаётган давр кўрсатилиши керак. Давр кўрсатилмаган ҳолларда тўлов у амалга оширилган ой учун кирим қилинган деб ҳисобланади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган суғурта бадаллари қайтарилмайди.

Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб ёзиш тартиби ва тўлаш муддатлари

Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади.

ҚҚС ва акциз солиғини тўловчи юридик шахслар сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан ажратмаларни кўрсатилган солиқ суммаларини чегирган ҳолда амалга оширадilar. Бунда ўзи фойдаланаётган узок муддатли активлар ва бошқа мол-мулкни сотиш мажбурий ажратмаларга тортиш объектига киритилмайди, бундан ижарадан олинган даромадлар мустасно.

Коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловларни ҳисоблаб чиқаришда иссиқлик энергияси, сув ва табиий газ харид қийматининг корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлган ҳажмлари ажратмаларга тортиш объектига киритилмайди.

Мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳисобот даврида (ойида) сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми - саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун;

б) корхоналарни комиссия тақдирлаш суммалари - воситачилик хизматларини кўрсатувчи дилерлар ва корхоналар учун;

в) ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми - қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа - қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун;

г) товар айланмаси, бажарилган ишлар, хизматлар, ҳажми - умумий овқатланиш, таъминот-сотиш ташкилотлари билан бирга тайёрлов, савдо корхоналари учун;

д) ялпи даромад - улгуржи ва чакана дорихона муассасалари учун;

е) сотилган маҳсулотнинг бутун ҳажми, бунга консигнация товари қиймати ҳам кирази - консигнация шартномалари бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар учун;

ж) ҳисобот даврида олинган ҳақиқатдаги даромад - банклар, суғурта ташкилотлари ва уларнинг муассасалари учун;

з) тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушум суммалари - тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи нотижорат, бюджет ташкилотлари учун.

Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб ёзиш тўловчи томонидан мустақил равишда 0,7 фоизли ставка бўйича амалга оширилади.

Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби тўловчилар томонидан солиқ органига мазкур Низомга 3-сон иловага биноан шакл бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача ҳар ойда ўсиб боровчи яқун билан тақдим этилади.

Мажбурий ажратмалар ҳар ой учун юридик шахслар - тўловчилар томонидан

бевосита бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобрақамларига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар шаклларини тўлдириш ва тақдим этиш қоидалари

Ҳисоб-китоблар шаклларининг манзил қисмида корхона номи, манзили ва СТИРи, фаолият асосий тури ва хизмат кўрсатувчи банкнинг реквизитлари кўрсатилади. Ҳисоб-китоб шаклининг номида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган фаолият тури кўрсатилади. Бунда фаолиятининг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиш тартиби белгиланган тўловчилар алоҳида ҳисоб-китоб тақдим этадилар.

Ҳисоб-китобларнинг шакллари раҳбар ва бош бухгалтер ёки зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий бошқарув вазифалари юкланган шахс томонидан имзоланади ва имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Тўловчилар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва кичик корхоналар, ҳисобот ойдан кейинги ҳар бир ойнинг 15-кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказиш жойидаги солиқ органларига Жамғармага ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва ана шу ойнинг 20-кунигача тегишли тўловларни Жамғармага кирим қиладилар.

010-сатр бўйича қуйидагилар акс эттирилади:

а) мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига 6-илова 7-бандининг “б”, “в”, “г”, “д” кичик бандларида кўрсатилганларидан ташқари) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишининг ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғи чегирилган ҳолда.

Агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, у алоҳида ҳисоб юритиши ва тўловларни фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак;

б) тайёрлаш, воситачилик, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари ва таъминот-сотиш ташкилотларининг товар айланмаси, ҚҚС чегирилган ҳолда;

в) улгуржи ва чакана савдо қилувчи дорихона ташкилотларининг ялпи даромади;

г) банклар (Марказий банкдан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), аукционлар, казиноларнинг, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш, ижарага беришдан, пул ютуқли ўйин автоматларини ишлатишдан, лотерея ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказишдан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан даромад оладиган корхоналарнинг даромадлари;

д) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-текширув ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми, ҚҚС чегирилган ҳолда;

е) асосий фаолияти юк ва йўловчиларни ташиш билан боғланган автотранспорт корхоналари ва автотранспорт хизматлари кўрсатадиган корхоналарнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиши ҳажми. Бунда автотранспорт корхоналари солиқ

солинадиган айланмага фаолият бошқа турлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмларини киритади.

5. 020-сатр бўйича Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган объект суммаси акс эттирилади.

6. 030-сатр бўйича имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солиш объекти акс эттирилади.

7. 040-сатр бўйича Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмани ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган ставка акс эттирилади.

8. 050-сатр бўйича Республика йўл жамғармасига ҳисобот даври учун мажбурий ажратмаларнинг ҳисоблаб ёзилган суммалари акс эттирилади.

9. 060-сатр бўйича Республика йўл жамғармасига олдинги ҳисобот даври учун ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммалари акс эттирилади.

10. 070-сатр бўйича ҳисобот даври бошидан қўшимча тўланадиган ёки қайтариладиган мажбурий ажратмалар суммалари акс эттирилади.

Мавзу – 17 Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва давлат солиқ хизмати идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Солиқ қонунчилиги солиқ қонунларидан кенгроқ тушунча бўлиб, солиқ қонунлари ва уларни ҳаётда қўлланиши билан боғлиқ, қонуний кучга эга (ратификация қилинган, судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинган қарорлар) актларни ҳам ўз ичига олади. Солиқ қонунчилигининг манбалари юқорида санаб ўтилган меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар (Конституция, қонунлар, қарор, фармон ва бошқа ҳуқуқий актлар) бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” қонунининг 2 – моддасига кўра, ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатлардир.

Солиқ ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамиятнинг демократлашуви, ҳуқуқий давлат қуриш ғояси билан боғлиқ. Солиқ ҳуқуқи ҳуқуқий нормалар мажмуаси бўлиб, давлат солиқ структурасини аниқлайди, солиқ тизимини белгилаб беради, солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида ҳосил бўладиган муносабатларни тартибга солиб туради.

Солиқ структураси – давлат органлари структураси бўлиб, давлат номидан фаолият юритувчи, яъни солиқларни белгилашда ва уларни давлат даромадига ундиришни таъминлашда давлат фаолиятини амалга оширувчи орган.

Солиқ тизими – давлат томонидан ўрнатилган усулларга асосланган ҳода бюджетга ундириладиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар мажмуаси.

Солиқ қонунчилиги – меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, улар солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб туради.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқи солиқ муносабатларига қўлланилмайди, яъни бу “бир тарафнинг иккинчи тарафга мажбурий бўйсинишига

асосланган мажбурий муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга фуқаролик қонун ҳужжатлари қўланилмайди.”

Солиқ қонунчилиги давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик, чеклаш ва рағбатлантирувчи иқтисодиётнинг устувор томонлари жадал ривожлантирилади. Солиқларнинг ижтимоий (тақсимловчилик) функцияси ёрдамида аҳолининг ижтимоий химояга мухтож қатламларидан моддий қўллаб - қувватлаш амалга оширилади. Солиқлар мамлакатининг сиёсий тараққиётида бекиёс, хал қилувчи ўрин тутаяди. Мустақиллик ва демократия ғояларини жамият ҳаётида беайб ходисага айланиши жарёнини узлуксиз равишда молиявий маблағ таминлаб туриш, далатни бошқаришда фуқароларнинг бевосита фаол иштирок таминлашда сиёсий партиялар фаолиятини давлат бюджетидан молиялаштириш, вакиллик институти фаолияти учун шароитлар яратиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳар бир шахснинг белгиланган солиқлар ва йиғимларни бюджетга тўлаши шартлиги, адолатли солиққа тортиш, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ қонунчилигининг ошқоралиги тамойилларига асосланади. Солиқ қонунчилиги қуйидаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинишини билдиради:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро, давлатлараро, ҳукуматлараро Келишувлари;
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди, Олий Суди, Олий Хўжалик Суди Қарорлари;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари;
9. Хўжалик, Фуқаролик ва Жиноий ишар бўйича судларнинг солиқларга оид ҳал қилув қарорлари;
10. Вазирлар, давлат қўмиталари ва идораларининг солиқларга оид, тегишли тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатлари;
11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқларга оид, ўз ваколатлари доирасидаги қарорлари.

Солиқ қонунчилигининг асосий вазифалари: солиқ юқини тенг тақсимлаш; солиқларнинг йиғилувчанлигини таъминлаш; қонунга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш; солиқ тўловчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш.

Солиқ қонунчилигининг асосий тамойиллари. Солиқ қонунчилиги тамойиларининг аҳамияти Солиқ Кодекси тамойилларининг тўғри, тўлиқ ва ўз муддатларида, мамлакатнинг барча ҳудудида бир хил амал қилишини таъминлашда кўзга ташланади.

Солиқ Кодексига кўра солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик

шаклидан қатъий назар қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Солиқ тўлашнинг мажбурийлиги тамойилига кўра солиқ тўловчи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлиқ ҳажмда ва белгилаб қўйилган муддатларида тўлашнинг мажбур.

Адолатлилик тамойилига асосан, солиққа тортиш ҳамма учун умумий ва мажбурий, шу билан бирга солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий – адолат меъёрларига мос бўлиши шарт.

Солиқ тизимининг ягоналиги тамойилига асосан солиқлар ва тўловлар тизими бутун республика ҳудудида барча солиқ тўловчилар учун ягона бир хил тартиб асосида амал қилади.

Солиқ қонунчилигининг ошкоралик тамойилига асосан солиққа тортиш масалаларига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда расмий нашрларда эълон қилиниши шарт.

Солиқ сиёсати - қонун асосида, солиқларнинг функциялари ва тамойилларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, ўрнатилган солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни белгиланган миқдорда, белгиланган тартиб ва муддатларда, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўссиз риоя қилган ҳолда тўлиқ ундириб олишни назарда тутати. Солиқ қонунчилиги имтиёз ва афзалликларни тўғри қўллаш, бўшатиб олинган маблағларни солиқ имтиёзи беришда шарт қилиб қўйилган йўналишларда тўғри сарфлаш, боқимандаларга йўл қўймаслик, дебиторлик кредиторлик қарзларини олдини олиш, хуфий иқтисодиётга барҳам бериш, солиқ тўловчининг ҳақлиги призумциясини устиворлигини таъминлашда беқиёс катта аҳамиятга эга. Солиқларга хос бўлган барча хусусиятлар солиқ қонунчилигида ўз ифодасини топади. Солиқларга оид меъёрий – ҳуқуқий амалларда қоида тариқасида солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқни ҳисоблаш тартиби ва солиқ ҳисоб - китобини тақдим қилиш, солиқ тўлаш ҳамда солиқ ҳисоботи шакли, тақдим қилиш муддати албатта кўрсатилади. Шу сабабдан ҳам, солиқ қонунларининг солиқ соҳасига кирмаган қонунларда устунлиги таъмоили солиқларнинг юридик принциплари ичида алоҳида ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги манбаларининг гуруҳланиши: Халқаро ва давлатлараро келушувлар, Солиқ Кодекси ва солиқларга оид бошқа қонунлар, Суд қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий актлар, Республика ҳукуматининг қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва бошқа вазирлик, идораларнинг солиқ ва тўловларга оид йўриқномалари, тушунтиришлари; маҳаллий давлат органларининг ўз ваколатлари доирасидаги қарорлари.

Солиқ қонунчилиги манбалари саналувчи ҳуқуқий ҳужжатларга хос бўлган умумий хусусиятлар – уларнинг солиқ кодексига зид эмаслиги ва халқаро (давлатлараро), Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиб ратификация қилинган (маъқулланган) келушувларни инкор этмаслигига баъс этади.

Солиқ қонунлари қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ваколати эга бўлган идора

ва ваколати шахслар томондан юритилган қонун лойиҳалари Олий Мажлиснинг қонунчилик ҳолатида (унинг қўмита ва фракцияларда) кўриб чиқилади. Лойиҳа таминлаштиради, бошқа қонунчиларга таъсири ўрганиб чиқилади. Ялпи мажлисда (1,2,3,-ўқишда) қабул қилинади. Сўнгра Олий Мажлиснинг Сенатига кўриб чиқиш учун берилади. (Сенат тасдиқлаши, қайтариши, умумхалқ муҳокамасига қўйиши, тузатиш киритиши, келушув комиссиясини тузишни таклиф қилиши мумкин). Қонун лойиҳаси Сенат томонидан маъқуллангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди. Қонунни кучга кириш муддати, қонунни ўзида кўрсатилиши, матбуотда эълон қилингач ёки Президент имзолаган санадан белгиланиши мумкин.

Қонунлар қабул қилингач Президент Қарори билан ҳаракатга келтириш чора – тадбирлари белгиланади. Қонун ижроси бўйича ҳуқуқий назорат Бош прокуратура томонидан таъминлаб борилади. Қонун мониторинги Адлия вазирлиги томонидан олиб борилади. Маълумки, қонун узоқ вақт фойдаланиладиган ҳуқуқий акт бўлганлиги сабабли, уни қабул қилиш жараёни кўп босқичли ва узоқ вақтни ўз ичига олади. Баъзи бир оператив ҳал қилинадиган масалалар борки, уларни ҳал қилишни қонун қабул қилингунича ёки қонунларга тегишли тузатишлар киритилгунича кутиб туришни иложи йўқ. Агар сусткашликка йўл қўйилса давлат манфаатига путур етади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзига Конституция томонидан берилган ваколатдан фойдаланиб, Фармон қабул қилади. Худди шунингдек, Республика Молия вазирлигига ҳам Олий Мажлис, Президент, Ҳукумат томонидан баъзи ваколатлар берилишимумкин. Масалан, пахта толаси, олтин, қорақўл биржа савдоларидаги талаб ва таклиф ўзгаришларини ҳисобга олиб, акциз солиғи ставкасини йил ичида мустақил ўзгартириш ҳуқуқи ва бошқалар.

Қонун, Фармон ва Қарорлар мамлакатнинг барча ҳудудида, барча тегишли юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил амал қилади. Улар умумий, ҳамма бир хил тушунадиган тарзда ёзилади. Қонун бўйича конкрет ҳолатда келиб чиқадиган масалаларбўйича тушунтиришлар йўриқномаларда берилади. Солиқ органлари ходимлари ва солиқ тўловчилар Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган йўриқномаларга асосланиб иш юритадилар.

Солиқ Кодекси ва меъёрий ҳужжатларга асосан солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари белгиланади. Бунда тўлаш муддати ҳолатнинг ҳақиқатда ёки ҳуқуқий ҳаракат бошланиши белгиланган кундан кейинги кундан бошланади. Тўлаш муддатининг тугаши эса Солиқ Кодексида белгиланган охириги кун ҳисобланади.

Агарда солиқ мажбуриятини амалда бажарилишида солиқ тўловчида солиқ бўйича қарзлар мавжуд бўлса, у ҳолда тўловлар куйдаги кетма-кетликда амалга оширилади: биринчи навбатда асосий солиқ бўйича боқимандалар, кейин ҳисобланган пеня, охирида эса- ҳисобланган жарималар тўланади.

Ўзбекистонда молия йили 1-январдан 31-декабргача давом этади.

Даъво қилиш муддати. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча тўланган солиқ, йиғим ва жарималарни бюджетдан қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати фуқаролик қонун ҳужжатларида уч йил қилиб белгиланган.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво муддати куйидагича белгиланади: даромадлар тўғрисида декларациялар тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчиларга нисбатан уч йил;

Солиқ суммасининг 20 фоиздан кўпроқ қисми камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда – беш йил. Даъво қилиш муддатининг ўтиши фукаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

Маълумотларнинг махфийлиги. Солиқ тўловчининг фаолиятига тегишли: технологик, шартномаларга оид, банкдаги счётларнинг ҳолатига оид, дебитор-кредитор шерикларнинг мажбуриятларига оид ва барча очик ҳисоботларда эълон қилинмайдиган маълумотлар тижорат сири ҳисобланиши мумкин. Солиқ тўловчини текширишда текширувчиларга маълум бўлиб қолган сирларни ошкор этишга йўл қўйилмайди. Тижорат сирини ошкор этишда айбдор бўлган мансабдор шахсга келтирилган зарарни ундириб олиб, жиноий иш очишгача бўлган қатъий чоралар кўрилади.

Корхона раҳбари, мутахассиси ёки муассисининг соғлиги тўғрисидаги маълумот ҳам тижорат сири қилиб белгиланиши мумкин. Махфий маълумотлар доираси корхона, хусусий тадбиркор томонидан белгиланади.

Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига идентификацион рақами беради. Солиқ тўловчи солиқ қонунчилигига мувофиқ фойдаланадиган барча ҳужжатларда ўзининг СТИР ини кўрсатиши шарт.

Солиқлар, йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқариш, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” (1996 йил 30 август) ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига кўра, ҳисоблаш методига асосланиб, амалга оширилади. Солиқлар ва тўловлар миллий валюта сўмда ҳисобланади. Солиқ мажбурияти: юридик шахслар томонидан – пул ўтказиш йўли билан; жисмоний шахслар томонидан – нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан бажарилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан куйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг резидент тижорат ташкилотларини истисно этганда) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши куйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лёкин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лёкин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошка объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ

суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-харакатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва Яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йигимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан кўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шугулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йигимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди;

9) ҳисобварақ-фактураларни:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун, агар бу қонунбузарлик қўшилган қиймат солиғи тушмаслигига олиб келган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади, ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғини акс эттирган тарзда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчилардан ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммаси ҳамда худди шу суммага тенг миқдорда жарима ундирилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилмайди.

10) ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмаганлик ёки ҳисобварақ-фактураларни белгиланмаган шаклда расмийлаштирганлик учун (солиқ тўловчининг идентификация рақами ва қонун ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилиши шарт бўлган ҳолларда бошқа реқвизитлари кўрсатилмаганлиги

ёки нотўғри кўрсатилганлиги) ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима ундирилади;

11) ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ўлчамдаги ер майдонларидан фойдаланганлик учун қуйидаги миқдорда жарима ундирилади: юридик шахслар учун ер солиғига тенг сумманинг икки баравари миқдорида, жисмоний шахслар учун бир ярим баравари миқдорида.

12) назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун:

юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, ўша килмишлар молиявий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида;

якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима ундирилади;

13) техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида, ўша килмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг беш юз баравари миқдорида жарима ундирилади;

14) деҳқон (озик-овқат) бозорларидаги стационар савдо шохобчаларидан ташқарида ноозик-овқат истеъмол товарларини реализация қилганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима ундирилади;

15) реализация килинган товарлар (хизматлар) учун олинган пул тушуми суммасини даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш рўйхатларига кирим килмаган ҳолда савдони амалга оширганлик ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, ўша килмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима ундирилади;

16) стационар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали аҳолии билан пул ҳисоб-китоблари амалга оширилаётганда нақд пул тушумини яширган тақдирда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан яширилган нақд пул тушуми миқдорида жарима ундирилади;

17) истеъмол товарларини улгуржи реализация қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун юридик шахслардан (ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва улгуржи етказиб берувчилардан) мазкур фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик бу - солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузилишида олиб бориладиган солиқ иш юритувида энг кенг даражада қўлланиладиган жавобгарлик-нинг туридир. Солиқ органлари, шунингдек, дастлабки суриштирув органи бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 264-моддасига мувофиқ, давлат солиқ органларига ушбу Кодекснинг 164- моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 165-, 168-моддалари, 171- моддасининг иккинчи, учинчи ватўртинчи қисмларида, 172-, -174- моддалари, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида, 176- моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари давлат солиқ органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат солиқ органлари ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида амалда бўлган иш ҳақининг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда, фақат жарима солишлари мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик одатда судланганликка ва ишдан бўшатишга олиб келмайди. Шу билан бирга маъмурий жавобгарликка тортишдан кейин бир йил ичида яна маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса у жиноят ҳисобланиб, жиноят кодекси нормалари бўйича ҳал қилинади. Ҳуқуқбузарликлар ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатида қўлланиладиган чораларнинг турлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳақидаги 184- модда мавжуд бўлиб, унда солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузиш оқибатида жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модданинг диспози-циясига кўра, фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барава-ригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қamoқ билан жазоланади. Ўша қилмишлар такроран, кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бара-варигача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг учинчи қисмида худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жиноят кодексига мувофиқ

жисмоний шахслар, масъулиятли ва бошқа мансабдор шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин. Кўриб чиқилаётган жиноятлар қаторига иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ қилмишлар қўшилган, булар сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш кабилар киради. Бундай ҳуқуқбузарлик юзасидан текширув олиб бориш учун солиқ органла-рига дастлабки суриштирувни олиб бориш ҳуқуқи берилган. Солиқ органларининг дастлабки суриштирув органлари сифатида олиб борадиган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Сўз жавобгарлик ҳақида кетаётганда солиқ орган-ларининг солиқ бўйича қарзлар билан ишлаш тартиби ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Солиқ органлари солиқ бўйича мавжуд бўлган қарзларга нисбатан талабномалар тақдим қиладилар. Давлат солиқ органлари фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш-ларида масъулиятларини ошириш чоралари ҳақида“ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган махсус Низомда белгиланган.

Кўрсатилган Низомға мувофиқ солиқ органлари унди-рувни солиқлар бўйича қарзлари мавжуд бўлган корхонанинг мулкига қаратишға ҳақлидирлар. Боқимандаларни ундириш давлат солиқ органлари томонидан баҳссиз равишда инкассо топшириқномасини қўйиш йўли билан амалға оширилади. Солиқ органларига бундай ҳуқуқ Солиқ кодексининг 134-моддаси қоидалари билан ҳам белгиланган. Инкассо топшириқномасини олгач банк Низомда белгиланган муддат ичида унинг нусхаларини солиқ органи ва қарздор корхонаға юборади. Мазкур талабни бузган банкка нисбатан молиявий санкциялар қўлланилади. Агарда қарздорнинг ҳисоб рақамида маблағ йўқ бўлса, ундирув унинг мулкига қаратилади. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатға олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387- сонли „Бюджет олдидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни корхоналар ва ташкилотларнинг мулкига қаратиш ҳақидаги Низоми“да белгиланган.

Олиб қўйилган молиявий маблағлар ўша кундаёқ тегишли бюджетға ўтказиш учун банкка топширилади. Олиб қўйиш акт билан расмийлаштирилади.

Олиб қўйишни мулкка қаратишда (маблағ йўқлигида) унинг рўйхатланиши ҳам акт билан расмийлаштирилади. Уни расмийлаштириш тартиби тегишли йўриқномада кўрсатилган. Қарздор томонидан тегишли суммаларни бюджетға тўланганлигида, олиб қўйилган мулк унга қайтарилади.

Олиб қўйилган мулкни сақлаш ва сотиш тартиби ҳам тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган.

Солиқ органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига шикоят қилиш, ундирувни мулкка қаратишни тўхтатиб туришға асос бўлмайди, агар қонунда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса.

Солиқ тўловчилар билан бир қаторда давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳам солиқ ҳақидаги ҳужжатларни бузганликлари учун жавобгарликка торти-ладилар. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган ман-сабдор шахслар маъмурий жавобгарликка, жиноят аломатлари мавжуд бўлганда жиноий жавобгарликка тортиладилар. Мансабдор шахслар Солиқ кодекси, „Давлат солиқ

хизмати тўғрисида”ги қонунда белгиланган қоидаларни бузганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан мансабдор шахсларга нисбатан хизмат ёки тижорат сирини ошкор қилиш, хизмат вазифасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Солиқ органларининг айби билан солиқ тўловчига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Мавзу – 18 Давлат солиқ хизмати идоралар тизими

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ кодексида кўрсатилган солиқ, йиғим ва тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмларда бюджетга тушишини таъминлаш учун ташкил қилинган.

Унинг ҳуқуқий асосларини «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни белгилаб беради.

Солиқ назорати солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган субъектлар ва объектларни ҳисобга олиш, солиқларга доир текширувлар ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўраб суриштириш воситасида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар Давлат солиқ бошқармалари; шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг Давлат солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси таркибида ҳудудий тузилмаларга эга бўлган махсус назорат-тафтиш бўлини тузилиб, у Давлат солиқ хизмати органларида солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида фаолият олиб боради.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар ҳисобланади, Республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитасининг тузилиши ва фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатиш;

солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан солиқ тўловчилар билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, «сметалари, даромадлари ҳақидаги декларациялари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва ахборотномалар олиш;

2) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига таалукли ахборотлар, маълумотномалар ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

3) белгиланган тартибда: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензияларини, патентларни ёки рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилганлигига доир материалларни мазкур фаолият билан шуғулланишга руҳсат берган органларга топшириш;

4) кассаларни ва товар моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳраб қўйиш, товарлар, буюмлар; хом-ашё материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни текширишга, тадқиқ қилишга ва экспертизага юбориш;

5) савдо қоидаларига, товарларни бериш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

6) юридик ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар; савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан, алоҳида режимдаги корхоналарни текшириш; бажарилган ишларни кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш. Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказётган

мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида махсус бўлган ахборотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг ҳужжатлари ҳақидаги ахборотлар) асосида ёки бошқа шунга ўхшаш солиқ тўловчиларга солинадиган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар;

7) юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказилишининг ёки Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришини рад этса, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақлари бўйича операцияларини суд қарори асосида тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда; солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақида ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш учун материалларни судларга чиқариш;

10) солиқлар борасида қонунбузарликлар фактлари бўйича товар моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;

11) солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундириб олиш;

12) юридик ва жисмоний шахсларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини Давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво қўзғатиш;

13) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, назорат қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш юзасидан амалга ошираётган ишларини тўхтатиш ҳақида таклифлар киритиш;

14) даромадлар (фойда) ёки бошқа солиққа тортиш объектларини яшириш ҳоллари аниқланганда қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жиноий ишлар қўзғатиш ва уларни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Давлат солиқ хизмати органлари асосий вазифалари рўйхатининг 1-7 бандларида назарда тутилган ҳуқуқлари давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8-14 бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса фақат Давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига

берилади.

Давлат солиқ хизмати органлари Давлат статистика, ахборот, архив, маълумот ва бошқа ташкилотларнинг солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни бериш юзасидан кўрсатадиган хизматлари (бажарадиган ишлари) учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари;

1) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан Давлат назоратини, амалга оширишлари, қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

3) солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлашлари;

4) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома материаллар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқариш ва нашр этишлари;

5) солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари;

6) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширишларнинг натижаларини маълум қилишлари;

6) солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказишлари;

8) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари, ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритишлари;

9) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

10) солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширишлари;

11) юридик ва жисмоний шахсларга улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш (индектификациялаш) тартиб рақамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши;

12) мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналар, мерос ҳуқуқи бўйича Давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари; уларни баҳолашлари ва уларнинг реализация қилинишини назорат этишлари;

13) масалани ҳал этиш Давлат солиқ органларини ваколат доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик органларига ва судга оширишлари;

14) юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишининг белгиланган тартибда риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилишлари;

15) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга таалуқли маълумотларнинг махфийлигига риоя этилиши;

16) ўзларига бўйсундирилган бўлинмалар фаолиятини назорат қилишлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда Давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси :ўз ваколатлари доирасида солиққа тортиш субъектлари ва объектлар, солиқ базасини белгилаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қабул қилинадиган умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олиниши ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари;

1) хўжалик юритувчи субъектлар Давлат солиқ хизмати органларига рўйхатга олинганликларини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолидагина улар учун ҳисоб-китоб ва ҳисобварақлари очилиши мумкин ва бу ҳисобварақлар очилганлиги ҳақида улар очилган куннинг эртасидан кечикмай мазкур органларга хабар берадилар;

2) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида Давлат солиқ хизмати органларининг хулосаси тақдим этилган тақдирдагина хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишлари мумкин;

3) Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчи мижозлардан белгиланган муддатда тўланмаган солиқлар ва жарималарни сўзсиз ундириш тўғрисидаги фармойишларни (инкасса Топширикномаларни) меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ҳақидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга доир, шунингдек ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талабларни қондириш учун ҳисоб-варақадан пул маблағларининг ўтказилиши ёки берилишини назарда тутадиган ижро ҳужжатлари бўйича маблағлар ҳисобдан чиқарилгандан кейин бажарадилар;

4) солиқ тўловчи мижознинг маблағлари бўлса унинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақидан маблағларини ҳисобдан чиқариш операцияси амалга оширган куни

солиқлар ва жарима суммалари бюджет даромадига ўтказадилар;

5) Юридик шахсларнинг сўмдаги маблағлари етишмаган ва валюта ҳисоб-варағида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда Давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига кўра мазкур валюта маблағларини бюджет олдидаги қарзини тўлаш учун зарур бўлган ҳажмда сотув кунидаги курс бўйича валюта биржасида сўзсиз тартибда сотадилар;

6) давлат солиқ хизмати органларининг ёзма талаби бўйича суд қарори асосида солиқ тўловчи мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларидан пул маблағлари бериш, ўтказиш ёки уларни ҳисобдан чиқаришга доир барча операцияларни тўхтатиб қўядилар;

7) Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига: юридик шахсларининг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақалари; жисмоний шахсларнинг депозит ва ҳисобварақалари бўйича амалга оширилган операцияларини текшириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўядилар;

8) Давлат солиқ хизмати органларининг сўровномасига кўра уларга сўралаётган даъво мобайнида солиқ тўловчи мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисоб варақларида амалга оширилган операциялар ва ана шу ҳисоб варақларида пул маблағларининг бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар;

9) Давлат солиқ хизматининг сўровномасига кўра экспорт-импорт контрактларининг ижросига доир маълумотларни ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни тақдим этадилар.

Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг солиқ тўловчи мижозларининг солиқлари, шунингдек жарима суммаларини ўтказиш ҳақидаги Топшириқларини бажаришни кечиктириш тақиқланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларнинг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Ҳеч ким Давлат солиқ органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашашига ҳақли эмас. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилиқ кўрсатиш, таҳдид қилиш, зўравонлик қилиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Солиққа тортиш субъектлари ва объектларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ хизмати органларида участка солиқ инспекторлари лавозими ташкил этилади. Участкаларнинг чегаралари, шунингдек участка солиқ инспекторларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган нормативлар бўйича белгиланади.

Участка солиқ инспекторлари ўзларига бириктирилган участкада мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни ҳисобга олиш юзасидан тегишли

ишларни бажарадилар, ҳамда улар тегишли солиқларни ўз вақтида тўлашини назорат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори;
- солиқ хизматининг инспектори;

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан нотўғри ундарилган солиқ суммалари ва улар юзасидан жарималар солиқ тўловчининг солиқлар бўйича қарзи бўлмаса, унинг ёзма аризасига биноан бир ой муддатда қайтарилиши лозим ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари туфайли солиқ тўловчига етказилган зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг иш ҳақи-мансаб маоши, махсус унвон, кўп йил хизмат қилганликлари учун тўланадиган устама ҳақлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартабда тўланадиган бошқа қўшимча ҳақлардан иборат бўлади.

Махсус унвон берилган шахслар белгиланган нормалар бўйича бепул махсус формали кийимбош билан таъминланадилар. Давлат солиқ хизмати органларида махсус фонда ташкил этилиши мумкин, уни ҳосил қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Халқаро ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларга мувофиқ тажриба алмашиш, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш, кадрларни ўқитиш маҳсадида ҳамда бошқа масалалар бўйича хорижий давлатларнинг солиқ ва бошқа органлари билан алоқалар ўрнатиши мумкин.

Мундарижа:

Курсни ўрганиш юзасидан тавсиялар.....	- 4 -
Курснинг ишчи дастури.....	- 6 -
Замонавий педагогик технологияларни қўллаш.....	- 10 -
Тавсия қилинадиган адабиётлар:.....	- 11 -
Рейтинг назорати саволлари.....	- 13 -
Талабанинг фанни ўзлаштириш рейтингини баҳолаш МЕЪЗОНЛАРИ.....	- 15 -
Мустақил таълим.....	- 16 -
Ўзини текшириш учун тестлар.....	- 17 -
Амалий топшириқлар.....	- 30 -
Мавзу -1 “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари.....	- 34 -
Мавзу - 2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва таркиби.	- 37 -
Мавзу - 3 Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ.....	- 43 -
Мавзу – 4 Қўшилган қиймат солиғи.....	- 54 -
Мавзу 5 Қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси.....	- 66 -
Мавзу – 6 Акциз солиғи.....	- 72 -
Мавзу – 7 Юридик шахсларнинг молк-мулк солиғи.....	- 78 -
Мавзу – 8 Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи.....	- 86 -
Мавзу - 9 Юридик шахсларнинг ер солиғи.....	- 96 -
Мавзу - 10 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	- 105 -
Мавзу - 11 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	- 109 -
Мавзу – 12 Жисмоний шахслар даромад солиғи.....	- 113 -
Мавзу – 13 Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектларидан солиқ.....	- 130 -
Мавзу – 14 Жисмоний шахслар молк-мулк солиғи.....	- 133 -
Мавзу – 15 Жисмоний шахслар ер солиғи.....	- 137 -
Мавзу – 16 Бошқа маҳаллий солиқлар, йиғимлар таркиби, уларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.	- 145 -
Мавзу – 17 Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва давлат солиқ хизмати идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	- 159 -
Мавзу – 18 Давлат солиқ хизмати идоралар тизими.....	- 168 -